

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№24 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазасва Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Мирзаев Муродулла, Турсунов Рустам ЭРКИНЛАШТИРИШ - ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ.....	4
2.Қобулов Эшболта СУРХОН ВОҲАСИДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УНИ ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ.....	13
3.Алламуратов Шухрат МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЙ-ДИНИЙ АЛОҚАЛАРИДА АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИНИНГ ЎРНИ.....	23
4.Аннаева Зарифа ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ АГРАР СИЁСАТИ ВА УНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ.....	30
5.Бобожонов Ислombек МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ (Тошкент маҳаллалари мисолида).....	35
6.Мулладжанова Раъно ХИХ АСРНИНГ ОХИРИ ВА ХХ АСРНИНГ БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТИ ВА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	42
7.Турапова Моҳидил ХХ АСРНИНГ I ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЖАНУБИЙ ШАҲАРЛАРИДА АҲОЛИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ ВА ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ.....	47
8.Холмўминов Хусан ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДАГИ ИЖТИМОЙИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ (1946-1960 йиллар).....	57
9.Холмўминов Хусан, Эшмўминов Озодбек ЎЗБЕК УРУҒЛАРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ (қўнғирот уруғи мисолида).....	63
10.Хўжаназаров Абсалом, Алламуратов Шухрат ТИББИЁТГА НАЗАР: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	69
11.Қурбанова Манзила, Шамсиева Зилола БУХОРО АМИРИ САРОЙИДАГИ АЁЛ СОЗАНДАЛАР САНЪАТИ.....	76
12.Қурбонов Абдусамад БРОНЗА ДАВРИ ИБОДАТХОНАЛАРИДА УЧРАЙДИГАН АЛТАРЛАР.....	83


ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Мирзаев Муродулла,
Турсунов Рустам,**

Тошкент давлат педагогика университети
доцентлари, тарих фанлари номзодлари

ЭРКИНЛАШТИРИШ - ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ- СИЁСИЙ ҲАЁТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ

For citation: Murodulla Mirzaev, Rustam Tursunov. Annotation liberalization is one of the major objectives of reforming the public and political life of Uzbekistan. 2019, vol. 24, issue 2, pp. 4-12

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24-01>

АННОТАЦИЯ

Мақола Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётини ислоҳ қилишнинг асосий вазифаларидан бири бўлган либерализм ғоялари мавзусига бағишланган. Миллий мафкуранинг либерал сифатларини ривожлантириш учун ҳокимиятни шакллантириш билан бир қаторда, инсонлар онгига таъсир кўрсатадиган обрўли оммавий сиёсий куч ҳам бўлиши талаб этилади. Бундай куч сиёсий партия ҳисобланади. Агар у тўлиқ ёки қисман бўлса-да либерал мафкурага таянса, у нафақат партия аъзолари, балки сиёсат билан қизиқадиган барча инсонлар онгига муқаррар таъсир кўрсата олади. Миллий мафкурани ривожлантириш учун бу жуда муҳим.

Калит сўзлар: конституция, демократия, мафкура, либерализм, ғоя, дунёқараш, онг, давлат, ҳуқуқ, парламент, партия.

**Мирзаев Муродулла,
Турсунов Рустам,**

Доценты Ташкентского государственного
педагогического университета им. Низами,
кандидаты исторических наук

ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ - ОДНА ИЗ ГЛАВНЫХ ЗАДАЧ

РЕФОРМИРОВАНИЯ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена теме идеям либерализма, одной из главных задач реформирования общественно-политической жизни Узбекистана. Для развития либеральных качеств национальной идеологии необходима также соответствующая массовая авторитетная политическая сила, влияющая как на умы людей, так и на формирование власти. Такой силой выступает политическая партия. Если она полностью или частично опирается на либеральную идеологию, она неизбежно будет влиять на сознание людей, причем не только на членов партии, но и на всех тех, кто интересуется политикой. Для развития национальной идеологии это очень важно.

Ключевые слова: конституция, демократия, идеология, либерализм, теория, мировоззрение, сознание, государство, право, парламент, партия.

**Murodulla Mirzaev,
Rustam Tursunov,**

Associate professors of Tashkent State
Pedagogical University named after
Nizami, candidates of historical sciences

LIBERALIZATION IS ONE OF THE MAJOR OBJECTIVES OF REFORMING THE PUBLIC AND POLITICAL LIFE OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article is devoted to the ideas of liberalism, one of the main tasks of reforming the socio-political life of Uzbekistan. For the development of liberal forms of national ideology, an appropriate mass authoritative political force is also necessary, influencing both the minds of people and the formation of power. Such a force is a political party. If it is based entirely or partly on liberal ideology, it will inevitably affect the minds of people, not only the members of the party, but also all those who are interested in politics. For the development of national ideology, this is very important.

Key words: constitution, democracy, ideology, liberalism, idea, worldview, consciousness, state, right, parliament, party.

Проведенный анализ исследований социально-экономического и политического развития Республики Узбекистан позволило прийти к главному выводу - идеология национальной независимости наряду с культурно-историческими традициями общественно-политической мысли гармоничным образом впитала в себя общечеловеческие ценности, основу которых составляет либерализм. Либерализм, как составная часть национальной идеологии дала возможность решить целый ряд фундаментальных вопросов, среди которых изменение сознания населения, развитие понимания необходимости и потребности в либерально-демократических реформах, их обоснование, реализацию и

определение дальнейших перспектив.

Для последующего позитивного развития либеральных идей и принципов в системе национальной идеологии есть все предпосылки: научная, институциональная и правовая база, значительно подросшая политико-правовая культура населения, развивающиеся институты гражданского общества.

Научная база опирается на мировой опыт, примеряемый к условиям республики с учетом традиций коллективизма, долгосрочных задач государственного и общественного строительства, условий переходного периода, а также приоритета интересов человека, его прав и свобод.

Ставка на либерализацию как на стратегию экономических и политических реформ обуславливается также политико-правовой силой и конкурентоспособностью либеральной идеологии. Последнее также важно с точки зрения объективной оценки данной идеологии как ведущей в системе мировых идеологий, по сути прогрессивной, способной в еще большей степени упрочить фундамент демократических и рыночных реформ в Республике Узбекистан.

Данный вывод также подтверждается тем, что парадигма либерализма гармонично интегрировалась в идеологические системы политико-правовых институтов идеологического развития Республики Узбекистан, обеспечила либерализацию общественного сознания, формирование основ гражданского общества, а также правовых условий деятельности основных политических институтов.

Суть либерализма лучше всего высвечивается при освещении генезиса теоретико-методологических основ либерализма. В свою очередь данный подход выявил необходимость рассматривать вопросы становления либеральной философии в так называемый ее классический период. Соответственно следовало рассмотреть дальнейшее развитие теории либерализма, его современных модификаций, а также состояния изученности и научной интерпретации либерализма в Республике Узбекистан.

Анализ указанных вопросов привел к выводам, что основу либеральной теории составляет комплекс гуманистических представлений, идей и воззрений о суверенном индивиде, как о главной политической ценности, возникающих на определенном этапе исторического развития традиционных обществ.

Классический либерализм - это генезис идеологического пересмотра проблем адекватности соотношения между государством и индивидом, который начинается прохождением периода отрицания государственной власти как системы вмешательства в дела индивида и общества, а так же философией "негативной" свободы. Классический либерализм соединил в себе все прогрессивные политико-правовые концепции развития демократической системы власти, где либерализм определял границы власти общества и государства над отдельно взятым человеком.

Анализ дальнейшего развития идеологии либерализма показал, что либерализм даже в самые трудные годы своей истории выстоял конкурентный натиск тоталитарных и других девиантных социально-политических идей и частных мнений, и оказался достаточно гибким к изменяющимся историческим условиям.

Современный вариант политического либерализма представляется как более сложная, многоплановая, отражающая реалии современного общества, находящаяся в стадии дальнейшего развития концепции, основные идеи и принципы которой вытекают из ценностей классического либерализма. В центре внимания современной политической философии либерализма продолжают

оставаться вопросы соотношения свободы и равенства, гражданина, государства и общества, расширение прав и свобод граждан, при ограничении государственного вмешательства в систему общественных отношений.

Сегодня в мире практически нет национальной идеологии, в которой бы не содержались элементы либерализма. Потому что за либерализмом будущее, даже если на практике эта идеология будет принципиально исповедоваться и реализовываться лишь оппозиционными политическими партиями и отдельными гражданами. Пока есть силы, отстаивающие либеральные ценности, у демократии будут шансы быть обществу реально полезной системой. Альтернатив этому положению вещей пока нет, потому что именно либерализм придает демократии ее современный и главным образом действенный смысл и истинное значение.

Задачи либерализма в Узбекистане перекликаются с теми проблемами, которые приходилось решать человечеству, развивая и следуя либеральной идеологии в целях создания более справедливых и свободных условий общественных отношений. У разных народов эти задачи решались по-разному, но всегда через собственное осмысление, через творческое развитие главных идей, с тем, чтобы эти идеи были понятны каждому члену общества, чтобы они работали. Это всегда был процесс синтеза универсальных и национальных ценностей бытия, борьба за умы людей, поиск путей оптимального развития общественной системы, главной целью которого выступает отражение двуединой задачи - обеспечения и защиты интересов нации и гражданина.

Основные идеи либерализации общественно-политической жизни Узбекистана содержатся в трудах первого Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова. В правовом государстве видятся условия, гарантирующие юридическое равенство всех граждан перед законом, верховенство законов, защиту интересов общества и безопасности населения. "Правовое государство немыслимо без торжества законности и правопорядка, приоритета прав и свобод личности, твердой дисциплины, внутренней самоорганизации и ответственности, уважения законов и традиций" [1, С.44]. О преимуществах либерализма также говорит тот факт, что современные представления о "политике" и "либерализме" связаны между собой качественными параметрами и функциями. Например, без политического плюрализма и соответствующей справедливой, честной конкуренции политических сил понятие "политики" утрачивает всякий смысл.

Либеральное сознание, либеральные политические институты, основанная на либерализме государственная политика, реформы - есть гарантии позитивного разрешения противоречий, и принятия эффективных мер по их преодолению. Для этого формируется целая сеть социально-политических и правовых институтов, таких как свобода печати, парламент, включающий оппозицию, демонстрации, выборы и т.д. Данные институты переводят, реально или потенциально, опасные процессы в предмет повседневной озабоченности общества, уменьшая надежду, что все сладится как-нибудь само собой. Отсутствие соответствующих институтов приводит к явлению, которое можно назвать уходом болезни вглубь.

Либерализм, консерватизм, социал-демократизм есть однородные демократические течения общественно-политической мысли, взаимообусловленные и связанные между собой целями развития и процветания во имя человека. Они одинаково противостоят другим недемократическим идеологическим системам (тоталитаризму, авторитаризму и т.д.). К тоталитарным идеологиям относятся не только фашизм и коммунизм, но и религиозно-

политические варианты "консолидированного общества борьбы с либеральным миром". Особенно активизировались сегодня религиозно-экстремистские организации типа "ИГИЛ" или "Хизб ут тахрир". Действительно, если националистическая и социальная составляющая тоталитарной идеологии дискредитировали себя на практике, то религиозная карта еще только разыгрывается различными геополитическими игроками. Либерализму видимо предстоит пережить и этот вызов. Такова основная функция либерализма - утверждать самоценность свободы человека, добиваться того, чтобы ни одна идеология не привела к власти силы, для которых "что-то" является важнее судьбы конкретного человека. Можно сказать и так, что либерализм это условие выживания всего человечества. Это есть системообразующее начало по отношению к демократическим альтернативам экономической и общественно-политической мысли. Либерализм универсален, как универсальна свобода человека, его разума, поступков. Он в равной степени приемлем в борьбе с политическим мракобесием и средневековьем в любой части света. Либерализм принадлежит всем.

Правовая сила либерализма внутри государства основывается на конституции и конституционно закрепленных правах и принципах.

Конституция Республики Узбекистан в полной мере отразила основные требования, вытекающие из либерального представления о правах и свободах человека в правовом государстве и гражданском обществе. Она ориентирует систему права и политико-правовое сознание общества на либеральные ценности и принципы. От реализации положений Конституции в ежедневной практике зависит не только либерализация правовой системы Узбекистана, но и обогащение либеральным содержанием идеологии национальной независимости, которая в свою очередь должна основываться, прежде всего, на Конституции Республики Узбекистан [2, С.42].

Когда в массовом сознании и в сознании специалистов закрепляется убежденность в либеральном значении Конституции, создается основная предпосылка воплощения теории в практику. Потому что только либеральное осмысление и восприятие Конституции определяет ее реальную жизненность. Никакие другие аргументы не имеют такой силы, какую имеют требования свободы, равенства и справедливости при утверждении конституционных принципов в каждодневной жизни. Это единственный документ, решающий подобные вопросы на высоком авторитетном уровне.

Конституция, в сущности, есть основная предпосылка либерализации общества в Узбекистане. Она в полной мере учитывает мировой конституционный опыт, в том числе через принципы конституционного регулирования - права человека, приверженность нормам международного права, разделение властей и стабильность Конституции и т.д. К числу юридических свойств Конституции Республики Узбекистан относятся указания на основные принципы правовой системы, сформулированные в первом разделе и имеющие в большей степени либеральное значение. Это, прежде всего, человек, его права и свободы как высшая ценность; народовластие, осуществляемое непосредственно (референдум) и через представительные органы; правовое государство, политический и идеологический плюрализм; разделение властей; свобода экономической деятельности и равноправие форм собственности; примат международного права.

"Основополагающие принципы Конституции независимого Узбекистана включают такие направления, как равноправие всех граждан независимо от

национальной принадлежности, религиозной убежденности и вероисповедания, верховенство прав человека, определяющих приоритет личности и социальной справедливости в обществе... Эти стратегические приоритеты и определяют вектор социальных, национальных и демократических перемен" [3, С.49].

Государство, как основной реформатор должно показывать пример конституционализма, воспитывать на своем примере конституционализм граждан. Любое нарушение Конституции государством и его представителями есть больший удар либерализму, чем это могут сделать открытые враги либерализма.

Таким образом, судьба развития правового государства и гражданского общества, либеральных идей в структуре национальной идеологии во многом зависит от развития национального конституционализма, от строгого следования принципам Конституции в общественной практике. Прежде всего, необходимо донести до каждого человека определение того, что либерализм есть политико-правовой принцип, ограничивающий или склоняющий к самоограничению власти. Это не только политическая позиция, но и рациональный расчет, который обрел конституционные формулировки на основе практического опыта, в том числе из истории бывшего СССР. Самоограничение власти есть самый трудный процесс. Этому может способствовать только конституционализм, который из общей совокупности ценностей и принципов либерализма рассматривает его политическую сторону, ограничивающую государство посредством конституционных норм, на основе принципа разделения властей и создания четкой системы сдержек и противовесов.

В процессе либерализации общества и государства исключительно важное значение имеет положение парадигмы либерализма в системе политических институтов идеологического развития Республики Узбекистан. Субъектами формирования национальной идеологии являются Президент Республики Узбекистан, специалисты-ученые в области общественных наук, журналисты, общественные организации и другие.

Для развития либеральных качеств национальной идеологии необходима также соответствующая массовая авторитетная политическая сила, влияющая как на умы людей, так и на формирование власти. Такой силой выступает политическая партия. Если она полностью или частично опирается на либеральную идеологию, она неизбежно будет влиять на сознание людей, причем не только на членов партии, но и на всех тех, кто интересуется политикой. Для развития национальной идеологии это очень важно, так как политические партии используют в своей работе научные методы. Они изучают мнение электората, приспособливают свою программу под интересы определенной части населения и тем самым создают площадку для усвоения определенных идей, которые вытекают из данных интересов, объясняют их и гармонизируют отношение к ним как к методам развития общественных отношений. В Узбекистане ею стала Либерально-демократическая партия Узбекистана.

Изучение идей либерализма в трудах первого Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова и нынешнего президента Ш.М.Мирзиёева по вопросам политического развития, показывают, что в своей совокупности они представляют собой целостную либерально-идеологическую систему взглядов и убеждений. Данная система находится в постоянном развитии, на основе учета национальных особенностей, специфики состояния социально-экономической сферы, степени развитости политико-правовой культуры населения, текущих задач

государственного и общественного строительства и сегодня трансформируется в стройную научную теорию.

Структура идеологии развития политической системы и соответствующих отношений состоит из двух основных направлений: либерализации в политической сфере и в области государственного строительства. Непосредственно, задачи либерализации политических отношений включают в себя:

- создание либеральных условий для повышения политической активности человека;

- обеспечение плюрализма и свободы развития многопартийности, создание условий свободной конкуренции их взглядов и идей, политического поля соперничества партий, в том числе и оппозиционных, усиление роли партий в принятии важных государственных решений;

- укрепление и развитие негосударственных структур, неправительственных и общественных организаций, органов самоуправления граждан, для создания прочных основ развития гражданского общества;

- обеспечение плюрализма или многообразия мнений, свободы их выражения, обеспечение независимости средств массовой информации;

- укрепление и развитие прав и свобод человека, демократических ценностей в сознании людей. Создание условий для формирования свободной личности.

В области государственного строительства, основной либеральной задачей является углубление парламентской реформы, развитие функций общественного контроля, повышение статуса и роли политических партий, создание благоприятных условий для деятельности негосударственных неправительственных организаций и т.д. Главный смысл преобразований заключается в ограничении государственного вмешательства, обеспечение условий свободного функционирования демократических институтов, реализации всего политического, социального потенциала граждан и общества.

Анализ политической идеологии партий Узбекистана на предмет выявления степени обращения к либеральным идеям и ценностям показывает, что несмотря на имеющиеся противоречия в содержании политических программ действующих в Узбекистане партий, социал-демократические интерпретации и другие адаптационные подходы, либерализм является сутью большинства партий республики. Большинство партий в центр своей ценностной ориентации ставят свободу личности, плюрализма взглядов и идей. Ратуют за углубление процесса разделения властей, за установление гражданского контроля над деятельностью органов власти. Определяют задачи ограничения вмешательства государства в экономические отношения и, в частности, в деятельность предпринимателей.

В Узбекистане каждое политическое объединение обладает всеми необходимыми правовыми гарантиями для реализации своих программных целей и задач.

Это является главным критерием политической жизни общества, который обеспечивает реализацию основных целей и принципов идеологии национальной независимости, ибо интересы народа и общества, идеи независимости приоритетны для каждого нашего соотечественника, независимо от его конкретных идеологических убеждений и политической принадлежности"[2, С.69].

Влияние на процесс формирования национальной идеологии напрямую связано с общим выполнением партиями своих функций. Им необходимо смело задействовать имеющиеся возможности, тем более что они отражены также в их программах.

Это организационно-пропагандистская работа в период предвыборных кампаний.

Во-вторых, участие в формировании выборных органов власти, где основными субъектами выдвижения кандидатов на замещение должностей выступают политические партии. Соответственно, чем больше депутатов от партии, тем выше шансы превращения партийной идеологии в лидирующую.

В-третьих, через парламентскую фракционную деятельность. Воздействие на процесс формирования национальной идеологии может протекать посредством участия партии через свою парламентскую фракцию в законотворческой деятельности, в работе над разработкой внутренней и внешней политики государства. Как отмечалось в опубликованном комментарии к проекту Конституционного закона "Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны" предпосылками данного усиления явилось интенсивное развитие процессов состязательности и межфракционной борьбы в ходе рассмотрения и принятия законопроектов и других вопросов, отнесенных к ведению Законодательной палаты [4].

В-четвертых, это участие партии через партийные группы депутатов в работе представительных органах власти на местах.

В-пятых, участие своих организаций во всех сферах социально-политической жизни страны и оказание своего общественного влияния на проводимые в стране преобразования путем формирования определенного общественного мнения о них среди населения.

Следование принципам идеологии национальной независимости, [2, С.69] и в частности тому, что политические партии, движения, общественные объединения граждан и т.п. ориентированы на построение демократического общества и правового государства, основанного на свободе мнений и взглядов, на критериях либерализма, позволило создать в стране все необходимые условия для развития многопартийности. Эта работа велась с первых дней независимости и продолжается сегодня.

Влияние национальной идеологии на процесс либерализации политической жизни в стране можно проследить на примере развития институтов гражданского общества.

Решается задача повышения уровня "прозрачности" в деятельности государственных органов управления для более тесного взаимодействия общества в целом с властными структурами, формирования гражданского общества.

Либерализация политической системы дала мощный стимул для модернизации государственного механизма и в целом прогрессивного развития национальной государственности, одним из важнейших определяющих факторов совершенствования которой является парламентская реформа и повышение роли политических партий в общественной и государственной жизни, в процессе реформирования и модернизации страны.

Особое значение имеют парламентская реформа 2003-2004 гг., а также конституционная реформа 2007 г.

Парламентская реформа выразилась переходом к двухпалатной системе, образованием профессиональной законодательной палаты и была сопряжена с передачей ему ряда функций Президента. Развитие института президентства протекало в полном соответствии с принципом разделения властей на

законодательную, исполнительную и судебную, с учетом многообразия политических институтов, идеологий и мнений.

Процесс либерализации института президентства шел в тесной взаимосвязи с реформой парламентаризма и повышением роли политических партий в развитии страны. Указанные реформы стали возможны в связи с ростом политической и правовой культуры населения, и как показали данные социологических опросов, проанализированные в предыдущих разделах, в не меньшей степени благодаря внедрению в сознание наряду с идеями и ценностями национальной независимости - адекватного понимания и принятия либерализма.

Наряду с подготовкой и проведением парламентской реформы, была усилена роль и самостоятельность Правительства Республики Узбекистан в решении вопросов государственного, социально-экономического устройства, углубления проводимых в стране реформ.

Реформа представительных органов власти и правовых основ деятельности политических партий проводилась на основе тех целей, которые поставлены в Конституции Республики Узбекистан, в программных документах Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева и заключены в идеологии национальной независимости. Это обеспечение независимости и процветания Родины, благополучия народа, реализации прав и свобод личности, уверенности в мирном и безопасном будущем страны, межнационального согласия, религиозной терпимости и создание условий для воспитания духовно богатой, нравственно цельной, гармонично развитой личности, обладающей независимым мировоззрением и самостоятельным мышлением, опирающейся на бесценное наследие наших предков и общечеловеческие ценности.

Использованная литература

1. Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. - Ташкент: Узбекистан, 1993. 256 с. (I.Karimov. Uzbekistan: national independence, economics, politics, ideology. -Tashkent: Uzbekistan, 1993. 256 p.).
2. Идея национальной независимости: основные понятия и принципы (The idea of national independence: basic concepts and principles. -Tashkent: Uzbekistan, 2001. 80p.).- Ташкент: Узбекистан, 2001. 80 с.
3. Бобоев Х., Кахҳоров А. Демократик Конституциянинг ижтимоий-ҳуқуқий қирралари (Boboev H., Qahhorov A. Demokratik Constitutsiyaning Ijtimoiy-huquqiy qirralari).- Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 78 с.
4. Народное слово (Popularword). 9 ноября, 2006 г.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Қобулов Эшболта Атамуратович,
тарих фанлари доктори, доцент
Термиз давлат университети тарих факультети декани

СУРХОН ВОҲАСИДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УНИ ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ

For citation: Eshbolta A. Kobulov. The types of produces of the stock -raising in Surkhan oasis and the methods of preparation of them. 2019, vol. 24, issue 2, pp. 13-22



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24-02>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Сурхон воҳаси хўжалигида етакчи тармоқлардан бири бўлган чорвачилик ва унда етиштирилган маҳсулотларни ҳунармандчилик асосида қайта ишлаш масаласи таҳлил этилган. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш асосида кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари олишнинг Сурхон воҳасига хос бўлган усуллари ва турлари архив ҳужжатлари ва тарихий адабиётларга таянилган ҳолда ёритилган.

Калит сўзлар: Сурхон воҳаси, чорвачилик, уй-рўзғор буюмлари, ҳунармандчилик, чорва жуни, тери, кигиз, тўқимачилик, гилам.

Қобулов Эшболта Атамуратович,
доктор исторических наук, доцент

ВИДЫ И СПОСОБЫ ПРОИЗВОДСТВО ЖИВОТНОВОДЧЕСКОЙ ПРОДУКЦИИ В СУРХАНСКОМ ОАЗИСЫ

АННОТАЦИЯ

На основе архивных документов и исторических источников описаны способы и виды переработки животноводческой продукции, присущие Сурханскому оазису, а также изготовление одежды, обуви, домашней утвари и пищевой продукции.

Ключевые слова: Сурханский оазис, животноводство, домашняя утварь,

ремесленничество, шерсть, кожа, войлок, ткачество, ковёр.

Eshbolta.A.Kabulov

Doctor of historical sciences, associate professor

THE TYPES OF PRODUCES OF THE STOCK -RAISING IN SURKHAN OASIS AND THE METHODS OF PREPARATION OF THEM

ANNOTATION

It is analyzed stock -raising which is been one of the leading branches in the farm of Surkhan oasis and the issue of recycling cultivated produces in it based on handcraft in this article. As well as that It is illuminated methods and types of production of clothing, household goods and food production that typical for Surkhan oasis the based of recycling of produces of the stock -raising based on archival documents and historical literature.

Key words: Surkhan oasis, stock-raising, household goods, handcraft, animal wool, leather, thick felt, weaving, carpet.

Чорвачилик Сурхон воҳаси хўжалигида етакчи тармоқлардан бири бўлиб, аҳолини озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлашда ўзига хос ўринга эга. Чорвачилик маҳсулотларидан асосан, кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмлари тайёрланган. Воҳа аёллари чорвачилик маҳсулотларидан кўпроқ турли рўзғор буюм ва маҳсулотлар тайёрлаганлар. Бойсун, Шеробод, Денов бекликларининг тоғ ва тоғолди қишлоқларида уй шароитида жундан мато тайёрлаш кенг тарқалган. Жундан чакмон, пайтава, чалбар, турли гиламлар, такина матлар (такия мат), хуржун, халта, қоп, тўрва, дастурхон, қора уйларнинг кигизлари, ички безак анжомлари, уй-рўзғор буюмлари ва турли иплар (арқон, чилвир ва чижимлар), тивитдан салла, жамалак, фўта, иштонбоғ тайёрланган. Айниқса, воҳада туя жундан чакмон тайёрлаш кенг ёйилган [13, Б.24-68].

Воҳада қадимдан чорва жуни (қўй, эчки, туя жуни) ни сифатли ва ўз вақтида қирқишга, яхши жун берувчи қўйларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратганлар. Масалан, чибаланг қўйлар 2-3 кг, саржипаранг қўйлар 3-4 кг жун берган [6]. Қўй қирқими амалга оширилгач жунни ювиш, тозалаш, саваш, тараш ва йигириб ип ҳолатига келтириш асосан аёлларнинг юмуши ҳисобланган [18, Б.231]. Тирик қирқимда олинган қўй жуни яхшилаб ювилиб, титилган ва сабов (заранг, тут ёки бошқа қаттиқ ёғоч хивчини) билан саваланган. Сўнгра жун тароқда таралиб, урчуқ ёки чархда йигирилган. Жун йигиришда қишлоқ хунармандлари томонидан тайёрланган урчуқдан фойдаланишган.

Элшунос олима Б.Х.Кармышева урчуқнинг турлари саккизта бўлганини таъкидлайди [11, С.257]. Жунни тайёр маҳсулот ҳолатига келтириш бир неча босқични ўз ичига олган. Жун қирқиб олингандан сўнг ювилиб, қуритилиб, қўлда титиб чиқилган. Урчуқда жун йигирилиб, сўнг қалаваланган. Қалаваланган иплар тўзитилиб, ранг берилган ва қуритилган. Бўялган иплар ўрмак қилинган ҳолда тўқилган.

Қўй жундан асосан, гилам тўқилган. Гиламдўзлик археологик маълумотларга

қараганда, милоддан аввалги 1-минг йилликдан буён маълум бўлган касб саналади [9, Б.309]. Гиламдўзлик Ўрта Осиёда XIX асрнинг ўрталарига қадар уй ҳунармандчилигига кириб, асосан рўзгор эҳтиёжи учун хизмат қилган [15, Б.18] ва моҳир гиламдўзлар томонидан хон саройи учун нафис гиламлар тўқилган [14, Б.87; 1, Б.571]. Соҳанинг асосий хомашё манбаи деҳқончилик ва чорвачиликдан олинган пахта ва жун бўлган. Сурхон воҳасида қадимдан уй шароитида пахта, жун ва канопадан йиғирилган ипдан гилам тўқишган. Воҳа аҳли гилам тўқишда жундан кўпроқ фойдаланган. Айниқса оқ рангли жун гиламдўзлар томонидан алоҳида эътиборга олинган. Сурхон воҳасида майин, мустаҳкам ва оқ ранг жун берувчи қўй зоти кўп боқилган [14, Б.31]. Гилам тўқишда Шерободнинг тоғ қишлоқлари аҳолиси алоҳида мавқега эга эди.

Улар томонидан қоқма, чумчуқли, қатма, тақир, ғажари, ой, парча, сабоқ-сиқма, ўхлох суғурма, бибишак, бозори, оқин, тўрт терма, қиз, жулхирс, арава ва бошқа кўплаб гилам турлари тўқилган. Гиламлар бир-биридан тўқилиши, гулининг жойлашиши билан фарқланган ва ўзига хос рамзий маънога ҳам эга бўлган. Масалан, олача гиламнинг "қулф-калит" рамзи туширилган тури хонадон эшиги дўстига очиқ, душманига ёпиқлигини билдирса, "қуроқгул" тури эса бир-бирига занжирсимон чирмашиб кетган тоғ эчкисининг бурама шохини эслатиб тургани ҳолда тўқилиб, бу икки ёш бир-бири билан қўша қарисин, деган маънони билдирган [19, Б.63]. Таъкидлаш лозимки, гилам қилинаётган иплар бўяладиган ранг соф табиий бўёқлар бўлиб, ипни ранглаш ҳам ўзига хос тартибда амалга оширилган. Биринчи сариқ, иккинчи қизил, учинчи гулоби, тўртинчи яшил, бешинчи кўк ва охиргиси қора ранг билан бўялган. Оқ ранг бўялмаган, у оқ жундан йиғирилган. Ранглаш жараёни ҳам жуда оддий ҳолатда амалга оширилган. Қозонга сув ва керакли ранг солиб қайнатилади, маҳсулот рангни яхши олиши учун қозонга туз ҳам солинади. Шунини таъкидлаш лозимки, гиламларнинг оддий рангда бўлиши, турли хил ранглари ишлатишга эҳтиёж қолдирмаган [25, Б.209]. Кейин калава қилинган ип солиниб, бир оз қайнатиб олиниб, димланиб, дорга илиниб, сояда қуритилган. Қуритилган ип яна калаваланган.

Гиламни тўқиш жараёни қуйидагича амалга оширилган. Дастлаб уч қозиқ қоқилиб, иплар ранглари тартиби, гилам турига қараб ажратилган. Ранглари танланиб, иплар жойлаштириб бўлингач, икки қозиққа тортилиб, сурув боғланади. Кузув билан сурув орасида одерга жойлашади. Ўрмак кузувни кўтариб туради [24, Б.57-58]. Гилам тўқишда оқ, қора орқовлар ишлатилади. Орқов отиб (бошқа ипнинг кузувга кўндаланг тарзда ўтказилиши) қилич билан тўқилади. Гиламнинг ўлчамини тўқувчининг ўзи белгилаган. Гиламнинг эни 30 смдан 50 смгача ўлчамда тўқилган, кейин улар маълум бир ўлчамда кесилиб, махсус иплар ёрдамида оддий ёки безак берилган ҳолда тикилган.

Чумчуқли гиламни тўқиш учун гулчўплар ишлатилади, гулчўп билан гул кўтарилади ва учта гул юқорига, учта гул пастга тушиши натижасида чумчуқли гилам ҳосил бўлади. Воҳада тўқиладиган гиламлардан яна бири "диг-дига" гиламидир. Бу гилам асосан нақшларнинг кўп солиниши билан ажралиб туради ва унинг нақшлари чаён, тароқ, юлдуз, пайкони учи шаклида бўлади.

Сурхон воҳаси тақир гиламлари билан машҳур. Бу гиламларнинг эътиборли томони шундаки, айнан мазкур гиламлар асрлар давомида сақланиб келган, халқнинг диний тасаввурлари ва эътиқодларини ўзида акс эттирувчи геометрик, ўсимлик, зооморф ва антропоморф нақшлар билан безатилади [4, Б.12]. Тақир гиламни тўқиш учун қолип олинади. Қолип тайёрлаш мураккаб жараён бўлиб, бу

ишни асосан эркаклар бажаради. Қолип асосан тўрт қисмдан иборат бўлади. Унинг узунлиги 3,5–4 метр, эни эса 2–2,5 метрни ташкил этади. Қолип тайёрлангандан кейин тўрт томонидан қоziқ қоziб мустаҳкамланади.

Қолип тайёр бўлгач, унинг астари тайёрланади. Астар асосан ипак ёки пахтадан тайёрланади. Астарлик ипи урчуқда бир оз йигириб олинади, бунинг асосий сабаби астар аниқ ва тўқилаётганда чалкашмаслиги учун битта гиламга ўртача 3–3,5 кг ип кетади. Бу гилам ҳажмига ҳам боғлиқ. Астарлик иплар асосан оқ, қўқ ва қора рангли бўлади. Астарлик ипларини қолипга жойлаштиришда уч киши қатнашади. Қолипнинг икки ён атрофига икки киши, ўртасидан бир киши қўлидаги астарлик ипни қолипнинг ён тарафига ўтирган кишилар олдидан, яъни энидан айлантириб олади. Қолипнинг икки ён томонида ўтирган кишиларнинг вазифаси астарлик ипнинг таранглигини таъминлашдир. Агар ип бўш бўлса, гилам тўқилаётганда ноқулайликлар келтириб чиқаради. Қолаверса, рангли ипларнинг кўп миқдорда ишлатилишига олиб келади, чунки астарлик ип қанчалик бўш бўлса, тўқилаётган гиламнинг битиши қийинлашади. Астарлик ип қолип ичини қоплагандан кейин қолипнинг икки ён томонига лой сувалади, бундан мақсад ипларнинг бўшаб кетмаслиги, жойидан силжимаслигидир [6]. Мазкур жараён тугаллангандан кейин ипларни кузувга териш жараёни бошланади. Бунда қолипнинг бошланиш жойидан бир метрча масофа белгиланади. Белгиланган масофага ингичка бўлмаган силлиқ ёғочнинг икки учига мустаҳкам қилиб мих қоқилади. Шу михларга таранг қилиб ипак ип ёки бошқа мустаҳкам толали ип боғланади. Бу ип асосан кузув ипларни боғлаш учун керак. Кузув ипи қўйидагича боғланади. Ипнинг боши михга мустаҳкам боғланган ипак ипнинг бошига боғланади ва астарлик ипларини кузув ипига мустаҳкамлаб боғлаш бошланади. Астарлик ипларини кузув ипига битта-битта орада бир ип ташлаб боғланади. Орада бир ип қолдиришнинг сабаби тўқиш жараёнида астарлик ипларининг тартибли ҳаракатини ва гиламларнинг икки томони ҳам бир хил чиқишини таъминлашдир [8, Б.144]. Тўқиш давомида ипларнинг узилиб кетмаслигига интилиш лозим. Кузув иплари жойлашгандан кейин унинг орқа томонига орқалик деб аталган махсус асбоб ўрнатилади. Бу асбобнинг асосий вазифаси тўқиш жараёнида астарлик ипларнинг қарама-қарши йўналишини таъминлаш. Бу рангли ипларнинг яхши жойлашишига хизмат қилади. Орқаликнинг узунлиги қолипнинг эни узунлигига нисбатан бир оз қалинроқ, агар қолипнинг эни 2–2,5 метр бўлса, орқасининг узунлиги 1 метр 80 см ёки 2,3 метрни ташкил этади [15, Б.38]. Орқалик ҳам силлиқ ёғоч бўлиши шарт, акс ҳолда астарлик иплари орасида ҳаракатланиши қийинлашиб, иплари узилиб кетиши мумкин. Орқалиқнинг олдига ва орқага ҳаракатланиши учун икки учига қулай узунликдаги иккита итаргич ўрнатилади. Бу жараён тугагач гиламни тўқиш бошланади.

Тақир гиламнинг жуда кўп нусхалари мавжуд. Аммо пахта ипидан тақир гилам тўқилганда энг оддий нусхалари тўқилади, сабаби пахта ипи жун ипидек мустаҳкам эмас. Тақир гиламни тўқишда дастлаб унинг бошланиш қисми тўқилади. Бошланиш қисми тўқиланаётганда рангларининг жойлашишига эътибор бериш лозим. Ранглар бир-бирини бузмаслиги даркор. Гиламнинг турли ранглардан иборат бундай бошланиш қисми "сув йўли" деб аталади. Сув йўли қисмида 3–4 қават оқ ва қора иплардан ўрилган қош уюрма деб аталган безак ҳам солинади. У гилам учун ҳам безак, ҳам тез ва чиройли битишини таъминловчи деталдир. Гиламнинг энг муҳим деталаридан бири унинг икки четидаги четки қорадир. Бу қисм ҳам катта ахамиятга эга. Чунки гиламнинг четки қисми текис, тўғри чиқиши четки қорага боғлиқ. Четки қора қалинлиги 4–5 см, унга эчки жунидан йигирилган ип ишлатилади.

Тақир гиламни тўқишда темир тароқ ишлатилади. Темир тароқнинг тишлари 13 тагача, унинг тишлари оралиғи тахминан 4-5 мм бўлади. Тароқнинг дастаси ёғочдан, темир тишларининг енгил ва нозик бўлиши гилам тўқиш жараёнида ишнинг енгил кечишига ёрдам беради [15, Б.38].

Гиламнинг сув йўли қисми тўқиб бўлингач қандай нусхалигига қараб унинг бошланғич гуллари солинади [2, Б.178; 16, Б.78]. Гуллар шаклларининг ҳажмини тўғри белгилай олиш лозим.

Тўқиш давомида тўқиш учун керак бўлган иплар тўқишда қулай бўлиши учун калавалигида майда тугунча ҳолига келтирилади. Тўқиш бошлангандан кейин тугунчалар бир тарафга қаратиб тўқилиши лозим, агар улар ҳар тарафга қаратиб тўқилса, чалкашлик юзага келиши мумкин. Тўқиш давомида гилам астарини иложи борича бекитиб тўқишга интилиш лозим, чунки бу ҳолат гиламнинг текис ва чиройли чиқишига имкон беради.

Табиийки, гилам тўқилган сайин ўрнатилган кузув ипи ҳамда орқалиққа яқинлашиш кузатилади. Шу сабаб кузув ипи бот-бот орқага силкитиб турилади. Тўқиш жараёнида гиламнинг асосини ташкил этувчи рангли иплардан қилинган тугунчалар ўнг ёки чапга тўлиқ бир марта ўтказилганда орқалиқ асбоби олдинга ёки орқага сурилади. Тугунчалар, агар астар иплар параллел ҳолда бўлса, ўтказилмайди, таг кесишган ҳолда бўлса, ўтказилади. Гилам тўқилиши қолип охирига 1-1,5 метр қолганда қирқилади. Сабаби тўқиш охирлаган сайин иш оғирлашади. Чунки астарлик иплари охирлаган сайин тортишиб таранглашади, узилиб кетиш ҳолати кузатилади. Шунинг учун олдинроқ кесилади. Кесилгандан сўнг гиламнинг икки ёнига астарлардан қолган қисмидан икки четига безак берилади. Астарлик иплари 3-4 донга ипдан иборат тугунчалар қилинади, бу билан гилам ипларининг бўшаб кетмаслиги ҳам таъминланади.

Хуллас, тақир гилам тўқиш анча мураккаб жараён, унга ўртача 12-14 кг атрофида ип сарфланади. Бу жараёнда албатта бир неча киши қатнашади [6].

Ҳақиқатан ҳам, Термиз ва Шеробод худудида тўқилган гиламлар нафақат воҳа бозорларида, балки Ўрта Осиёда, ҳатто Россия ва Европа мамлакатларида машҳур бўлиб, юқори нархларда сотилган. Ҳаттоки бир қатор гилам турлари Париж шаҳридаги кўргазмаларда юқори баҳоланган [26, Б.1]. 4x2,5 ҳажмдаги гиламлар 30-40 рубл нархда баҳоланган [21, Б.29]. Шеробод беклигининг тоғ қишлоқларида тўқилган гиламларни савдогарлар Қарши, Керки ва Шаҳрисабз бозорларига, ҳатто Амударё орқали Афғонистон ва Ҳиндистонга ҳам олиб бориб сотганлар.

Тақир гилам тўқишда Сурхон воҳасида яшовчи туркманларнинг эрсари уруғи анча машҳур эди [15, Б.18]. Туркманлар гиламдан ташқари қошма (чакмоннинг бир тури) ҳам тўқиб бозорларда сотишган. Қошманинг 1 донаси 5 - 5 рубл 87 копеек нархида баҳоланиб, куз ойларида бозор кунлари 500 тагача сотилган [23, Б.27].

Қўй жунидан тайёрланадиган маҳсулотлардан бири бу такияматдир. Такиямат тайёрлашда оқ, қора, кўк ва бошқа рангдаги жунлардан фойдаланилади. Жун тозаланиб, титилади ва сабов чўп ёрдамида саваланади. Саваб бўлингач, қозонга солиниб ҳар хил рангда бўялиб қанор устига ётқизилади. Кейин эса турли гуллар чиқарилади, асосан ромбли хочсимон нақш билан безатилади [2, Б.178]. Нақшлар билан безатилгандан сўнг, устига озроқдан иссиқ сув сепилиб, қанорнинг бир четидан ўраб борилади. Ўраб бўлингач, билак ёрдамида босиб ва тизза олдида беркитилган харига тортиб уриб пишитилади, бунда асосан ёш йигитлар қатнашади. Мазкур ҳолат бир неча марта такрорланадиган маҳсулот тайёр ҳолга келтирилади.

Сурхон воҳаси аҳолиси орасида салла, пайтава, фута тайёрлаш кенг тарқалган. Қўй жунидан пўстин, иссиқ иштон, жундан тайёрланган иплардан эркаклар ва аёллар учун белга боғланадиган боғичлар - қумоқ, "чумчуқлай" белбоғлар тайёрланган.

Айниқса, майин қўй жунидан тайёрланадиган "босма шол", "босма олача" кенг тарқалган. Босма олача тикилиши ўзига хос бўлиб, тикилаётганда ҳар бир қаторга юмшоқ жун игна билан осилтириб тикиб чиқилади, қайчи билан кенг қилиб қирқилган қўй жуни бир текис кўриниш олади. Шу сабабли аҳоли уларни босма олача ёки босма шол деб аталган.

Эркаклар устки кийимларидан бири - чолвор асосан жундан бўлиб, иштон устидан кийилган, кўпроқ чорвачилик билан шуғулланган воҳанинг тоғва тоғ олди қишлоқларида кийишган.

Жун ишлатиладиган кийимлардан бири чакмондир. Чакмон ўзбек, тожик, туркман, умуман Ўрта Осиё халқлари эркакларининг устки, узун либосидир. Улар астарли, астарсиз, босма, тўқима, қоқма, мирзойи, гўлдузи, синойи, қурама, мумайи каби бир қанча турларга бўлинади. Босма чакмонлар туя, қўйларнинг майин жунлари ва тивит эчки жунларидан тайёрланади. Босма чакмон қўлда тўқилмаган, у махсус усталар томонидан босма шаклда тайёрланган. Бу хил чакмонлар воҳанинг Денов ва Сариосиё туманларида кўпроқ тайёрланган. Босма чакмонлар ҳам "оқ босма", "қора босма", "кўк босма", "малла босма" деб номланган. Кўк босма кўк қўй жунидан, малла чакмонлар ислиқи қора қўй жунидан, оқ чакмонлар оқ қўй жунидан тайёрланган. Чакмонлар тайёрлашда унга албатта эчкининг юмшоқ қили (жуни) ва тивитидан аралаштирилган. Қолаверса, эчки тивити ва туя жунидан тўқима чакмонлар тайёрланган. Бу чакмонлар кўпроқ тўй-ҳашамларда кийилган. Улар ёмғир ёғиб ҳўл бўлганда сув ўтказмаслик хусусиятига эга бўлган. Чепканлар узун ва кенг қилиб тайёрланган ва тўн устидан кийилган, устидан белбоғ боғланмаган. Воҳада белбоғ ўрнида эчки қилидан эшилган чипчиғай чилвир, ола чижим каби иплар ҳам боғлаб юрилган [28, Б. 42-66].

Жундан тайёрланадиган маҳсулотлардан бири эркаклар оёғига ўрайдиган пайтавадир. Пайтава жун ва тивитдан тўқилган, эни 25 см, узунлиги 1 метр чамасида бўлган, учидан ўраб боғлайдиган боғи бўлган. Пойтавалар аёллар томонидан узунасига ёки энига йўл-йўл кашталар солинган ҳолда маҳорат билан тўқилган. Пайтаванинг асосий қисми оёқнинг пойча қисмига ўралган. Пайтавалар ҳам оёқ кийимларига қараб ҳар хил бўлган. Масалан, этик ёки махси пайтавалар оддий қилиб тўқилган, мукки пайтава кўриниб тургани учун рангдор ва попукли қилиб тўқилган.

Чорвачилик маҳсулотларидан тайёрланадиган буюмлар қаторига уй жиҳозларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бунга напратачни мисол келтириш мумкин. Уй жиҳози сифатида бутун шарқ халқлари ундан фойдаланишган ва турлича номларда аталган. Масалан, Каспий орти туркманлари - мафрах, Самарқанд ўзбеклари - напратач, лоқайлар - апрамач, Фарғона водийси қирғизлари - чавадан, қорақалпоқлар - қаршин деб аташган [12, Б. 27; 14, Б. 27]. Напратач қадимда сандиқ вазифасини бажариб, олд томони қалин гиламдай қилиб, ён ва орқа томони тақир гиламдай тўқилган. Сандиқ шаклидаги напратачнинг баландлиги 0,9 - 1,2 м (70-80 см), эни 0,35-0,4 м (45-55 см) [15, Б. 51], узунлиги 1 метр ва 1,10 см бўлиб, айланасига жундан эшилган ипдан илгаклар қилинган, кўтаришга қулай бўлиши учун напратачнинг орқа ва олд томонидаги илгаклардан 1 м, 20 смлик таёқчалар ўтказиб қўйилган [7]. Напратач нарсалар билан тўлдирилгач оғзидаги илгаклардан ип ўтказиб маҳкамланган. Устига бўғжамача ўралган бўғча

қўйилиб, сўнгра юк йиғилган. Сурхон воҳасининг кўнфиротлари мазкур уй жиҳозини напрамач, қарлуқлар эса напрач деб аташган.

Кундалик турмушда ишлатиладиган жиҳозларни тайёрлашда чорва терисидан ҳам фойдаланилган. Ўлкада териларнинг асосий қисми маҳаллий чорва (ҳар хил турдаги мол, қўй, қўзи, эчки, туя, от) ва ёввойи ҳайвонлар (ит, бўри, тулки ва бошқа)ларнинг терисидан хонаки технология асосида тайёрланган [22, Б.446]. Алоҳида таъкидлаш лозимки, чорвадор оилалар уй жиҳозлари асосан чорвачилик маҳсулотларидан тайёрланган. Хусусан, уй тўшамчилари тўқилган шол гиламлардан, жундан тайёрланиб, пишитилган рангли ва рангсиз кигизлардан (такиямат ёки такиянамат) иборат бўлган.

Сурхон воҳасида чорвачилик етакчи тармоқлиги сабабли чорва маҳсулотларидан тайёрланадиган товарлар муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, қишлоқларда кўнчилик эътиборли саналган, "кўн" термини ишлов берилган териларнинг барча турини ўз ичига олади.

Қишлоқ аҳолиси ва касибларнинг маҳаллий ошланган териларга эҳтиёжини қондириш аксарият ҳолларда кўнчилар зиммасида бўлган. Улар тайёрлаган терилардан хилма-хил буюмлар, ҳар хил пойабзал ва қоплар, қимматли юкларни ташиш учун карвонлар ишлатадиган чарм қутилар, от жабдуқлари, пичоқ ва қилич қинлари, китоб муқовалари, қоғоз солиб қўйиладиган жилдлар ва ошхона анжомлари сақланадиган халталар тайёрланган ҳамда бундай буюмлар ўйма нақшлар билан безатилган [5, Б.31-32].

Бухоро амирлигида ҳунармандчиликнинг ривожланган тармоқларидан бири бу кўнчиликдир. От, қўй, туя, ҳўкиз ва бошқа чорва моллари терисига ишлов берувлар чармгарлар деб аталган [10, Б.238]. XIX аср охирида Бухоро шаҳрида 150 - 200 га яқин кўнчилар фаолият кўрсатган бўлса, 1888 йилда Самарқанд ҳудудида 90 та тери ошловчи корхона бўлган [3, С. 39].

Сурхон воҳасида кўнчилик Бухоро амирлигининг марказидаги даражада ривожланмаган бўлсада, аммо аҳолининг кўнчилик маҳсулотларига талабини қисман қондира олган. Воҳанинг ҳар бир беклиги марказларида кўнчилик билан шуғулланувчи маҳаллалар бўлган. Масалан, Бойсун шаҳридаги чармгарлар, Шеробод беклигидаги Эгарчи қишлоқлари аҳолиси асосан терига ишлов бериш ва тери билан боғлиқ маҳсулотлар тайёрлаш билан шуғулланганлар [20, Б.94]. Кўнчилар устахоналари асосан ариқ, сой ёқаларида бўлиб, аҳоли яшайдиган ҳудуддан узоқроқда бўлган, чунки терини ошлаш даврида ундан чиқадиган ҳид ва тутун учун катта майдон зарурати шуни талаб қилган. Улар терини ошлашда ариқ, ҳовуз (терини ивитиш ва чайиш учун) оловли рах уй, айвон, нова, дудхона, тирачўп, асосан туз, қатиқ, сузма, хамир, қора ранг, оҳак, чарви, қизғиш, кесак, жўша, шўр, похол ва хасчўплар кўн тайёрлашда ишлатилган.

Ўрганилаётган даврда ошланган териларнинг 6-7 хили бўлган, уларнинг тайёрланишида ўхшашлик мавжуд. Барча териларни ошлаш даврида терининг ўрта белдан орқа оёқлар ўрнигача бўлган қисми қалинроқ қилиб, қолган қисми эса юпқароқ қилиб тайёрланган. Фақат туя териларининг ҳамма томони бир хил қалинликда бўлган [22, 1916. №5].

Туя, от, мол, қўй, эчки, қўзичоқ кабиларнинг ҳам териси дастлабки ишловдан кейин тўшак, пўстин, телпак, хўжалик дастгоҳлари учун даста вазифасини ўтаган. Бағана териларидан, жумладан сур ва кўк рангдигиларидан бош кийимлари ва халат ёқалари тайёрланган. Воҳа усталари томонидан мўйнали ва бағана терилардан тикилган телпакларига қараб, у одамнинг обрўси ва мавқеини билиб олишган.

Туя, от ва қора молнинг ийланган териларига қайта ишлов бериш натижасида иккинчи турдаги чарм тайёрланган. Бу маҳаллий тилда ултон, кўн деб аталиб, пойабзаллар тагчармида, от эгар-жабдуқлари ва абзалларида, қора уй керагасини бирлаштиришда (бу уйнинг кўзки дейилган), қудуқдан сув тортадиган қовғалар тайёрлашда, қўш ҳайдашда ҳўкиз бўйнига кийдириладиган тиркиш ва бошқа нарсалар тайёрлашда фойдаланилган.

Ийланган териға ишлов беришни давом эттириш орқали учинчи турдаги рахтери етиштирилган. Ундантоштовон, ковушвабошқа пойабзалларнингпошна, кўнжини тайёрлашдафойдаланилган. Темирчилар қўрасининг дами учун ҳўжалик дастгоҳлари дастаси ва ипи сифатида ҳам ишлатилган. Туя ва ҳўкиз терисидан тайёрланган рах кўпроқ эркаклар пойабзалининг (нўғайи этикларнинг) энг пастки таг қисмиға ишлатилган.

Мол терисидан олинган чарм, қўй ва эчкиларнинг эса ийланган терисига ишлов беришни давом эттириш орқали тўртинчи турдаги тери - қайиш етиштирилган. Бу нўғой этик кўнжи, нўғой ковуш ва маҳсиларнинг бошлиқ, пошна, кўнжи, гулчун, чалма қисмларига ва бошқа безак талаб этувчи қимларига ишлатилган.

Мол, қўй, эчкиларнинг ошланган қайиш терисига ишлов беришни давом эттириш орқали "қизил қайиш" тайёрланган. Бу мунки этик, аёлларнинг нўғой ковуши, маҳсиларнинг бошлиқ, пошна, кунжи, гулчун қисмларига ва безашда рангли терини талаб этувчи буюмларға ишлатилган.

Эчкилар (асосан така ва серкалар) нинг ийланган терисига ишлов беришни давом эттириш орқали олтинчи турдаги тери - меш тайёрланган. Меш ва тулупларға мўлжалланган терилар ҳайвон танасидан бутунлигича, ёрмасдан шилиб олинган. Ошланган меш жами териларға нисбатан енгил ва мустаҳкам бўлганлиги учун, ундан супра ҳам тайёрлашда фойдаланилган.

Эшак терисидан еттинчи турдаги тери - кемих тайёрланган [17,Б.108]. Кемихдан сарпойчан кийиладиган "кўк ковуш" тайёрланган. Улар этикларнинг гулчинига ҳам ишлатилган. Умуман кўнчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ўзининг сифати билан Россиядан кириб келаётган чармдан қолишмаган ва ўз навбатида ундан икки баравар арзон бўлган. Лекин бу маҳсулотлар катта меҳнат талаб қилувчи қўл меҳнати эвазига тайёрланган. Чарм тайёрлаш учун кўнчи бир ҳафта меҳнат қилган [22,Б. 447]. Бузоқ терисидан қилинган чармнинг бир донаси 35 - 40 копеек, ҳўкиз териси чарми 2 рубль 60 копеек, эчки териси чарми 60 копеекдан 1 рубль 40 копеекгача, қўй териси чарми 30 - 40 копеек бўлган [27,Б.141-142].

Умуман олганда, кўнчилар томонидан тайёрланган терилардан хилма-хил буюмлар, ҳар-хил пойабзал ва қоплар, қимматли юкларни ташиш учун карвонларда ишлатиладиган чарм қутилар, от жабдуқлари, пичоқ ва қилич қинлари, китоб муқовалари, қоғоз солиб қўйиладиган жилдлар ва ошхона анжомлари сақланадиган халталар, чаночлар, супралар, сув мешлари ва тулуплар тайёрланган ҳамда бундай буюмлар ўйма нақшлар билан безатилган [4, Б.31-32].

Умуман, Сурхон воҳасининг чорвачилик маҳсулотларига асосланган хунармандчилик маҳсулотлари ўзига хос усулларда тайёрланиб, улар тайёрланиши, шакл ва безаклари ҳамда номланиши билан Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларидан ажралиб турган. Чорвачилик маҳсулотларидан тайёрланган уй-рўзғор буюмлари воҳа аҳлининг эҳтиёжини қондирган ҳолда, кўшни минтақарда, шунингдек, халқаро бозорда ҳам ўз харидорига эга бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бернс А. Путешествие в Бухару. - Москва: 1848-1849. (Berns. A. Trip to Bukhara. - Moscow: 1848-1849.)
2. Вайнштейн С.Н. Мир кочевников центра Азии. - Москва: Наука, 1991. (Vynshteyn S.N. The world of nomads in Central Asia. - Moscow: Science, 1991)
3. Ведомость заводам, мастерским и ремесленным заведениям в Самаркандской области за 1888 год // Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887-1888г. - Самарканд: 1890. (Sheet of plants, workshops and craftsmen a school in Samarkand region for the year of 1888 / Collection of materials for the Statistics of Samarkand region for the year of 1887 - 1888. - Samarkand 1890).
4. Гюль И. Диалог культур и искусств Узбекистана. - Ташкент: 2005. (Glue I Dialogue of culture and arts in Uzbekistan. - Tashkent: 2005.)
5. Головик. Кустарное промышленность Туркестана // Туркестанский сборник. Т. 512. (Golovyk. Handicraftsman industry of Turkestan // Collection of Turkestan. V.512)
6. Дала ёзуви. Термиз тумани, Қорахон қишлоғи, 2001 йил. (Field notes. Termez district, Karakhan village, 2001)
7. Дала ёзуви. Шеробод тумани Ғоз қишлоғи, 1998 йил. (Field notes. Sherabad district, Gaz village, 1998)
8. Дудин С.М. Ковровые изделия Средней Азии. - Ленинград: 1928. (Doodin S.M. Carpet goods of Central Asia. - Leningrad: 1928)
9. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. (Jaborov I, Ethnography of Uzbekistan. - Tashkent: Ukituvchi, 1994)
10. История Узбекистана (XVI - первая половина XIX в.) - Ташкент: Наука, 1971. (History of Uzbekistan (XVI -beginning of XIX century) - Tashkent: Science, 1971)
11. Кармышева Б.Х. Ткачество и прядение у населения южных районов Таджикистана и Узбекистана (XIX - начало XX в.) // Проблемы типологии в этнографии. - Москва: Наука, 1979. (Carmisheva B. X. Clothing & Knitting of the people of southern parts of Tajikistan & Uzbekistan (XVI -beginning of XIX century) // Problems of typology in ethnography. - Moscow: Science, 1979)
12. Кармышева Б.Х. Локайские "мапрамачи" и "ильгичи" // Сообщения Республиканского историко-краеведческого музея Тадж ССР. Вып.2. - Душанбе: 1955. (Carmisheva B.X. Lokaysky" mapramachi" and " ilgichi" // historical - regional museum of The Republic of Tajikistan SSR. Edition 2. - Dushanbe 1955)
13. Кармышева Б.Х. О товарности женских промыслов (этнографические данные по восточным бекствам Бухарского ханства) // Товарно-денежные отношения при феодализме. - Москва: 1980. (Carmisheva B.X. About women industry goods (ethnographical information through eastern Bukhara khanate) // Good - money relation under feudalism. - Moscow 1980)
14. Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып.У. - СПб: 1879. (Maev.N.A Essays of Bukhara khanate. Materials for statistics of Turkestan territory. Edition. U. - Saint Petersburg Press: 1879)
15. Мошкова В.Г. Ковры народов Средней Азии конца XIX-начала XX вв. - Ташкент: Фан, 1970. (Moshkova V.G. Carpets of the population of Central Asia at the end of XIX and beginning of XX centuries. - Tashkent: Subject, 1970.)
16. Сухарева О.А. Орнамент декоративных вышивок Самарканда и его связь с

народными представлениями и верованиями(вторая половина XIX -начало XX в) // Советская этнография. 1974. №6. (Sukhareeva O.A. Ornamental decorative embroider of Samarkand and its relation with national performance (2nd half of XVI -beginning of XIX century) // Soviet ethnography. 1974. №6)

17. Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конце XIX - начале XX века. Ремесленная промышленность. - Ташкент: 1962. (Sukhareeva O.A. Late feudal town Bukhara at the end of XIX and beginning of XX centuries. Craftsman industry. - Tashkent: 1962)

18. Томина Т.Н. Тканы и одежды кочевых и полукочевых народов Средней Азии // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. - Москва: Наука, 1989. (Tomina T. N. Fabrics and clothing of nomad and half - nomads people of Central Asia // Traditional clothes of the people of Central Asia and Kazakhstan - Moscow Science, 1989)

19. Турсунов С. ва бошқ. Сурхондарё - этнографик макон. - Тошкент: Академнашр, 2011. (Tursunov S. and others. Surkhondarya - ethnographical place. - Tashkent: Academic Press, 2011.)

20. Турсунов С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Сурхондарё этнографияси. - Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси наشريёти, 2006. (Tursunov S. and others. History and culture of Uzbekistan. Ethnography of Surkhondarya - Tashkent: National library Press named after A.Navoi, 2006.)

21. Туркестанский сборник, Т. 512. (Collaction of Turkestan, V, 512.)

22. Туркестанское сельское хозяйство. 1916, №5. (Agriculture of Turkestan. 1916, №5)

23. Кап Гинтылло. Индендантские сведения о Бухаре 1885 г. // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. - СПб: 1886. Вып. XXI. (Cap.Gyntillo. Information about Bukhara 1885y. // Collection of geographical topographical and statistical materials through Asia. -Saint Petersburg Press: 1886. Edition.XXI.)

24. Карутц Р. Среды киргизов и туркмен Мангышлака.-СПб: 1910.(Caroots R. Surroundings of Kyrgyz's and Turkmen in Mangishlak. -Saint Petersburg Press: 1910)

25. Краузе И. Заметки о красильном искусстве туземных жителей Туркестанского края// Русский Туркестан. Вып.2.-Москва: 1872. (Krauze I. Notes on painting arts colonial population of Turkestan territory. // Russian Turkestan. Edition.2. - Moscow: 1872)

26. ЎМА, 2-жамғарма, 1-рўйхат, 37-иш. (National Archie of the Uzbekistan, 2nd collection, 1st list, 37th file.)

27. ЎМА, 596-жамғарма, 1-рўйхат, 3-иш. (NAU, collection 596, list 1, file 3)

28. Ҳамидова М. Қашқадарё воҳаси хунармандчилиги тарихи (XIX-XX аср бошлари). - Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2009. (Khamidova M. Craftsman history of Kashkadarya region(beginning of XIX - XX centuries). - Tashkent: Uzbekistan National library named after Alisher Navio, 2009.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Алламуратов Шухрат Ашурович,
Термиз давлат университети катта ўқитувчиси

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЙ-ДИНИЙ АЛОҚАЛАРИДА АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИНИНГ ЎРНИ

For citation: Shukhrat A.Allamuratov. The role of the Amudarya waterway in cultural-religious relations of the peoples of Central Asia. 2019, vol. 24, issue 2, pp. 23-29



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24-03>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Амударё сув йўли тарихи, унинг минтақа халқлари маданий - диний алоқаларидаги роли ёритилган.

Шунингдек, мақолада Ўрта Осиё маданиятларининг Қадимги Шарқ ва Кавказ билан моддий ўхшашликлари ҳамда уйғунлашуви каби масалалар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: сув йўли, ўзан, Окс, Қора денгиз, Каспий, Ўзбой, диний марказлар, Тахти-Сангин, Окс-Вахш ибодатхонаси, Вахш илоҳи, Ардвисура-Анахита, Гандҳара.

Алламуратов Шухрат Ашурович,

старший преподаватель

Термезского государственного университета

РОЛЬ ВОДНОГО ПУТИ АМУДАРЬИ В КУЛЬТУРНО- РЕЛИГИОЗНЫХ СВЯЗЯХ НАРОДОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматривается история водного пути Амударья и его роль в культурных и религиозных отношениях народов региона.

В статье также рассматриваются материальные сходства и взаимосвязи культур Центральной Азии с Древним Востоком и Кавказом.

Ключевые слова: водный путь, русло, Окс, Чёрное море, Каспийское море, Узбай, религиозные центры, Тахти-Сангин, Храм Окс-Вахш, богиня Вахша, Ардвисура-Анахита, Гандхара.

Shukhrat A.Allamuratov,
Senior Lecturer Termez State University

THE ROLE OF THE AMU-DARYA WATERWAY IN CULTURAL-RELIGIOUS RELATIONS OF THE PEOPLES OF CENTRAL ASIA

ANNOTATION

This article covers the history of the Amu Darya waterway and its role in the cultural and religious relations of the peoples of the region.

The article also examines the material similarities and interconnections of the cultures of Central Asia with the Ancient East and the Caucasus.

Key words: waterway, river, Ox, Black Sea, Caspian, Uzbay, religious centers, Tahti-Sangin, Ox-Vahsh temple, goddess of Vakhsh, Ardivisura-Anahita, Gandhara.

Ўрта Осиё, қолаверса Ўзбекистон тарихида илк сув савдо йўлининг шаклланиш тарихи ва унинг халқлар ўртасидаги алоқа воситаси эканлиги, муаммосини ўрганиш долзарб мавзу ҳисобланади. Қадимги даврда фаолият кўрсатган алоқа-савдо йўллари тизимида Ўрта Осиёдаги йирик дарёлар, хусусан, Амударё сув йўли катта аҳамиятга эга. Минтақанинг ички ва ташқи алоқаларида муҳим ўрин тутган ушбу сув йўли, авваламбор, унинг ўзанлар бўйлаб ҳаракатланишига боғлиқ кечган. Буни бир қанча тарихий даврларда Амударё ўз йўналишини бир неча бор ўзгартириб, гоҳ Орол, гоҳ Каспий денгизига қўйилиб турганидан аниқлаш мумкин. Хусусан, қуйи ва ўрта голоцендан то мил.ав. II минг йилликкача Амударё гарбга, Сарикамиш чуқурлигини тўлдириб, Ўзбой ўзани орқали Каспий денгизига қўйилган бўлса, мил. авв. II-I минг йилликлар бошларида Орол денгизига, мил. авв. I минг йилликдан то милодий I минг йиллик ўрталаригача яна Каспий денгизига қараб оққан, Турк хоқонлиги давридан бошлаб Оролга ва XIII-XVI асрларда Каспий денгизига қўйилганлиги тадқиқотлар натижасида исботланган [1, С.20].

Амударё йўналишининг бундай ўзгариб туришини минтақа рельефидаги ўзгаришлар ва қисман антропоген таъсирлар билан изоҳлаш мумкин. Турли тарихий даврларда Амударё оқими йўналишларига мавжуд ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга боғлиқ ҳолда тўғонлар ва дамбалар барпо этиш орқали ҳам таъсир кўрсатилганлиги маълум. С.П.Толстов фикрига кўра, Амударё Туябўғиз тепалигига урилиб, икки ўзанга ажралган ва ўнг оқими Оқчадарё ўзани орқали Орол денгизига, чап ўзани эса Ўзбой орқали Сарикамиш чуқурлигини тўлдириб Каспийга қараб оққан [2, Б.314-336].

Амударё сув йўли ҳақидаги ёзма маълумотлар, асосан, антик даврдан бошлаб учрайди. Лекин бу маълумотлар Амударё сув йўлидан фойдаланишнинг бошланиши анча олдинги даврларда шаклланишини рад этмайди. Хусусан, археологик маълумотларга кўра, Ўрта Осиёнинг сўнгги бронза ва илк темир даври маданиятларининг тарқалишини; нафақат Ўрта Осиё маданиятлари, балки Қадимги Шарқ ва Кавказ худудларидаги моддий ўхшашликларни Амударё бўйлаб алоқалар билан ҳам боғлаш мумкин.

В.В.Бартольд ўтган асрнинг бошларида Амударёнинг Ўзбой ўзани орқали Каспий денгизига қўйилиш муаммосини ўрганиб, Страбоннинг қўйидаги маълумотларига эътибор беради: "Аристокл Окси Осиёда кўрган Ҳинд

дарёларидан кейинги энг йирик дарё ҳисоблаб, унинг фикрича Окс кема қатновига қулай ва кўпгина ҳинд товарлари қуйи оқим бўйлаб Гиркан денгизига, у ердан уларни Албанияга ва Кура дарёси орқали ҳамда маҳаллий дарёлар билан Понт Эвксин (Қора денгиз)гача етказиб берилган"[3, С.172]. Албатта, Страбон ҳам, Эратосфен ҳам бу маълумотларни Патроклдан олган.

Рим тарихчиси Плиний Помпейнинг замондоши Варрон маълумотлари асосида ўз китобида Ҳиндистон товарлари 7 кунда Бақтрияга, айнан Икарнинг Оксга қуйилиши жойига, ундан Окс бўйлаб Каспийга, денгиз орқали Курага, Курадан 5 кун қуруқлик йўли орқали Фасис ва кейин Қора денгизга келганини таъкидлаган [4, С.31]. Шунингдек, бошқа рим тарихчиси Аммиан Марцеллин асарида ҳам Амударё бўйлаб сув йўли ҳақида маълумот берилган [3, С.204].

Н.Я.Бичурин Сима Цяннинг "Тарихий йилномалар" ва Бан Гунинг "Цян Хань Шу" асарларидаги Гуйшуй (Амударё) дарёси бўйида савдогарлар яшайди, улар қуруқлик ва сув йўллари бўйлаб ўз маҳсулотларини қўшни ва узоқ ўлкаларга етказиб бериши ҳақидаги маълумотларни алоҳида таъкидлайди [5, С.183].

Замонавий тадқиқотлар ҳам Амударёнинг Каспий денгизи билан боғловчи сув йўли Ўзбой ўзани орқали амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотларни тасдиқламоқда. Б.И.Вайнберг маълумотларига кўра, мил. ав. V - IV асрлардан Ўзбой ўзанининг иккала қирғоқларида яшовчи халқлар пайдо бўлган ва бу кўчманчи ҳамда ярим кўчманчи чорвадор қабилалар қолдирган кўплаб қароргоҳ, мозорлар топилган [6, С.20, 137-150].

Сўнгги аҳамонийлар даврида Арманистон ва Хоразмда тугалланмай қолган сатраплик қароргоҳларида Ахурамазда, Митра, Анаҳита каби илоҳлар билан боғлиқ диний қарашлар кенг тарқалган. Буни дафн маросимларидаги ўзгаришлардан кузатиш мумкин (суякларни сопол идишларда ёки махсус сопол оссуарийларда сақлаш). Эҳтимол, бу сўнгги аҳамоний сатрапликларда давлат раҳбарлари ўз сиёсатини диний миссионерлик фаолияти билан бирга олиб боргандир [7, С.14-15].

Тахти-Сангиндаги Окс-Вахш ибодатхонаси ва Елхарас ибодатхонаси мажмуалари маҳаллий аҳоли томонидан сув тошқинларидан сақланиш ва Амударё илоҳини муқаддаслаштириш натижасида пайдо бўлган. Шуниси эътиборлики, Б.А.Литвинский Тахти-Сангин ибодатхонасидаги иккита алтар, ҳайкаллар учун иккита тагкурси, кириш йўлидаги иккита алтарни ўрганиб, у ерда икки худолик илоҳийлашганини, лекин уларнинг қайсилари қандай худолар эканлигини ҳеч бир олим аниқ айта олмаганлигини таъкидлайди [8, С.362]. Кўпчилик олимлар буларни зардуштийлардаги муқаддас унсурлар - олов ва сув культлари билан боғлайди.

Тахти-Сангиндан топилган Аполлон ҳайкалчаси, пластинадаги Гелиос ва маросим қиличлари дастасидаги Ахелой - Геракл кураши тасвирлари алоҳида аҳамиятга эгадир [9, С.280-281]. Маълумки, Бақтрияда эллинизм туфайли маҳаллий худо-маъбудлар билан юнон худо-маъбудлари бир-бирига қиёсланиб, ёнма-ён ёки алмаштирилиб қўлланган [10, Б.165-176] Шу туфайли, Аполлон - Гелиос ва Гераклни Митра деб қабул қилиш мумкин.

Тахти-Сангиндан Амударё оқими бўйлаб 150 км. ғарбдаги Қоракамардан асир олинган Аполланарий легионининг иккита митреуми топилган. Бу митреумларда Митра ва Вахш номлари битилган ёзувлар ҳам аниқланган [11, С.140-145]. Бундан кўринадики, Қоракамарда Митра ва Амударё илоҳи Вахш муқаддаслаштирилган. Митранинг яна бир вазифаларидан бири - сув ва дарё ҳомийси ҳам бўлган [12,

Б.56].

Юнон афсоналаридаги Ахелой образи ҳўкиз тасвири билан яқин боғланган. Ахелой образини Тахти-Сангиндаги Вахш деб тушуниш мумкин [13, С.177]. К.В.Тревернинг "Гопатшоҳ" мақоласида Амударё хазинасидаги 105-узукка ишланган одам бошли, қанотли ҳўкиз тасвирини [14, С.76] Е.Е.Кузьмина қадимги эронийлардаги сув илоҳи билан боғлайди. Буни узукдаги тасвир устига оромий хатида ёзилган "Охшо" сўзи билан изоҳлайди [15, С.74-77]. Ўрта Осиёда шунга ўхшаш топилма Хоразмдаги Қалъалиқир-2 даги рельеф сюжетида ҳам учрайди. Бу ерда ҳўкиз ўрнига кийик тасвирланган [16, С.220-223].

Абу Райҳон Беруний ўзининг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида Вахш илоҳи шарафига Вахш-Ангом байрами 10-аспандармада (27-май) ўтказилганлиги ва бу маросим суғориш иншоотларини тозалаш-таъмирлаш вақтига тўғри келишини ёзиб қолдирган [17, С.258].

Вахш, нафақат, Амударёнинг юқори оқимида, балки ўрта ва қуйи оқимларида ҳам илоҳийлаштирилган. Бу фикрларни қуйидаги ёзма маълумотлар тасдиқлайди. Амударёнинг юқори оқимидаги Ойхонум (Кўкча дарёсининг Панж дарёсига қуйилиш жойи яқинида)дан *vaxš(u)-wazda(h)* – "Вахшувазда" [18, Р.326; 19, Р.376-377], Тахти-Сангин (Панж ва Вахшнинг қўшилиб Амударё ҳосил бўлган жой яқинида)дан – *Atrosōkēs Оксу/Атросокс* Ὀξωι – Вахш илоҳининг юнонча номланиши [8, С.304-307] каби атамалар ёзув наъмуналарида учрайди. Амударёнинг ўрта оқимида, Термиздан Амударё оқими бўйлаб 20 км. ғарбда жойлашган Кампиртепадаги бактрия ёзувлари орасидан *Оахро* – "Оахро" номи учрайди [20, Р.149]. Шунингдек, бу маълумотларнинг яна ёзма тасдиқларини Амударёнинг қуйи оқимидаги Тупроққалъадан *whš(u)wβrk/wahš(u)βarak* – "Вахшубарак" [21, С.258,265], Қалъалиқир-2 дан *whšwδtk/waχšudātak* – "Вахшудатак" [16, С.189-190] каби атамаларда ҳам кўриш мумкин. Бу Вахш илоҳи билан боғлиқ диний қарашлар зардуштийликка мансуб эмас.

"Авесто"нинг "Яшт" қисмидаги 5-яшт (Обон яшт) сув ва ҳосилдорлик маъбудаси Ардвисура-Анаҳитага бағишланган [12, Б.16-34]. Ушбу алқовда келтирилган Ворукаша денгизи, унга қуйиладиган Ардвисура-Анаҳита ҳақидаги маълумотларни Орол денгизи ва Амударё дельтаси билан боғловчи қарашлар ҳам мавжуд [22, С.241].

Араблар босқинидан сўнг бу дарё худо-илоҳлари дарёни қўриқловчи, бошқарувчи фаришталарга айланган ва улар ислом авлиёлари билан алмашган. Шулардан бири, Хоразмдаги Амбарона бўлиб, у айнан Анаҳитанинг вазифасини бажарган. Авлиёнинг сувга оид хусусиятини хоразмликлар Амударёга боғлаган ва буни Хива хонларининг Оролчи-Авлиё (Аральчи-Аулия)даги сув тошқинларининг олдини олиш ва ҳосилдорликка бағишлаб ўтказилган қурбонликларида кузатиш мумкин. Амударёнинг юқори ва ўрта оқимларида яшовчи халқлар орасида "қирқчилтон"(дарё ўзанини бошқарувчи қирқ авлиё)га ўтказилган маросим ва қурбонликларда йирик шохли қорамол ва қўйлар бағишланган. Бундай жиҳатларни "Обон яшт"да Йима (Жамшид) ва бошқа қаҳрамонларининг сув маъбудаси Ардвисура-Анаҳитага бағишлаб 100 бош от, 1000 бош қорамол, 10000 бош қўй қурбонликлар келтирилганлигида ҳам кўриш мумкин [12, Б.19-31]. Шунингдек, Абу Райҳон Беруний Вахш илоҳи шарафига чорва, асосан, ҳўкиз қурбонлик келтирилганлиги тўғрисида маълумот берган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, тошқин хавфи юқори бўлган - Амударёнинг бошланиш жойидаги Тахти-Сангин, Хоразм воҳасидаги Елҳарас ва Қалъалиқир-2 лар қурбонликлар қилиш учун қулай, муҳим диний марказлар

ҳисобланган.

Моддий ўхшашликлар ҳам бу фикрларни тасдиқлайди. Таъкидлаш жоизки, Тахти-Сангин ва Қалъалиқир-2 дан топилган илоҳий маъбудлар, Марсия боши тасвирланган турли хил идишлар, Ахелой қомати туширилган ритон дасталари бир-бирига жуда яқиндир. Қалъалиқир-2 топилмалари билан Ойхонум топилмалари ҳам жуда ўхшашдир [16, С.240]. Бундай топилмаларни Кавказорти, Кичик Осиё, Яқин Шарқ ҳудудларида ҳам учратиш мумкин. Бу маълумотлардан шундай хулоса чиқадики, Амударё бўйлаб Ўзбой, ундан Каспий денгизи орқали Кавказ орти ва Эрон, Кура ва Фасис орқали Қора денгиз бўйлари, Кичик Осиё билан маданий алоқалар бўлган.

Маълумки, дастлабки даврларда Амударё бўйлаб Каспий ва Қора денгизгача сув йўли диний марказларни боғлаган. Буни Амударёнинг юқори оқимидаги Тахти-Сангин, Хоразм воҳасидаги Елхарас, Сарикамиш делтасидаги Қалъалиқир-2, Ўзбойдаги Ичанлитепа, Катта Болхондаги Гарраултепа, Кавказдаги Вани каби ибодатхона - диний марказлар орқали кузатиш мумкин [7, С.15-16]. Юқорида номлари келтирилган диний марказлар Яқин Шарқдаги, Кавказ ва Кичик Осиёдаги диний марказларнинг ўхшашликларини бир қатор олимлар ҳам қайд этишган (А.Г. Периханян, О.И. Смирнова, В.П. Яйленко, Л.М. Левина, Б.А. Литвинский, И.Р. Пичикиян, Б.И. Вайнберг, Х. Юсупов).

Тахти-Сангиндан Амударё оқими бўйлаб Елхарасгача бошқа бундай аҳамиятли йирик диний марказ кўзга ташланмайди. Лекин, Тахти-Сангиндан кейинги Амударёнинг юқори ва ўрта оқимларида бир қанча қадимги йирик шаҳарлар - кечувлар мавжуд: Айвож, Хотинрабат, Пайғамбаророл, Эски Термиз, Шўробқўрғон, Кампиртепа, Чўчқагузар, Қоракамар, Калиф, Ҳожа Салор, Оққум, Карки, Чоржўй [23, С.28-66].

Амударё - Ўзбой - Каспий - Кура - Фасис - Қора денгиз савдо йўли Парфия ва Рим даврида рақобатга айланган. Бундан ташқари, Парфия даврида шимол кўчманчиларидан ҳимояланиш учун Ўзбойда Игдиқалъа, Сарикамиш бўйида Қанхақалъа каби ҳарбий истехкомлар қурилади ва шу даврдан бошлаб у ердаги диний марказлар сўна бошлаган [24, С.23-24].

Тупроққалъадан топилган арфачи аёл расми Термиз яқинидаги Айритомдан топилган фризлардаги созандаларга ўхшайди. Тупроққалъадан топилган монументал нақшлар ичида - арфа чолғу асбобини чалаётган аёлнинг сарғиш тусдаги нафис расми қарийб бутунча сақланиб қолинган. Аёлнинг билагузук тақилган қўлининг бармоқлари учбурчак шаклидаги катта арфа (чилтор)нинг торларига тегиб турган бўлиб, бу арфа оссурийларникига ўхшайди. Аёл елкаларининг ва юзининг юмалоқлиги умуман бутун образнинг яратилиш услуби бизга Кушон-Гандҳара бадий анъаналарини эслатади. Милоднинг дастлабки асрларида Хоразмда Кушон ҳукмдорлари тамғаси билан зарб этирилган тангалар ва Гандҳара санъати услубларининг тарқалиши сув йўли орқали маданий алоқаларнинг давом этганлигини кўрсатади [2, Б.165-166].

Шундай қилиб, Амударё ва унинг ирмоқ-ўзанлари бўйлаб ўтган сув йўллари минтақанинг нафақат ички ва ташқи алоқа-коммуникация тизимида, балки маданий алоқалар, жумладан, диний қарашлар ёйилиши ривожиди ҳам муҳим ҳисобланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кесъ А.С. Аральское море в голоцене // Этнография и археология Средней Азии. М., 1979. - С.20. (Kes A.S. Aral Sea in the Holocene // Ethnography and Archeology of Central Asia. M., 1979. - P.20).
2. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. - Т., 1964.- Б.314-336, 165-166. (Tolstov S.P. In search of ancient Khorezm culture. - T., 1964. -P.314-336, 165-166).
3. Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках.- Т., 1984. - С.172, 204. (Lunin B.V. The history of Uzbekistan in the sources. - T., 1984. -P.172, 204).
4. Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Аму-Дарьи с древнейших времен до XVII века. Соч., т. III. - М., 1965. - С.31. (Bartold V.V. Information about the Aral Sea and the lower reaches of the Amu Darya from ancient times to the XVII century. Works, volume III, - M., 1965. - P.31).
5. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. т. II. - М-Л., 1950. - С.183. (Bichurin N.Ya. Collection of information about the peoples living in Central Asia in ancient times. Volume II, - M-L., 1950. - P.183).
6. Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. - М., 1999. - С.20, 137-150. (Weinberg B.I. Ethnographic geography of Turan in antiquity. - M., 1999. -P.20, 137-150).
7. Вайнберг Б.И. Водный торговый путь по Амударье и культовые центры вблизи него // Проблемы истории, филологии, культуры. вып. XV. М.-Магнитогорск., 2005. - С.14-15, 16. (Weinberg B.I. Water trade route along the Amu Darya and cult centers near it // Problems of History, Philology, Culture. issue. XV. M.-Magnitogorsk., 2005. -P. 14-15, 16).
8. Литвинский Б.А., Пичикян И.Р. Эллинистический храм Окса в Бактрии. т. I. - М., 2000.- С.362, 304-307. (Litvinsky B.A., Pichikyan I.R. Hellenistic Temple of Oks in Bactria. Volume I. - M., 2000. -P.362, 304-307).
9. Сердитых З.В. Об одном из вариантов иконографии Митры // Проблемы античной культуры. М., 1986. С.280-281. (Serditykh Z.V. About one of the variants of the iconography of Mitra // Problems of Ancient Culture. M., 1986. -P.280-281).
10. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т., 1997. Б.165-176. (Sulaymonova F. East and West. -T., 1997. -P.165-176).
11. Ртвеладзе Э.В. Из недавних открытий Узбекстанской искусствоведческой экспедиции в северной Бактрии - Тохаристане. - ВДИ, № 4, 1990. С.140-145. (Rtveladze E.V. From the recent discoveries of the Uzbekistan Art History Expedition in northern Bactria - Tokharistan. - Bulletin of Ancient History, No. 4, 1990. -P 140-145).
12. Исҳоқов М. Авесто: Яшт китоби. Т., 2001. Б.56, 16-34. (Iskhakov M. Avesta: The Book of Yast. -T., 2001. -P.56, 16-34).
13. Пичикян И.Р. Культура Бактрии (ахеменидский и эллинистический периоды). - М., 1991. -С.177. (Pichikyan I.R. Culture of Bactria (Achaemenid and Hellenistic periods). - M., 1991. -P.177).
14. Тревер К.В. Гопат-шах - пастух-царь. -ТОВТЭ, т. II. Л., 1940. - С.76. (Trever K.V. Gopat Shah is a shepherd king. -vol. II. L., 1940. -P.76).
15. Кузьмина Е.Е. В стране Кавата и Афрасияба. - М., 1977. - С.74-77. (Kuzmina E.E. In the country of Kavata and Afrasiyab. - M., 1977. -P.74-77).


16. Вайнберг Б.И. Калалы-гыр-2: культовый центр в Древнем Хорезме IV-II вв. до н. э. - М., 2004. - С.220-223, 189-190, 240. (Weinberg B.I. Kalaly-gyr-2: a cult center in Ancient Khorezm of the 4th-2nd centuries BC e. - M., 2004. -P.220-223, 189-190, 240).
17. Бируни. Памятники минувших поколений. Пер. М.А.Салье. - Избр. произведения, т.I. - Т., 1957. - С.258. (Biruni. Monuments of past generations. Transfer. M.A.Salle. - The Chosen One. production, vol. I. - Т., 1957. -P.258).
18. Rapin C. Les inscriptions économiques de la tr?sorerie hell?nisntique d'A?-Khanoum (Afghanistan). - Bulletin de correspondance hell?nique.- Т.107. - P.,1983. - P.326.
19. Grenet F. L'onomastique iranienne ? A?-Khanoum. - Bulletin de correspondance hell?nique. Т.107. - P.1983. - P.376-377.
20. Rtveladze E.V. Kampir-Tepe: Structures, Written Documents, and Coins. - The Archaeology and Art Central Asia. Studies from the Former Soviet Union. Ed. by. B.A. Litvinsky and C.F. Bromberg. Michigan, 1996 (Bulletin of the Asia Institute. N.S., vol.8). - P.149.
21. Лившиц В.А. Документы. - Топрак-кала. Дворец. - М.,1984. С.258,265. (Livshits V.A. Documentation. - Toprak Kala. The palace. - М., 1984. -P.258,265).
22. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. - Т., 2005. - С.241. (Rtveladze E.V. Civilizations, states, cultures of Central Asia. - Т., 2005. -P.241).
23. Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. - Т., 2002. - С.28-66. (Rtveladze E.V. Alexander the Great in Bactria and Sogdiana. - Т., 2002. -P.28-66).
24. Юсупов Х. Игды-кала - парфийская крепост на Узбое // Этнография и археология Средней Азии. - М., 1979. - С.23-24. (Yusupov H. Igdy-kala - Parthian fortress on Uzboy // Ethnography and archeology of Central Asia. - М., 1979. -P.23-24).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Аннаева Зарифа,
Термиз давлат университети,
Тарих факультетижаҳон тарихи
кафедраси ўқитувчиси

ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ АГРАР СИЁСАТИ ВА УНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

For citation: Zarifa Annayeva. Agricultural policy of cotton monoculture and its consequences. 2019, vol. 24, issue 2, pp. 30-34

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24-04>

АННОТАЦИЯ

Мақолада совет ҳукумати даврида республика аграр соҳасида пахта якка ҳокимлигининг ўрнатилиши, пахтадан мўл ҳосил олиш мақсадида кўплаб заҳарли кимёвий моддаларнинг қўлланилиши туфайли атроф-муҳит мусаффолиги ва инсон саломатлигига етказилган зарар ва унинг салбий оқибатлари республика ва Сурхон воҳаси мисолидатадқиқ этилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, аҳоли саломатлиги, пахта якка ҳокимлиги, мелеоратив ҳолат, инқироз, атроф-муҳит, экология, муаммо, инқироз, биохилма-хиллик.

Аннаева Зарифа,
преподаватель кафедры Всемирной истории
Термезского государственного университета

АГРАРНАЯ ПОЛИТИКА ХЛОПКОВОЙ МОНОКУЛЬТУРЫ И ЕГО ПОСЛЕДСТВИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются последствия аграрная политика хлопковой монокультуры советского правительства в республике Узбекистан. В связи с установлением монополевой власти в сельском хозяйстве республики,

использованием многих токсичных химических веществ для получения большого урожая привело к значительной экологической вред природы и здоровье людей в республике Узбекистана в том числе Сурханского Оазиса.

Ключевые слова: сельское хозяйство, здоровье население, хлопковой монокультура, меморативная положение, кризис, окружающая мир, экология, проблема, биоразновидность.

Zarifa Annayeva,
Teacher of the Department of World History,
Termez State University

AGRICULTURAL POLICY OF COTTON MONOCULTURE AND ITS CONSEQUENCES

ANNOTATION

The article discusses the consequences of the agricultural policy of the cotton monoculture of the Soviet government in the Republic of Uzbekistan. In connection with the establishment of monopoly power in the republic's agriculture, the use of many toxic chemicals to produce a large crop, it caused significant environmental damage to nature and human health in the Republic of Uzbekistan, including the Surkhan Oasis.

Key word: agriculture, public health, cotton monopoly, reclamation, crisis, environment, ecology, problems, biodiversity

Глобаллашув шароитида инсоният олдида бир қанча жиддий муаммолар юзага келмоқдаки, ушбу муаммолар ичида атроф-муҳит мусаффолиги ва экологик мувозанатни сақлаб қолиш муаммоси бирламчи саналади. Чунки планетамиздаги биохилма-хиллик, инсон саломатлиги энг аввало атроф-муҳит мусаффолигига ва экологик мувозанатнинг ҳолатига боғлиқдир.

Шу жиҳатдан олиб қараганда атроф-муҳит мусаффолиги энг аввало инсониятга, унинг онгли фаолиятига боғлиқ масала саналади. Ўзбекистонда экологик ҳолатнинг бузилиши билан боғлиқ масалага тўхталиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов 1989 йилда шундай ёзган эди: "Инсоният ақлини танибдики, табиат ишига аралашади, учиб кетаётган қушни овлаш ҳам, дарё ёки денгиздаги балиқни тутиш ҳам, ерга кетмон уриш ҳам аслида табиатга аралашиб. Инсон боласи бусиз яшайолмайди. Аммо табиатдан фойдаланишнинг ҳам ўз қонунияти, эҳтимол ўз маънавияти бор. Ов мавсуми йилда бир марта бўлади. Океандаги балиқлар режасиз тутилмайди. Ақл билан қазилган, асрлар мобайнида табиат балансининг бузилишига олиб келмаган сунъий дарёлар ҳам, сунъий денгизлар ҳам кўп. Бизда кўп ишлар айниқса кейинги 20-30 йил мобайнида, мавсумий манфаатни кўз қилинди. Бироқ кейинги ўн йилликларда кўп ишларда пала-партишлик, келажакни ўйламасдан "табиатга ҳужум қилиш" авжига чиқди.[1] Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда глобал муаммога айланиб қолган экологик муаммо инсониятнинг табиатга нисбатан кўпол муомаласининг оқибатидир. Ушбу муаммони Ўзбекистон, хусусан Сурхон воҳаси заминида қай даражада юзага келганлигини энг аввало минтақада совет ҳокимияти йилларида пахта якка ҳокимлигинининг ўрнатилиши, пахтадан қандай қилиб бўлмасин мўл-кўл ҳосил олиш мақсадида амалга оширилган ишларнинг ҳосиласи сифатида қараш лозим. Совет ҳукумати йилларида Ўзбекистон

иқтисодиёти энг аввало Марказнинг стратегик манфаатларига тўла бўйсундирилган эди. Ушбу стратегик манфаатларнинг энг асосийларидан бири сифатида СССРнинг пахта мустақиллигига эришиши билан боғлиқ ҳаракатлар турарди.

Қишлоқ хўжалигининг ривожини бўйича Ўзбекистон учун Москва ўрнатган вазифалар контекстида, совет ҳукумати пахтачилик ривожини янада кўпроқ талаб қилган. Масалан, 1949-1952 йилларда республикада пахта экин майдонини 100-130 минг гектарга кенгайтириш ва пахта ҳосилини ҳар гектардан 25 центнергача кўтариш мўжалланган.[2]

Марказнинг пахтага бўлган иштаҳаси йил сайин ортиб боришини қуйидаги қарордан ҳам билиб олиш мумкин. "...Ўзбекистонда келажакда пахтачилик ривожини учун шароитларни яратиш бўйича барча зарурий чораларни амалга ошириш, кейинги йилларда пахта экин майдонларини 200-250 минг гектарга кенгайтириш ва пахта ҳосилдорлигини гектаридан ўртача ҳисобда 30 центнердан кам бўлмаган ҳолда кўтаришга эришиш" кўзда тутилган[3].

Шу боисдан ҳам республика қишлоқ хўжалигида пахта якка ҳоқимлиги йил сайин кенгайиб борди. Республикада пахтачиликни янада кенгайтириш мақсадида Мирзачўл, Қарши ва Сурхон-Шеробод чўллари ўзлаштирилди.

Ўзбекистоннинг шу даврдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўла-тўқис пахта етиштириш билан боғлаб қўйилди. Жумладан, XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун 300 минг гектар ер ўзлаштирилиши зарур эди. Бунинг учун 34 та давлат хўжалиги ва 34 та пахта тозалаш заводи барпо этилиши мўжалланган[4]. Шундай қилиб, Ўзбекистон СССРнинг пахта етказиб берувчи асосий минтақасига айланди. Агар 1950 йилда республикада 1,1 миллион гектар ерга гўза экилган бўлса, 1985 йилда қарийиб 2 миллион гектар ерга гўза экилди. Пахта хом ашёси шу йилларда 2,3 миллион тоннадан 5,4 млн тоннага етди[5]. Москва борган сари пахта етиштириш режасини ошириб борди. Ушбу режага биноан СССРда пахта етиштириш 2000 йилга келиб 10-11 млн тоннага етиши, шундан 8 млн тоннасини Ўзбекистон етиштириши лозим эди [6].

Пахтачиликни ривожлантириш нафақат янги ерларни ўзлаштириш билан балки экин майдонларининг ҳосилдорлигини ошириш билан ҳам боғлиқ тарзда амалга оширилди.

Бунда пахтачилик соҳасини механизациялаш ва унга кимёвий жиҳатдан ишлов бериш жараёнига катта эътибор қаратилди. Натижада пахтачиликни ривожлантириш мақсадида республикага бериладиган минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддаларнинг миқдори йил сайин ортиб борди.

Агар 1951 йилда республика қишлоқ хўжалигида 0,9 млн тонна минерал ўғит ишлатилган бўлса, 1970 йили унинг миқдори 3,5 млн тоннага етди[7].

Айтиш лозимки, 1970 йиллар ва 1980 йиллар бошларида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини механизациялаш ўзининг энг юқори даражасига етди. Аммо шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалигини тубдан қайта қуроллантириш вазифаси охиригача бажарилмай қолди. Бундай шароитда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш мақсадида аграр соҳа кескин тарзда кимёлаштирилди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, республикада ҳар гектар пахта майдонига ўсимликларни ҳар хил ҳашаротлар ва касалликлардан ҳимоя қиладиган заҳарли кимёвий моддалардан 38,2 кг, йиғим-терим олдидан гўза баргини тўкадиган дефолиациялардан 16,2 кг жами 54,4 заҳарли модда ишлатилди[8].

Тупроққа минерал ўғитлар билан ишлов беришда илмий асосланган меъёрлар

жиддий тарзда бузилди. Айниқса ўта заҳарли бўлган ДДТ Фарб давлатларида 1970 йили таъқиқланган бўлсада, Ўзбекистонда уни қўллаш XX асрнинг 80-йиллари охирларида ҳам давом этди. Бундан ташқари, бошқа мамлакатларда ДДТни қўллаш аҳоли жон бошига тахминан 300 граммни ташкил қилган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 7-8 кггача етди[9].

Марказ кўрсатмаси билан пахта далаларига авиация ёрдамида заҳарли кимёвий моддаларни сепиш йил сайин кўпайиб борди. 1964 йили пахта майдонларининг 66,5 фоизига авиация ёрдамида заҳарли моддалар билан ишлов берилди[10]. Шу йили республика далаларида 150 минг тоннага яқин 30 хилдан ортиқ заҳарли кимёвий моддалар қўлланилди. Бундан ташқари, уларни сақлаш ва ишлатишда ҳам қўпол хатоларга йўл қўйилди. Биргина 1964 йилда республикада 629 киши заҳарли кимёвий моддалардан заҳарланди[11].

Заҳарли кимёвий моддалардан аёвсиз тарзда фойдаланиш туфайли ҳавода, сув ҳавзаларида, тупроқда уларнинг миқдори ошиб, инсон саломатлигига, атроф-муҳит мусоффолигига жиддий зарар етди.

Оқибатда XX асрнинг 80 йилларида Ўзбекистонда болалар ўлими икки баравар ошди. 1988 йилда Ўзбекистонда туғилган ҳар минг боладан ўртача 46 нафари нобуд бўла бошлади. Бу кўрсаткич Сурхондарёда анча ташвишланарли тарзда кескин кўпайди, яъни вилоятда туғилган ҳар минг нафар боланинг 60 нафари вафот эта бошлади[12].

1990 йилда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон ва Сариосиё туманларида олиб борган тиббий кўрик жараёнида ҳар 1000 нафар боладан 49 тасида гипотрофия, 230 нафарида эндокринг касалликлар, 260 нафарида кам қонлик 356 нафарининг организмида эса турли потологик ўзгаришлар содир бўлганлиги аниқланди[13].

Республикада юзага келган бундай нохуш ҳолатдан ташвишланган жамоатчилик XX асрнинг 90 йилларида экологик вазиятни издан чиқараётган омилларга нисбатан ўз муносабатини билдириб, оммавий ахборот воситалари орқали ўзларининг норозилик фикрларини билдира бошлади. Жумладан, таниқли олим А.Марр шундай ёзади: "Ҳар қандай урушнинг узоқ ёки қисқа давом этишидан қатъи-назар, ниҳояси бўлади. Ялпи кимёлаштиришнинг, минг афсуски, ниҳояси йўқ. Пестицидлар келажакка отилган ўқлардир. Улар ҳозир пешайвонди эмаклар юрган, болалар боғчасида она-ватан, гўзал табиат ҳақидаги шъерларни ёдлаётган, нимани айтсангиз ўшанга ишонадиган гўдакларни жароҳатлайди. Ҳали туғилмаганларни, уларнинг болаларини, невара-чевараларини ногирон, майиб-мажруҳ қилди[14].

Хулоса сифатида айтиш жоизки, инсоният келажакка етиш учун туғилиш, омон қолиш, насл қолдириш керак. Бунинг учун ҳар бир халқ жисмонан соғлом, руҳан бардам бўлиши лозим. Бунинг учун эса экологиянинг мусоффолиги белгиловчи роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шарқ юлдузи. 1989. 7-сон. -Б.153. ("Eastern star" 1989. Issue.7. -P.153)
2. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб. - Тошкент: "O`zbekiston". 2019. - Б.79. (History of Uzbekistan (1917-1991) 2nd book. - Tashkent: Uzbekistan, 2019. -P.79)
3. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и

плenums ЦК. Том II. - С.368. (The Communist Party of Uzbekistan in resolutions and decisions of congresses and plenums of the Central Committee. Volume II. - P.368)

4. Муҳитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим. (Эсдаликлар). 1-китоб.- Тошкент: Ўзбекистон, 1995. -Б. 219 (Mukhitdinov N. "My years in the Kremlin" (Memories) 1st book. -Tashkent: Uzbekistan, 1995. -P.219)

5. Аҳмадов А., Аҳмадов Ж. Ҳар толасида инсон заҳмати - Сурхон пахтаси. - Тошкент: HilolMedia, 2019. - Б.139 (A.Akhmadov, J. Akhmadov Human labor in every fiber - Surkhan cotton. -Tashkent:Hilal media,2019. -P.139)

6. Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. - Тошкент: O`zbekiston, 2017. - Б.140. (Ergashev Sh. Desire for freedom. -Tashkent: Uzbekistan, 2017. -P.140)

7. "Совет Ўзбекистони" газетаси 1971 йил 19 январь. ("Soviet Uzbekistan". 1971 year 19 January.)

8. Шайхова Х. Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. - Тошкент: Ўзбекистон. - Б.25. (X.Shaykhova, k. Nazarov. Human values and spiritual perfection. -Tashkent: Uzbekistan. - P.25)

9. Комиренко П. Люди, будьте бдительны //Сельское хозяйство Узбекистана. - 1990. № 10. - С.3. (Komirenko P. People, be careful // Agriculture of Uzbekistan. - 1990. No. 10. - P. 3)

10. "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнал. 1970 йил №4. - Б.16. (Journal of "Agriculture of Uzbekistan". 1970 year N 4- b.16)

11. Мулоқот журнали 1991 йил 4-сон 32-бет. (Journal of "Communication" 1991 year Issue 4 page 32)

12. "Фан ва турмуш" журнали. 1998 йил 4-сон. 17-бет. (Journal of "Science and Life" 1998 year. Issue 4 page 17)

13. Сурхон тонги газетаси. 1991 йил 18 март. ("Surkhan morning" 1991 year 18 March)


14. "Шарқ юлдузи". 1990 йил 3-сон, 12-15-бетлар. ("Eastern star" 1990 year Issue 3 page 12-15)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Бобожонов Ислонбек Усмоналиевич,
Тошкент давлат педагогика университети
Таянч докторанти

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ (Тошкент маҳаллалари мисолида)

For citation: Islombek U. Bobojonov. History of the development of the mahalla institute. 2019, vol. 24, issue 2, pp. 35-41

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24-05>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи - маҳалла институтининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи Тошкент шаҳри маҳаллалари мисолида таҳлил қилинган. Шунингдек, маҳалла институти фаолиятига доир қонунлар, меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: маҳалла, қонун, қарор, комиссия, маҳалла оқсоқоли, ўзини ўзи бошқариш органи, ваколат, ислоҳот.

Бобожонов Ислонбек Усмоналиевич,
Базовой докторант
Ташкентского государственного
педагогического университета

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ МАХАЛЛИНСКОГО ИНСТИТУТА (на примере махаллей Ташкента)

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется история становления и развития института самоуправления граждан - махаллинского института на примере ташкентских махаллей. В статье также анализируются законы, постановления и положения, касающиеся деятельности института махалли.

Ключевые слова: махалля, закон, решение, комиссия, председатель махалли, орган самоуправления, полномочие, реформа.

Islombek U. Bobojonov

Doctoral student

in Tashkent state pedagogical university

HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF THE MAHALLA INSTITUTE (for the example Tashkent's mahalla)

ANNOTATION

In this article, analyzed the history of the formation and development of the institution of self-government of citizens - the mahalla institute on the example of Tashkent mahallas. It also addressed the content of laws, decrees and regulations relating to the activities of the mahalla institute.

Key words: mahalla, law, resolution, commission, neighborhood chairman, self-governing body, authority, reform

Ўзбек халқи азал-азалдан жамоавий, ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаёт кечириб келган. Уларни шу мақсад асосида бирлаштириб, кишиларни жамиятнинг ҳақиқий аъзоси бўлишини таъминлаган омил бу - маҳалла тузилмаси бўлган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қайд этилганидек, "Маҳалла" атамаси арабча сўз бўлиб, шаҳарнинг маълум бир ҳудудни ўз ичига олган ва аҳолиси бир жамоага бирлашган, ўзини ўзи бошқаришга асосланган ижтимоий-ҳудудий бўлаги ҳисобланиб, "ўрин-жой" деган маънони англатади [1]. Маҳалла жуда катта ва узоқ тарихга эга бўлиб, унинг илдизлари бронза даврига бориб тақалади. Ўтмишдан маҳаллалар бир неча оилани бирлаштирган ҳудудий бирликдаги кишиларнинг ташаббуси билан ташкил этилган тарихий жамоа маскани бўлиб, уларни бирлаштириб турувчи асосий омил эса ишлаб чиқарувчи кучлар орқали бир бирига боғланганлиги бўлган. Маҳалла институтининг илк куртаклари ҳақида гап кетганда академик Аҳмадали Асқаров томонидан бронза даврига мансуб, Сурхондарё вилоятида жойлашган Сополитепа манзилгоҳида олиб борилган археологик тадқиқот ишларига мурожаат қилиш ўринлидир. Археолог олим томонидан тадқиқот давомида манзилгоҳ саккиз қисмдан иборат эканлиги аниқланиб, айни шу саккиз қисм бугун биз маҳалла деб атайдиган тузилманинг дастлабки бўғини бўлганлиги фанда исботланган [2].

Мазкур масала юзасидан ёзма манбаалардаги маълумотларни таҳлил қилсак, Ўрта Осиё бўйича илк ёзма манбаа, зардуштийларнинг муқаддас китоби - Авестода ҳам одамларнинг жамоа бўлиб яшаш, мавжуд муаммо ва камчиликларни жамоа билан бирга ҳал этиш орқали ҳамжиҳатлик асосида умр кечириш тарғиб қилинади ҳамда жамоадаги ёши ва тажрибаси бошқа аъзолардан каттароқ бўлган мўйсафид-оқсоқол жамоага раҳнамолик қилган. Зардуштийликка кўра, жамоа бўлиб яшашнинг бир неча босқичи бўлиб, жамиятнинг илк бўғини катта патриархал оила бўлиб, у "нмана" деб аталган ҳамда оиланинг катта эркак аъзоси унга бошчилик қилган. Айнан бир неча "нмана"ларнинг бирикувидан уруғ жамоаси - "вис" ҳосил бўлган. Ўз навбатида маълум бир ҳудуддаги "вис"лар бирикиб, ҳудудий қўшничилик жамоаси - "варзана"ни ҳосил қилган. Бир неча "варзана"лар қўшилиб, "занту" яъни қабилани вужудга келтирган. Жамоанинг ёши улуг оқсоқол томонидан бошқарилиши, барча муаммоларни Оқсоқоллар кенгашида ҳал этилиши, аждодларимиз ҳаётида жамоадошлар учун қайғуриш, эҳтиёжманд одамларга ёрдам

қўлини чўзиш каби гўзал фазилатларга амал қилиш одати маҳалла тузилмаси орқали бизнинг ҳаётимизга етиб келган.

Ўрта аср муаррихлари ҳам маҳалла ва унинг пайдо бўлиш тарихи узоқ ўтмишга бориб етиши, унинг афзаллик томонлари хусусида айрим маълумотларни қолдирганлар. Жумладан, Абу Жаъфар Наршахий IX асрда ёзган "Бухоро тарихи" асарида, Бухорода бундан 1100 йил илгари 19 та катта-катта маҳаллалар мавжуд бўлганлиги, бу маҳаллалар ўзини ўзи идора қилиб, ўз ваколатларига эга бўлганлиги, бу Қадимги Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган илк давлатлар ва уларнинг бошқарув фаолиятида ҳам ёрқин ифодасини топганлигини таъкидлаб ўтган[3].

Шарқнинг яна бир машҳур файласуф ва қомусий олими Фаробий "Ҳар бир инсон табиатдан шундай туғиладики, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, аммо бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади" деб қайд этади[4]. Инсон дунёга келар экан, у яшаш, жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиш учун кишилар жамоаси билан ижтимоий ҳамкорликка киришади. Демак, Фаробий назарда тутган инсонлар жамоаси орқали жамиятда тартиб-қоида, муросою-мадора шаклланиб, ривожланиш кузатилади. Аксинча, кишилар жамоаси тарқоқ ва бир-биридан айро ҳолда, ўз манфаатларидан келиб чиқиб ҳаёт кечирса, бу жамият тарқоқ ва парокандаликка юз тутади.

XIV асрга келиб Амир Темурнинг марказлашган давлат барпо этиши натижасида маҳалла тузилмаси аввалги даврларга нисбатан солиштирганда маълум бир даражада ривожланиб, янги анъана ва урф-одатлар билан бойиб, бошқарув услубидаги янгиликлар ҳисобига маъмурий жиҳатдан янада такомиллашганини кузатишимиз мумкин. Яъни, Амир Темур салтанатида ҳунармандчилик турлари, касбу-корнинг сони-сифати ортиб, савдо-сотиқ кенг миқёсда ривожланиши ҳамда улар ўзларининг машғул бўладиган касби ва ҳунари асосида маҳаллаларга бирлашгани фикримизнинг тасдиғидир. Тўғри, Темур салтанатига асос солгунга қадар бўлган даврда ҳам касб ва ҳунар асосида маҳаллалар ташкил этилган, бироқ Темур замонасига келиб бундай кўринишдаги маҳаллаларнинг сони ва сифати ортиб борди ҳамда маҳалла аҳли ўз машғулоти билан шуғулланиши учун барча қулай шарт-шароит яратиб берилди. Шу сабабли Темур салтанатида чилангарлар, ковушдўзлар, махсиддўзлар, кулоллар, қуролсозлар, дегрезчи, чармдўзлар каби касбий номлар билан аталадиган маҳалла ва қишлоқларни кўплаб учратиш мумкин эди. Ҳатто, Темур Шарқнинг энг машҳур шаҳарларини ўз давлати таркибига қўшиб олгач, Мовароуннаҳрдаги кўпгина қишлоқ ва маҳаллаларни қайтадан янгича услубда барпо этиб, уларни Бағдод, Шероз, Дамашқ, Шом каби номлар билан атаган ҳамда у ердаги муҳит, шарт-шароит, одатларни ҳам маҳаллий қишлоқ ва маҳаллаларда яратган. Амир Темурнинг ташаббуси ва хоҳишига кўра энг қуйи бўғин - маҳаллага бўлган алоҳида муносабат натижасида ўрта асрлар маҳалласи гуллаб яшнади ҳамда мамлакат бошқарувида ҳам Темурнинг таянчига айланди. Қолаверса, туркий тилнинг асосчиси Алишер Навоий ҳам асарларида ўз даври маҳаллаларидаги ижтимоий ҳаёт, одамларнинг турмуш-тарзи, ҳукмдорларнинг маҳаллага эътибори ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтади.

Бугунги кунда бўлганидек, сўз юритилаётган даврда ҳам Тошкент шаҳри савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашганлиги, иқтисодий-сиёсий марказ бўлганлиги билан ҳам Ўрта Осиёдаги марказий шаҳарлар сафида тилга олинган. Савдогарларнинг мунтазам қатновини инобатга олган ҳолда аксарият маҳалла ва

мавзеларда улар учун энг қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Айниқса, Темурийлар даврида Тошкент шаҳри маҳаллалари янада гуллаб-яшнаганлигини алоҳида қайд этмоқ керак.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри тўрт даҳа, яъни Себзор, Бешёғоч, Шайхонтоҳур ва Кўкча даҳаларига бўлинган бўлиб, шаҳар девор билан ўралган ҳамда 12 та дарвозага эга бўлган.

1-жадвал

Тошкент маҳаллалари ҳақида маълумот[5] (XIX аср охирлари)

№	Даҳа номи	Маҳалалалар сони
1.	Себзор	38
2.	Бешёғоч	32
3.	Шайхонтоҳур	48
4.	Кўкча	31
Жами		149

XIX аср охирлари - XX аср бошларида Тошкент шаҳри маҳаллалари ҳақида олиб борилган илмий-тадқиқотлар орасида бугунги кунга қадар аҳамиятини йўқотмаган ва кўпчилик олимлар томонидан ижобий баҳоланадиган илмий изланиш муаллифи шарқшунос олим - Маллицкий Николай Гуревич ҳисобланади. У ўзининг "Тошкент маҳалла ва мавзелари" номли китобида ўзига қадар бўлган даврда олиб борилган олимларнинг тадқиқот ишларини ҳар томонлама таҳлил этиб, мазкур масала юзасидан ўзининг фикр ва мулоҳазасини билдириб ўтади. Жумладан, ўздан олдинги йилларда яшаб ўтган муаллифларидан Н.А.Маев, Н.С.Ликошин, А.П.Шишов ва В.А.Шишкиннинг изланишларини кенг қамровли ўрганиб таҳлил қилади. "Туркистон ўлкаси статистикаси учун маълумотлар" (1876 йил, IV чиқиш) тўпламидан жой олган Н.А.Маевнинг "Осиё Тошкенти" мақоласида шаҳар маҳаллаларининг рўйхати илк бора тузиб чиқилганлигини эслаб ўтади. Бироқ маҳаллалар номларида орфографик хатоликлар мавжуд эканлиги, асосан уларнинг номлари талаффузига қараб ёзилганини салбий баҳолайди. Н.Г.Маллицкий "Тошкент маҳалла ва мавзелари" номли китобида "А.П.Шишовнинг "Сатрлар" ишида 154 маҳалланинг рўйхати берилган бўлиб, унда Маев рўйхатинининг таъсири сезилиб турса ҳам, бироқ баъзи ўзгариш ва тўлдиришлар қилинган[6]", деб ёзади. Н.Г.Маллицкийнинг ўзи эса XX асрнинг бошларида эски шаҳарнинг ўзида 280 га яқин маҳалла ва 170 дан ортиқ мавзенинг рўйхатини тузиб чиқади[7]. Н.Г.Маллицкийнинг тадқиқотларини бошқа илмий изланишлардан ишончли эканлигини эътироф этаётганимизнинг сабаби, у 1907 йил январдан Тошкент шаҳар ўзини идора қилиш бошқармаси бошлиғи сифатида фаолият олиб боради ҳамда иш лавозими муносабати билан шаҳарнинг ҳар бир маҳалла ва мавзеларини гоҳ пиёда, гоҳ от-уловда кезиб чиқади. Ўз кўзи билан кўриб, маҳалла оқсоқли, зиёлилари билан суҳбат уюштириб, маҳаллаларнинг келиб чиқиш тарихи, уларнинг этимологиясига ҳам тўхталиб ўтади.

Бироқ, Чор Россияси даврида бир неча тадқиқотчи шаҳар топографияси ва маҳаллалари бўйича илмий изланиш олиб борган бўлсада, ўзбек маҳалласи мутлақо эътибордан четда қолди ва унинг ривожига сунъий тўсиқлар қўйилди. Афсуски, бу сиёсат Совет Иттифоқи даврида ҳам давом эттирилди ва амалда бу тузилманинг асрий анъаналар билан бойиб келган фаолияти тўхтаб қолди. Унинг вазифаси

фақатгина аҳолининг турли ҳашарларга жалб этишдангина иборат бўлиб қолди. Совет Иттифоқи даврида маҳалла кўмиталари фойяти бўйича низомлар қабул қилинган бўлсада, унда маҳалла тузилмасининг мустақил фаолияти чек қўйилди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгач, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда қатор ислоҳотлар ўтказди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла институтининг мавқеини қайтадан тиклаш масаласига жиддий эътибор қаратди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105 - моддасида "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисни (оқсоқолни) сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади", деб мустақкамлаб қўйилди[8]. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб маҳалла институти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга эътибор қаратилиши ҳамда Бош Қомусимизда алоҳида равишда мазкур масалага юридик муносабат билдирилиши бу борада ташланган қадамнинг жиддий эканлигини кўрсатиб турибди.

Мустақиллик йилларида маҳалла институтини нуфузини қайтадан тиклаш мақсадидан келиб чиқиб "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуни 3 марта (1993, 1999, 2013) замон талаб қилаётган вазифа ва ваколатлар билан бойитган ҳолда қабул қилинди. Қолаверса, ўтган йиллар мобайнида мазкур соҳа фаолиятини янада демократлаштириш мақсадида Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. 2017 йил 3 февралда эълон қилинган "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги[9] Президент фармонида кўра, тизимда қатор янги ислоҳотларни амалга ошириш кўзда тутилди. Буни айрим жиҳатларини Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши мисолида таҳлил қилсак, Тошкент шаҳар маҳаллалари Кенгашига раислик қилиш вазифаси жамоатчилик асосида Тошкент шаҳар ҳокимида юклатилди. Шу билан биргаликда Тошкент шаҳар маҳаллалари Кенгаши раисининг биринчи ўринбосарининг ёшлар ишлари бўйича, диний-маърифий масалалар бўйича ва кексалар-фаҳрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари лавозимлари жорий этилиши белгиланди. Шу билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари - ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини киритилди.

Мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, Тошкент шаҳри ҳудуди кенгайиш билан бирга аҳоли сони ҳам ортиб борди. Бу эса аҳоли яшаш жойларини ортиб бориши ҳамда янги маҳалла ва мавзеларни ташкил этишга олиб келди. XX асрнинг бошларида Тошкент шаҳрида 280 га яқин маҳалла бор эди, 2011 йилда эса уларнинг сони 476 тага етди[10]. Бугунги кунга келиб пойтахт маҳаллалари сони 508 тани ташкил этмоқда[11. 2-жадвал]. 2018 йилда маҳаллалар сони 505 та эди. Жорий йилда Сергели туманида 2 та ва Яшнабод туманида 1 та янги маҳалла ташкил этиш ҳисобига уларнинг сони 508 тага етказилди. Мазкур туманларда янгидан барпо этилаётган кўп қаватли уйлар яқин келажакда яна янги маҳалла ва мавзелар ташкил этилишини кўзда тутди.

2-жадвал

Тошкент шаҳрида жойлашган маҳаллалар ҳақида маълумот (Туманлар кесимида, 2019 йил)

№	Туман номи	Маҳалла сони
1.	Бектемир	12
2.	Миробод	39
3.	Мирзо Улуғбек	54
4.	Олмазор	58
5.	Сергели	41
6.	Яшнобод	58
7.	Учтепа	60
8.	Чилонзор	51
9.	Шайхонтохур	51
10.	Юнусобод	63
11.	Яккасарой	21
Жами		508 та

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири Тошкент шаҳри ўзининг узоқ йиллик тарихи давомида турли ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Шаҳар маҳаллалари Амир Темур ва темурийлар даврида тараққий этган бўлиб, Чор Россияси ва айниқса, Совет Иттифоқи даврида маҳалла тузилмасини янада ривожланиши ва такомиллашувида сунъий тўсиқ, чекловлар юзага келганлиги сабабли маҳалла тизимида деярли эътибор қаратилмаган ҳамда бунинг оқибатида маҳаллалар фаолияти турғун ҳолатга тушиб қолди. Мустақиллик эълон қилинган дастлабки кундан бошлаб эса маҳалла институтининг ривожлантириш йўлида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, жаҳон тажрибасидан фойдаланган ҳолда анъана ва инновациялар билан бойитиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. - Б.58 (Explanatory dictionary of the Uzbek language. - Tashkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2003. - P.58)

1. Аскарлов А. Сапаллитепа. - Ташкент: Фан, 1973. - С.38 (Askarov A. Sapallitapa. - Tashkent: Fan, 1973. - P.38)

2. Абу Бакр Наршахий. Бухоро тарихи. - Тошкент: Шарқ, 1993. Б. - 63. (Abu Bakr Narshahiy. History of Bukhara. -Tashkent: Sharq, 1993. - P. 63)

3. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2012. - Б.4. (Abu Nasr Muhammad ibn Muhammad al Farabi. Virtuous city. - Tashkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2012. - P.4)

2. Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. - Тошкент:Шарқ, 2002. - Б. 61. (Mukhammadjanov A. Ancient Tashkent. -Tashkent: Sharq, 2002. - P. 61).

4. Маллицкий Н.Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари. - Тошкент: 1996. - Б. 6 (Mallitskiy N.G. Tashkent mahallas and areas. - Tashkent: 1996. - P. 6)

3. Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля и мауза. - С.112-121.(Mallitskiy N.G. Tashkent mahallas and areas. - Тошкент: 1996. - P. 112-121).

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон,1992 й. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent: O'zbekiston, 2018.)


5. Халқ сўзи, 2017 йил 4 февраль. <http://lex.uz/docs/3106223?twolang=true> (Khalq sozi (Peoples Word), 2017 year 4 february)
6. Исматуллаев Э. Тошкент маҳаллалари: маълумотнома. - Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2011. - Б.6 (Ismatullaev E. Tashkent mahallas: reference. - Tashkent.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2011. - P.6)
7. Тошкент шаҳар маҳаллалар кенгаши жорий архиви. Мурожаат этилган сана: 10.10.2019 й. (Current archive of Tashkent city councils. Date of appeal: 10.10.2019 y.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Мулладжанова Раъно,
Тошкент давлат педагогика университети доценти,
педагогика фанлари номзоди

ХІХ АСРНИНГ ОХИРИ ВА ХХ АСРНИНГ БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТИ ВА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

For citation: Mulladjanova Rano. Some considerations on the general condition and functions of primary education at the end of the 19th and beginning of the 20th centuries of the Bukhara emirate. 2019, vol. 24, issue 2, pp. 42-46

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24-06>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида анъанавий таълим тизими, мактабхона ва мадрасаларнинг моддий-молиявий таъминоти, мактабдаги таълим усуллари, иш тартиби, ўқитиладиган фанлар, ўқиш муддатлари, санитария-гигиена шароитлари ҳақида таҳлиллар берилган.

Калит сўзлар: ички бошқарув, ўқитиш, фойдаланиш, қўллаш, таълим тизими, мадраса талабалари, мактаб муддариси, таълим самардорлиги, вақф мулклари, овул мактаблари.

Мулладжанова Раъно,
доцент Ташкентского государственного
педагогического университета, кандидат педагогических наук

НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ ОБ ОБЩЕМ СОСТОЯНИИ И ФУНКЦИЯХ НАЧАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В КОНЦЕ XIX И НАЧАЛЕ XX ВЕКА БУХАРСКОГО ЭМИРАТА

АННОТАЦИЯ

В данной статье проанализированы вопросы традиционной образовательной системы, материально-финансовое обеспечение, методы обучения, режим

работы, преподаваемые предметы, срок обучения, санитарно-гигиеническое условие в школах и медресе в Бухарском эмирате в конце XIX- и начале XX веков.

Ключевые слова:внутреннее управление, обучение, использование, применение, система образования, школы при медресе, муддарис, эффективность образования, вакуфное имущество, аульские школы.

Mulladjanova Rano,

Associate Professor of Tashkent State Pedagogical
University candidate of pedagogical sciences

SOME CONSIDERATIONS ON THE GENERAL CONDITION AND FUNCTIONS OF PRIMARY EDUCATION AT THE END OF THE 19TH AND BEGINNING OF THE 20TH CENTURIES OF THE BUKHARA EMIRATE

ANNOTATION

This article contains questions of the traditional educational system, materially-financial provision, methods of the education, state of working, subjects, period of the education, sanitary and hygienic condition in school and religion high school at the end XIX and begin XX ages in emirate of Bukhara.

Key words. Internal management, education, use, using, system formation, schools under religion, high school, teacher schools, efficiency of the formation, vacuole property, schools in aul.

ХIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида сиёсий Ҳузуум монархия таркибига асосланган бўлиб, манғитлар сулоласи вакиллари томонидан бошқарилар эди. Россия империясининг мамлакатга 1866-1868 йиллардаги ҳарбий юришларидан сўнг амирликнинг империя қўшинлари томонидан босиб олиниши натижасида тузилган 1868 йилдаги Россия - Бухоро сулҳ битимида кўра, мамлакат сиёсий мустақиллик ва ҳудудий яхлитликдан маҳрум этилиб, Жиззах, Каттақўрғон, Ўратепа, Самарқанд ҳудудларини Туркистон генерал губернаторлиги тасарруфига ўтишига асос бўлди. Бухоро амирлиги ўз сиёсий мустақиллигини йўқотиб, вассал мамлакатга айланиб қолди.

Амирликда темир йўл қурилиши рус манзилгоҳларининг ташкил топиши, рус аҳолисининг кириб келишига, улар баҳонасида ташкил қилинган Рус сиёсий агентлигининг мамлакат ичида назорати ўрнатилишига олиб келди. Аммо ички бошқарувнинг амирлик усулида сақланиб қолиши туфайли кўп соҳалар анъанавий тарзда ривожланишда давом этди. Хусусан, маданий ҳаёт, таълим тизими ҳам сақланиб қолди. Ўрта Осиё анъанавий таълим тизимида биноан мамлакатда қуйи ва юқори босқичдан иборат таълим масканлари - мактаб ва мадрасалар асрлар давомида фаолият юритиб келган.

Сиёсий ҳуқуқсизлик, ташқи алоқалар чекланиши натижасида кучайган биқиклик шароитида мамлакатда нафақат ижтимоий соҳада, балки маданий ҳаётда ҳам турғунлик, давр талабларидан ортда қолиш тенденциялари намоён бўла бошлаган эди. Хусусан, таълим тизимида бу ҳолат яққол кўзга ташланар эди. Мамлакатда анъанавий таълим тизими амалда бўлиб, Бухоро амирлигида, хусусан Ўрта Осиёда фаолият кўрсатган бошланғич мактабларда таълим олган, сўнгра мадрасаларда

тахсил олиб дунёни лол қолдирган буюк зотлар Форобий, Ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Хоразимий, Имом Бухорий, Маҳмуд Замахшарий, Улуғбек, Али Қушчи, Имом Термизий, Имом Марғиноний каби кўплаб йирик олимлар - мутафаккирларни илгарилари етказиб берган илм масканлари бу даврда анча эскирган, давр талабларида ортда қолган эди.

Ўрта Осиёда анъанавий таълим икки босқич: қуйи - бошланғич мактаб ва юқори - мадраса босқичидан иборат эди [1]Ушбу тизим мактаблари давлат томонидан тўлиқ маблағ билан таъминланган [2]улар доимий равишда хусусий шахслар маблағи ва вақф мулклари ҳисобига яшаб келган [3]

Шариат қоидаларига мувофиқ, мактаб, мадраса, масжидларга вақф қилинган мулклардан биноларни таъмирлашга, мадраса талабалари, мактаб муддариси ва бошқа хизматчиларни таъминлашга ва давлат солиқларини тўлашга сарфланган [4,Б.57].

Вақфномаларда ёзилишича мактабхоналар ёғоч, хом ва пишиқ гиштдан қурилган[5]. Мактаб хона биноти одатда бир хонадан иборат бўлиб, болалар бўйра ёки гилам, (тўшамча, шолча) устида мукка тушиб ўтиришган [6]. Мактабнинг хоналари кичик, тор бўлиб, ёруғлик тушмайдиган қоронғи, ўқувчилар ўтирадиган жой эса нам ва зах бўлган. Ўғил болалар мактаб хоналарида масжид қавми томонидан таклиф этилган масжид имоми, муаззини ёки мадрасани тугатган киши муаллимлик қилган [7].

Шариатга кўра, илм ўрганиш учун мурожаат қилган кишига рад жавоби бериш оғир гуноҳ ҳисобланган, ўқишга келган ҳар бир боланинг қайси ижтимоий тоифадан бўлиши ва ўқиш учун қанча ҳақ тўлашидан қатъий назар, ўқитувчилар зиммасига уларни ҳар қандай эътирозсиз ўқитиш вазифаси юклатилган [8].Чунки ҳар бир мусулмоннинг билим олиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлганлиги ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган эди[9,Б.51].

1910 йилда Бухорода 350 га[10,Б.57] яқин анъанавий (бошланғич) мактаблар фаолият кўрсатган [11]. Бошланғич мактабларда ўқувчиларнинг сони 10 нафардан 50-60 нафаргача [12]. Ўғил болалар мактабхонасида ўртача 30-40 нафар бола ўқиган [13]бўлса, овул мактабларида ўқувчилар сони 10 нафардан ошмаган [14]. Қизлар ўқийдиган мактабхоналардаги ўқувчилар сони болаларга нисбатан 25-30 %ни ташкил этган [15,Б.412-413].

Одатда, қиз болаларга уйда таълим бериш тажрибаси кенг тарқалган бўлиб, уларнинг ўқиши 7 ёшдан бошланиб, 13 ёшгача, баъзан 10-11 ёшгача давом этган. Умуман олганда, аёлларнинг мактабда ўқиши қийин кечган, фақат бой хонадонларнинг қизларигина ўқиб саводини чиқара олган, қишлоқларда ўқиган қизлар жуда камчиликни ташкил қилган [16].

Шундай қилиб, мактабда ёзишга ўргатишни икки босқичга бўлиш мумкин: биринчи босқичда ҳарф ва бирикмаларнинг ёзилиши ўргатилган. Бу хусниҳат билан бошланиб, абжод ёзиш билан тугалланган. Иккинчи босқичда сўз ва гаплар ёзилган. Бу давр маъноли сўзларни ёзиш билан бошланиб иншо-дуойи салом билан тугалланган. Мактабларда асосан настаълиқ ёзуви ишлатилган [17,Б.64].

Шу тариқа бошланғич мактабларда ўқувчи араб ва форс алифбосининг ўрганган. Диний ва бадий адабиётнинг асосий қисми шу тилларда битилган эди. Айрим мактабларда қобилятли ўқувчиларга арифметиканинг тўрт амали ўргатилган. Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонаси қўлёзма фондида сақланган "Хулосат-ул-ҳисоб", "Усули ҳисоб" рисолаларида ҳисоб-китоблар баён этилган [18].

"Ўқиш пули" мактабга ўқишга келганда, бола ўзи ўқийдиган китоб (фан)лар бўйича муваффақиятга эришганда, бир китобни тугатиб иккинчисига ўтганида, Қуръони Каримни ўқий бошлаганида, янги йилда, бир йилда икки марта байрамда олиб келинган [19]. "Ўқиш пули", яъни совға-салом йигирма тангадан то бир сўмгача пул ёки битта тўндан иборат эди. Етимлар бепул ўқитилган. Ўзига тўқ, бадавлат, бой табақа вакилларининг фарзандлари Қуръони Каримнинг ҳар бир сурасини бошлаганда устозига тўн келтирган [20]. Мактабни тугатганлар ўз имкониятига қараб, домлага зиёфат ва сарпо беришган [21].

Мактабдорлар болалардан "буйра пули", "қўмир пули", "супурги пули" каби турли хил ўзига хос "тўловлар" ҳам олиб турган. Ўқувчилар томонидан хар пайшанба куни келтириладиган "пайшанбалик нони" мактабдор домланинг асосий ҳақи ҳисобланган. "Пайшанбалик"дан бошқа, Қуръон сураларидан "қуля"га ўтганда қуймоқ, "амма"га ўтганда бўғирсоқ, "ёсин" га ўтганда юпқа келтириш ҳам расм бўлган [22].

Қишлоқ мактабдорига нисбатан шаҳарлардаги мактабдорлар анча билимли ва тажрибали бўлишган. Яхши тажрибали мактабдор домла ўз ўқувчиларига хуснихатни, яъни ёзиш-чизишни ҳамда оғзаки ҳисоблашни қисқа вақтда ўргата олган. Анъанавий мактабга бойларнинг боласи мунтазам қатнаб, ўқиш ва ёзишни ҳам ўрганиб олган. Аммо кўп камбағал оилаларнинг болалари мактабга вақтида қатнай олмай, хат-саводсиз қолиб кетган [23].

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири ва XX асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган бошланғич мактаблар ўз иш тартиби, ташкил этилиши ва молиявий-ҳўжалик таъминоти жиҳатидан ўтган асрлар анъанаси ва даражасини сақлаб қолган эди. Мактаблар халқнинг саводини чиқариш, араб имлосида ўқиб ёзишни, арифметик ҳисобни ўзлаштиришга ўргатувчи маскан сифатида бу даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Мактабларнинг ўқув дастури бошланғич диний таълим, ислом асослари, диний ибодат, ахлоқий тарбияга йўналтирилган, атроф-муҳит, жамият ҳақида ҳам тушунчалар берган. Аммо, мактабхоналардаги таълим усули, уларнинг моддий-молиявий таъминоти, ўқиш муддатлари, санитария-гигиена шароитлари талабга жавоб бермаслиги, уларнинг кўпчилиги ҳайрия ҳисобидан ёки хусусий ва жамоат маблағлари асосида иш юритиши ва давлат томонидан таъминланмаганлиги, ўқув дастурида дунёвий билимларга эътиборсизлик, ўқитувчиларнинг билими етарли эмаслиги уларни замон талабларига ҳамоҳанг бўлишига имкон бермади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўз МА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 12-варақ. (O'zMA,1010-fond, 1-ro'yhat, 66-ish, 12-varaq)
2. Ўз МА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 23-варақ.(O'zMA, 1010-fond, 1-ro'yhat, 66-ish, 23-varaq)
3. Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости, 1898. - 8 августа. №32. (Nalivkin V. School at the natives of Central Asia // Turkestan Vedomosti, 1898. August 8. No.32.)
4. Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). - Тошкент: Фан, 2009. - Б.57. (Alimov I. Uzbekbekstonda vaqf mulklarining tugatilishi (1917-1929 yillar). - Toshkent: Fan, 2009. -B.57.)
5. Ўз МА, 323-фонд, 1-рўйхат, 1116-иш, 1-варақ.(O'zMA, 323-fond, 1-ro'yhat,

1116-ish, 1-varaq)

6. Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 9-варақ.(O'zMA, 47-fond, 1-ro'uxat, 333-ish, 9-varaq)

7. Ўз МА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 1-варақ. (O'zMA, 1010-fond, 1-ro'uxat, 66-ish, 1-varaq)

8. Ўз МА, 1-фонд, 12-рўйхат, 1-иш, 90-варақ.(O'zMA, 1-fond, 12-ro'uxat, 1-ish, 90-varaq)

9. Мирзо Салибек. Кашкўли Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттахириин / Форс-тожик тилидан Н.Йўлдошев таржимаси. Бухоро, 2003. - Б.51.(Mirzo Salibek. Kashkuli Salimiy. Tavori Muttaqadimin wa Muttahirin / Force Tojik Tilidan N.Yuldoshev Targimashi. Buxoro, 2003. -- B.51.10. Alimov I.O'zbekistonda va mamlakatda ko'p marta chaqirish tugatilishi (1917-1929 yillar). - Toshkent: Fan, 2009.- B.57)

10. Алимов И.Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). - Тошкент: Фан, 2009. - Б.57. (Alimov I. Uzbekbekstonda vaqf mulklarining tugatilishi (1917-1929 yillar). - Toshkent: Fan, 2009. -B.57.)

11. Ниёзий Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойина, 1914. №38. (Niyoziy Rajabzoda. Ibtidoy maktablarimizning tartibsizligi yohud taroqqiy yo'li // Oyina, 1914. № 38).

12. Ўз МА,47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 11-варақ.(O'zMA, 47-fond, 1-ro'uxat, 333-ish, 11-varaq)

13. Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости, 1898. - 8 августа. - №32.(Nalivkin V. School at the natives of Central Asia // Turkestan Vedomosti, 1898. August 8. No.32.)

14. ЎзМА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 11-варақ.(O'zMA, 47-fond, 1-ro'uxat, 333-ish, 11-varaq)

15. Солижонова Г. Мактабхона / Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. V жилд. - Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. - Б. 412-413. (Solijonova G. Maktabxona /Uzbekistan Milly Encyclopedia. V jild. - Toshkent: Davlat Ilmiy Nashriyoti, 2003. - B. 412-413.

16. Ўз МА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 17-варақ.(O'zMA, 1010-fond, 1-ro'uxat, 66-ish, 17-varaq)

17. Абдуллаев И. Эски мактабда хат-савод ўргатиш. - Б.64.(Abdullaev I. Eski maktabda xut-savod o'rgatish. - B.64.)

18. Бухоро Давлат меъморий-бадий музей- қўриқхонаси қўлёзма фонди. 25(241) инвентар.(Buxoro Davlat yodgorlik-Badiiy muzeyi - qo'riqxonashi yolyozma fondi. 25 (241) inventarizatsiya)

19. ЎзР МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 23-варақ.(O'zMA, 47-fond, 1-ro'uxat, 333-ish, 23-varaq)

20. ЎзР МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 13-варақ.(O'zMA, 47-fond, 1-ro'uxat, 333-ish, 13-varaq)

21. ЎзР МА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 23-варақ.(O'zMA, 1010-fond, 1-ro'uxat, 66-ish, 23-varaq)

22. ЎзР МА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 25-варақ.(O'zMA, 1010-fond, 1-ro'uxat, 66-ish, 25-varaq)


23. ЎзРМА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 26-варақ.(O'zMA, 1010-fond, 1-ro'uxat, 66-ish, 26-varaq)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Турапова Моҳидил Турдиевна,
Термиз давлат университети тарих факультети ўқитувчиси

XX АСРНИНГ I ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЖАНУБИЙ ШАҲАРЛАРИДА АҲОЛИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ ВА ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ

For citation: Mohidil T. Turapova. National composition and territorial location of population in the southern cities of the Uzbekistan ssr in the first half of the XX century. 2019, vol. 24, issue 2, pp. 47-56

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24-07>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XX асрнинг I ярмида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги демографик жараёнларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеликлари акс эттирилган. Шунингдек давлат сиёсатининг моҳияти ва амалга оширилган ислохотларнинг натижалари илмий таҳлил этилган. Мақола аҳоли масаласидаги долзарб масалаларни назарий ва илмий жиҳатдан ижобий ёритган. Мазкур мақоладан демографик жараёнларни ўрганишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Калит сўзлар: шаҳар, аҳоли, ҳудуд, миллий таркиб, Сурхондарё, демография, урбанизация, миграция.

Турапова Моҳидил Турдиевна,
преподаватель исторического факультета
Термезского государственного университета

НАЦИОНАЛЬНЫЙ СОСТАВ И ТЕРРИТОРИАЛЬНОЕ РАСПОЛОЖЕНИЕ НАСЕЛЕНИЯ В ЮЖНЫХ ГОРОДАХ УЗБЕКСТАНСКОЙ ССР В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XX ВЕКА

АННОТАЦИЯ

В этой статье представлены важные исторические демографические данные в

южных регионах Узбекистана первой половины XX века. Он также содержит научный анализ характера государственной политики и результатов реформ. В статье положительно освещены теоретические и научные проблемы актуальных проблем народонаселения. Эта статья может быть использована в качестве источника для изучения демографических процессов.

Ключевые слова: город, население, территория, национальный состав, Сурхандарьинская область, демография, урбанизация, миграция.

Mohidil T. Turapova,

Lecturer of the Termez State University, Faculty of History

NATIONAL COMPOSITION AND TERRITORIAL LOCATION OF POPULATION IN THE SOUTHERN CITIES OF THE UZBEKISTAN SSR IN THE FIRST HALF OF THE XX CENTURY

ANNOTATION

This article presents important historical demographic data in the southern regions of Uzbekistan in the first half of the 20th century. It also contains a scientific analysis of the nature of public policy and the results of reforms. The article positively highlights the theoretical and scientific problems of pressing population problems. This article can be used as a source for studying demographic processes.

Key words: city, population, territory, national composition, Surkhandarya, demography, urbanization, migration.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, совет ҳокимияти йилларида жанубий шаҳарларга кўчиб келтирилган рус ва русийзабон аҳолига ҳамда Россия ва марказ манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа миллат вакилларига алоҳида эътибор берилиб, уларни ижтимоий-иқтисодий турмушни яхшилаш мақсадида уй-жойлар қурилиб ва маданий-маиший имкониятлар яратилди. Ўз навбатида маҳаллий аҳолини манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий, маданий турмуш даражасини яхшилаш масаласида аниқ амалий ишлар қилинмаганлиги тарихий манбаларда ўз исботини топди.

Агар бугунги кундагидек ислохотлар халқ манфаатлари учун бўлганида халқимиз оғир аҳволда қолмас эди. Бугунги кунда ҳар бир соҳада ислохотлар ўтказиладиган она ватанимизда ёшларга жиддий эътибор берилмоқда. Президент Ш.Мирзиёевнинг даъвати ёшларни жисмонан соғлом ва маънавий етук баркамол авлод қилиб тарбиялаш зарурлигини билдирди. Юртбошимиз ўз нутқида: "Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқарашини билан боғлиқ. Бугунги замон шиддат билан ўзгараяпти. Бу ўзгаришларнинг ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким - ёшлар. Майли ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзгаришларни ҳам унутишмасин. Биз киммиз қандай улуғ зотларнинг авлодларимиз, деган даъват уларни қалбида доимо акс-садо бериб ўзларига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришганимиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан "[1] дея таъкидлади. Бу бежиз эмас ҳамма нарса тарбиядан бошланади. Мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва урф одатларимизни қадрига етадиган руҳда вояга етказиш уларни ҳуқуқ ва

манфаатларини ҳимоя қилиш борасида аниқ мақсадли ишлар амалга оширилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида - "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади"[2,Б.6] деб ёзилган. Яқин 2-3 йил ичида чекка-чекка ҳудудлардаги мактаблар интеллектуал ёшларни замон талабига жавоб бериш учун компьютерлаштирилди. Мактаб ва маҳалла кутубхоналари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида "Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган" [3,Б.7]. Шу ерда айтиш жоизки, юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган "Ҳаракатлар стратегияси"да, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да, ёшларга оид давлат сиёсатида ҳам, бешта муҳим ташаббусда ҳам бу ҳолат мустаҳкамланган ва ривожлантирилган. Ҳозирги давлат сиёсатида фуқораларимизнинг дини, ирқи, миллатидан катъий назар давлат ҳимоясида бир хил эътибор берилмоқда.

Ўтмишга назар солсак аҳолининг миллий таркиби ва жойлашувини ўрганишда совет ижтимоий-иқтисодий тузуми даврида аҳолининг миллий таркибига таъсир кўрсатган омилларни XX асрнинг 20-йилларидаги воқеа-ҳодисалардан мукамал билиб олиш мумкин. Бу даврда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи паст бўлиб, иқтисодий таъминотдаги ўзгаришлар 1930 йилларда бироз яхшиланиб, аҳолининг ўртача умр кўриши узайди[4,Б.248].

Ижтимоий-демографик жараёнлари оила нуқтаи-назардан таҳлил этганда оила жамият бошқарувини ҳал қилувчи воситаси эканлигини қуйидаги илмий таҳлилларда изоҳлаш мақсадга мувофиқ. Ушбу жараёнларда аҳоли таркибида никоҳ ёшидаги ёшлар салмоғининг камлигини қиёсий таҳлил этиш алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Маҳаллий миллат оилаларида туғилган болаларда ўлимнинг юқорилиги сабабли туғилган болаларнинг ҳаммаси ҳам ўсмирлик ёшига етмаган ҳамда туғиш юқори бўлгани билан яшаш шароитининг иқтисодий ва тиббий омиллари бўлмаганлиги туфайли табиий ўсиши паст бўлган. Тарихий манбаларда 1917-1922 йилларда Ўзбекистонда ҳар 1000 аҳоли ҳисобига туғилиш 48-49 ни ташкил этган бўлсада, ўлим 41-45 га етган, табиий ўсиш эса 5-6 кишига тўғри келиб, Ўзбекистон ҳудудида болалар ўлими юқори бўлиб, туғилган болаларнинг 30-40 фоизигина балоғатга етиб, оила қурганлар[5,Б.27]. Фуқоралар уруши туфайли Сурхондарё ва Қашқадарё шаҳарларида аҳолининг туғилиши кескин камайиб, ҳар 1000 киши ҳисобида 31-33 киши тўғри келган бўлса, уруш ва иқтисодий қийинчилик туфайли шу туғилган болалардан 16-18 таси ўртача тирик қолган[6,Б.10-11]. Жанубий шаҳарлар аҳолисини миллий таркиби 1920-1924 йилларда асосан ўзбек, тожик, туркман, араб, яҳудий, афғон, эрон ҳамда русийзабон аҳолидан иборат бўлиб, Қашқадарёда шаҳарларда 28801 киши, қишлоқларда 190310 киши истиқомат қилиб, жами 219111 аҳолини ташкил этди. Шунингдек, Беҳбудий ҳудудидаги қишлоқларда 71655 киши, жами 83634 аҳоли яшаганлиги рўйхатга олинди. Ғузур уезди қишлоқларида 36555 киши, жами 37405 аҳоли, Шахрисабз қишлоқларида 82100 киши жами 98072 аҳоли яшаган. Сурхондарё вилояти шаҳарларида 6689 киши, қишлоқларида 127747 киши, жами 134436 аҳоил истиқомат қилганлиги рўйхатга олинган. Шунингдек, Бойсун қишлоқларида 23087 киши, жами 26685 киши, Шеробод қишлоқларида 51230 киши, жами 53390 киши, Юрчи қишлоқларида 053430 киши, жами 54361 киши яшаганлиги рўйхатга олинган. Умуман ушбу йилларда турли сиёсий-иқтисодий сабабларга кўра аҳолини ўсиши

сезиларли ўзгармади[7,Б.20-23].

Ўзбекистонда оиланинг демографик таркиби ўзига хос хусусиятга эгадир. Бу ўзига хослик биринчи навбатда жами оила миқдорида 5-6, 7-10 ва ундан ортиқ кишилар яшовчи оилалар салмоғи, яъни ўрта ва катта оилалар салмоғи юқорилиги билан изоҳланади[8,Б.4,6,8]. Сурхондарё ва Қашқадарё шаҳарларида аҳолининг жойлашуви бўйича ўтказилган тадқиқотлар аҳоли сонининг ўсиш жараёнлари таҳлил этилиб, 1920 йиллардаги фуқаролар уруши ва иқтисодий қийинчиликлар натижасида аҳоли сони кескин камайиб, маҳаллий аҳолини кўпчилиги ўзга юртларга ватангадо бўлиб кетдилар. Шаҳар марказларида аҳоли сони кескин камайиб кетганлигини 1924 йилги аҳолини рўхатга олиш давридаги маълумотлардан билса бўлади, ушбу вақтда Бехбудий шаҳрида 11979 киши, Шаҳрисабз шаҳрида 15972 киши, Китобда 3349 киши, Ғузор марказида 850 киши, Шеробод шаҳрида 2160 киши, Термиз шаҳрида 1381 киши, Юрчи марказида 931 киши, Бойсун шаҳрида 3598 киши, Дарбандда 1363 киши истиқомат қилиб, бу рўйхатда қайд этилган аҳоли асосан ўзбек ва тожиклардан иборат бўлган[9,Б.20-22]. Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда Сурхондарё ва Қашқадарё ҳудудларидаги шаҳарлар, шаҳарчалар ҳамда район марказларда аҳолини рўйхатга олиш ҳамда аҳоли миллий таркибини аниқлаш мақсадида 1924 йилларда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ҳудуди, сони ва зичлиги бўйича маълумотлар тақдим этилганлигини қўйидаги манбалардан билиш мумкин. Жанубий ҳудудларда жойлашган жами аҳолининг шаҳарларда жойлашувини таҳлил қилсак, Қашқадарё ҳудудидаги жами аҳолининг 13,6 фоизи шаҳарларда, 8,5 фоизи район марказлари ва шаҳарчаларда, 7,3 фоизи фақат қишлоқларда, жумладан Бехбудий районининг жами аҳолисининг 14,3 фоизи шаҳарда, 6,0 фоизи шаҳарчаларда, 5,2 фоизи фақат қишлоқларда, Шаҳрисабз районининг жами аҳолисининг 16,3 фоизи шаҳарларда, 13,8 фоизи шаҳарчаларда, 11,5 фоизи фақат қишлоқларда яшаган. Аҳолининг қолган қисми ярим кўчманчи ва кўчманчи турмуш тарзида яшаган[10,Б.22-25]. Шунингдек, Сурхондарё ҳудудидаги жами аҳолининг 5,0 фоизи шаҳарларда, 6,6 фоизи шаҳарчалар ва район марказларида, 6,3 фоизи фақат қишлоқларда истиқомат қилиб, жумладан Бойсун район жами аҳолисининг 13,5 фоизи шаҳарларда, 6,1 фоизи шаҳарчалар ва район марказларида, 5,2 фоизи фақат қишлоқларда, Шеробод район аҳолисининг жами 4,0 фоизи шаҳарларда 7,6 фоизи шаҳарча ва район марказларида 7,3 фоизи фақат қишлоқларда яшаганлиги ҳужжатларда ўз аксини топган[11,Б.25-27].

Ижтимоий-демографик ва урбанизацион жараёнларини таҳлил этишда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аҳолининг турмуш даражаси, никоҳ, ажралиш, оилавий муносабатларнинг тадрижий тараққиёти билан боғлиқ ҳисобланади. Ўзбекистонда 1918-1922 йилларда 50 ёшли аёллар эрлари билан деярли бирга истиқомат қилмаган, чунки, тинимсиз урушлар, ўзаро низолар туфайли эркаклар асосан уруш ҳаракатларида бўлган. 1939 йил Иккинчи жаҳон уруши арафасида СССР да 43 млн. оила истиқомат қилган. Шаҳарда оила сони қишлоқларга нисбатан 2 марта кам бўлган. XX асрнинг 30-йилларида 43 фоиз аёллар биринчи никоҳда бўлган[12,Б.6]. 1900 йилда аёллар 20,5 ёшида, эркаклар 23,6 ёшида никоҳда бўлишган. Ўрта Осиёда 1920-1930 йилларда никоҳда ўтиш ниҳоятда охириги ўринда турган, чунки, фуқаролар уруши, очлик, қашоқлик, турли хил касалликлар каби ҳолатлар бунга салбий таъсир ўтказган[13,Б.13].

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими ривожланиб, аёллар ва болалар саломатлигига эътибор берилиши сабабли аёллар

турмушида ижобий ўзгаришлар бўлиб, натижада аёллар ўлими кескин камайди. Аҳолининг умумий миқдорида аёллар салмоғи бир мунча кўтарилди. 1939 йил аҳоли рўйхати маълумотига қараганда, Ўзбекистонда аҳолининг 49,4 фоизини аёллар ташкил этди ва аҳоли таркибида аёллар ва эркаклар салмоғи деярли тенглашди [14, Б.63].

Ижтимоий-демографик ва урбанизацион жараёнларини илмий ўрганишда 1924-1940 йилларда Ўзбекистоннинг социализмга ўтиши ва социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти демографик жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган. Ана шундай ўзгаришлардан бири кўп никоҳлилиكنинг таъқиқланиши ва аҳолининг никоҳга кириш ёшининг давлат томонидан белгиланиши ва назорат этилишидир [15, Б.74]. Ижтимоий-демографик ва урбанизацион жараёнларини ўрганишда қуйидаги манбаларни таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. 1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларида кўрсатилишича, кўп никоҳлилиқ тақиқланган. Республиканинг жанубий ҳудудларида полегам (кўпникоҳлиқ) оилалар миқдори кескин камайиб кетди ва бир никоҳли (моногам) лик оиланинг асосий шакли бўлиб қолди. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари даврида аёллар, айниқса оналар саломатлигига давлат томонидан бирмунча эътибор берилди.

Ижтимоий-демографик жараёнларини ўрганиш билан боғлиқ манбаларни таҳлил этишда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1924-1927 йиллар давомида Ўзбекистон ҳукумати қизларнинг жуда эрта никоҳга кириши ва унинг оқибатларини ўрганиб чиқиб, эрта никоҳга кириш қизларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний ривожланишига салбий таъсир этиши, аёлларнинг эрта қариши ва улар ўртасида ўлим ҳолларининг кўп бўлаётганини аниқладилар [16, Б.50]. 1927 йили сентябрда Ўзбекистонда оила ва никоҳ муносабатлари ҳақида кодекс ишлаб чиқилди. Унга биноан никоҳ ёши қизлар учун 16 ёш, эркаклар учун эса 18 ёш белгиланди. Ўзбекистонда қизларнинг эрта никоҳга кириш ҳолларининг кескин камайиши кўпгина ҳужжатларда қайд этилган, жумладан, 1939 йил ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига кўра Ўзбекистонда ҳар 1000 та 16-17 ёшли қизлардан 68 таси никоҳда турган [17, Б.75] бўлса, Ўзбекистонда эрта никоҳга кириш ҳолларининг камайиб бориши аёлларнинг ўртача никоҳга кириш ёшининг бирмунча кўтарилишига сабаб бўлди. Юқорида қайд этилган социологик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, 1900-1904 йилларда туғилган аёлларнинг ўртача никоҳ ёши 17,6 бўлган бўлса, 1920-1924 йилларда туғилган аёлларда бу кўрсаткич 22,0 ни, 1930-1934 йилларда туғилган аёлларда эса 20,4 ни ташкил этдиган [18, Б.77], бўлса Сурхондарёда 1922-1925 йилларда туғилган аёлларнинг ўртача никоҳ ёши 19-17,5 ёшда, 1934 йилда туғилган аёлларда эса 20,4 фоиз 16 ёшни ташкил этади. Қизлар никоҳ ёшининг кўтарилишига олиб келган асосий омил давлат томонидан эрта никоҳга кириш ҳолларининг таъқиқланиши бўлса, иккинчиси, қизларнинг маълумотлилиқ даражаси ошиб борган.

Ўзбекистонда 1922 йилда 13 минг хотин-қизлар, 1940 йилда 232 минг хотин-қизлар халқ-хўжалигида хизмат қилди. Ишчи-хизматчиларда хотин-қизлар сони 16 фоиздан 31 фоизга ўсди. Хотин-қизларнинг 1926 йил 7,3 фоизи, 1930 йиллар охирида 73,3 фоизи саводли булган. Ўзбекистон аҳолисини сони 1940 йилда 6 миллион 551 минг кишини ташкил этиб, шундан 1 миллион 606 минг шаҳарда, 4 миллион 945 минг қишлоқда истиқомат қилиб, 24,5 фоиз шаҳарда, 75,5 фоизи қишлоқда истиқомат қилди [19, Б.27].

1924 йилда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳисобланган Сурхондарё

вилоятининг ер майдони 20217 кв. км, Қашқадарё вилояти 26001 кв. км.ни ташкил этиб, Сурхондарё вилояти аҳолиси 134436 киши бўлиб, шундан 6689 киши шаҳарларда, 127747 киши қишлоқларда истиқомат қилиб, жами аҳолини 5,0 фоизи шаҳарларда яшаб, ўртача 1 кв. км.га вилоят бўйича 6,6 киши, жумладан қишлоқларга 6,3 киши ўртача тўғри келган[20,Б.20].

Шунингдек Қашқадарё вилояти аҳолиси 219,111 киши бўлиб, шундан 28.801 киши шаҳарларда 190.310 киши қишлоқларда истиқомат қилиб, жами аҳолини 13,6 фоизи шаҳарда яшаб, ўртача 1 кв. км.га вилоят бўйича 8,5 киши, жумладан 7,3 киши қишлоқларга тўғри келган. 1924 йилги маълумотларга Қашқадарё вилоятида 184459 нафар ўзбеклар, 20438 нафар тожиклар, 3152 нафар туркманлар, 7321 нафар араблар, 1011 нафар яҳудийлар истиқомат қилиб, жами аҳоли сони 21911 нафарни ташкил этган. Тадқиқотлар жараёнида Сурхондарё вилоятида 85.333 нафар ўзбеклар, 43.221 нафар тожиклар, 4.330 нафар туркманлар, 104 нафар қозоқлар, 288 нафар араблар, 5 нафар эронийлар, 600 нафар руслар, 36 нафар яҳудийлар, 104 нафар арманлар, 95 нафар татарлар, 320 нафар бошқа миллат вакиллари истиқомат қилиб, жами аҳоли сони 134.336 нафарни ташкил этган[21,Б.27].

Ўзбекистон аҳолисининг 1926-1939 йилларда ўртача йиллик ўсиши 226,0 минг кишини ташкил этиб, бу ўсиш 1913-1926 йилларга нисбатан 7,5 марта кўп бўлган[22,Б.8]. Жумладан, 1939 йил 17 январда Қашқадарё вилоятида аҳолиси 1926 йилга нисбатан 9 фоизга ўсган[23,Б.12].

Ўзбекистонда 1935-1940 йиллар аҳолининг меҳнат ресурсларини, мактабгача ҳамда мактаб ёшдаги болаларни, нафақахўрларни аниқлаш бўйича таҳлиллар ўтказиб, аҳоли сонига қараб истеъмол моллари ишлаб чиқаришни режалаштирди. Ўзбекистон аҳолисининг жинсий ва ёш таркиби ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, инқилобдан олдинги даврларда Ўзбекистон аҳолисининг жинсий таркибида эркаклар аёлларга нисбатан кўпчилиكنи ташкил этиб келган. Бу ҳол аввало ўша даврда оиладаги уй-рўзғор юмушларининг асосий қисми аёллар зиммасига тушиши, одатга кўра қизларни барвақт эрга бериш ва кўп болалик, тиббиёт хизмати ҳамда оналикни муҳофаза қилишдаги қолоқлик аёллар ўртасида ўлимнинг юқори бўлишига ва оқибат натижасида уларнинг кам умр кўришига олиб келган.

Ўзбекистон аҳолиси кўп миллатлиги билан ажралиб, 1935-1940 йилларда 120 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилган. 1939 йилги аҳоли рўйхатларида миллати деган саволга ўзбекларнинг "қипчоқ", "қўнғирот", "курама", "турк" каби қадимий йирик уруғлари номларини (жойлашган вилоятлар ва туманларига қараб) қайд қилишган.

1939 йил 17 январдаги Ўзбекистонда жами 6 миллион 440 минг аҳолининг 3 миллион 329 минг эркаклар, 3 миллион 111 минг аёллар ташкил этиб, жами аҳолининг 52 фоизни эркаклар, 48 фоизини аёллар ташкил этган. Шунингдек, шаҳар аҳолиси 1 миллион 488 минг кишини ташкил этиб, шундан эркаклар 766 мингни, аёллар 722 минг кишини ташкил этиб, жумладан шаҳар аҳолисини 51 фоизини эркаклар, 49 фоизини аёллар ташкил этган. Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси 4 миллион 952 минг кишини ташкил қилган[24,Б.13]. Жанубий ҳудудларда аҳолининг табиий ва миграция жарёни таъсирида ўсиш суръатлар 1930 йилларда юқори бўлиб, тинч турмуш тарзи ҳамда иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар бунга ижобий таъсир кўрсатди. Сурхондарё ҳудудида ўтказилган аҳоли рўйхатига оид маълумотлар бунга мисол бўлади. 1939 йил 17 январда ўтказилган аҳолининг

рўйхати бўйича Сурхондарё ҳудудидаги аҳоли сони 315, 2 кишини ташкил қилиб, жумладан шаҳарда 29,2 минг, қишлоқларда 286 минг киши истиқомат қилиб, шунингдек, аҳолининг умумий сонининг 5,4 фоизи шаҳарларда, 94,6 фоизи қишлоқларда яшаган[25,Б.7].

1940 йил Ўзбекистонда 25 та шаҳар ҳамда 19 та шаҳар типидagi манзиллар, жумладан 1 та автоном республика, 5та область, 116 та район 1387 та қишлоқ мавжуд бўлиб аҳолининг ижтимоий -иқтисодий турмуш тариз учун маълум имкониятлар яратилди. Сурхондарёда 2та Термиз вилоят миқёсидаги ва Денов районга бўйсунувчи шаҳар ҳамда Шеробод, Шарғун, Шўрчи шаҳарчалари[26,Б.40], Қашқадарёда Беҳбудий вилоят миқёсидаги, Шаҳрисабз районга бўйсунувчи ҳамда Ғузор, Китоб шаҳарчалари мавжуд эди. Бироқ маҳаллий аҳолини миллий камситиш, миллий урф-одатларни, анъаналарни поймол қилиш ҳамда миллатчилик ғоялари кенг тарғиб қилинди[27,Б.36]. Жанубий ҳудудлардаги шаҳарларнинг аҳолисининг миллий таркибга маълум маънода ўзгаришлар бўлиб, Қашқадарё ҳудудидаги шаҳар аҳолисининг миллий таркибига эътибор берилса Беҳбудий шаҳар аҳолисининг 11,705 таси ўзбеклар, 138 таси тожиклар, 136 таси араблар, яъни жами аҳолининг 97,7 фоизни ўзбеклар, 1,2 фоизни тожиклар, 1,1 фоизни араблар ташкил этган. Шаҳрисабз шаҳри аҳолисининг 9, 755 тасини ўзбеклар, 1, 01 фоизни яҳудийлар, яъни жами аҳолини 90,9 фозни ўзбеклар ташкил қилган. Яккабоғ шаҳри аҳолисининг 1,296 тасини ўзбеклар, яъни 100 фозини ўзбеклар ташкил этган[28,Б.39]. Шунингдек, Сурхондарё ҳудудидаги шаҳарларда жами аҳолининг 836 тасини ўзбеклар ташкил этиб, қолган шаҳар аҳолисининг 4351 тасини тожиклар, 180 тасини туркманлар, 24 тасини қозоқлар, 138 тасини араблар, 5 тасини эронликлар, 600 тасини руслар, 36 тасини яҳудийлар, 104 тасини арманлар, 95 тасини татарлар, 320 таси бошқа миллат вакиллари ташкил қилган[29,Б.41]. Сурхондарё ҳудудидаги шаҳарларни илмий таҳлил этиш жараёнида Бойсун шаҳрида 122 ўзбек, 2,071 тожик, 2 араб, 36 яҳудий, Дарбандда 1, 363 тожик, Термиз шаҳрида 185 ўзбек, 96 тожик, 180 туркман, 24қозоқ, 5 эрон, 600 рус, 104 арман, 95 татар, 92 та бошқа миллат вакиллари истиқомат қилган[30,Б.43]. Юқоридаги манбалардан хулоса қилиш керакки, ўзбеклар асосан қишлоқларда истиқомат қилишган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, юқорида қайд этилган сиёсатда маҳаллий аҳолини манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини сони ва салмоғини ошириш, ижтимоий-иқтисодий, маданий турмуш даражасини яхшилаш масаласида қонуний аҳамиятга эга бўлган ишлар қилинмаганлиги тарихий манбаларда ўз исботини топди. Шаҳар аҳолисининг миллий таркиби ва жойлашувини ўрганишда совет ижтимоий-иқтисодий тузуми даврида аҳоли ўсиши қонуни демографик вазиятга бевосита таъсир кўрсатганлигини XX асрнинг 20-йилларидаги воқеа-ҳодисалардан мукамал билиб олиш мумкин. Ижтимоий-демографик ва урбанизацион жараёнларини таҳлил этишда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аҳолининг турмуш даражаси, никоҳ, ажралиш, оилавий муносабатларнинг тадрижий тараққиёти билан боғлиқ ҳисобланади. Ўзбек оилаларида ажралиш ҳоллари жуда кам бўлиб, оила-никоҳ инсон ҳаётидаги энг муқаддас ижтимоий ҳодиса бўлиб, у жамият томонидан, ислом ақидалари, урф-одатлар, қадриятлар орқали жуда қадрланган. Никоҳнинг бекор этилиши эса қораланган. аҳоли сонини ўсиши, миллий таркибинини кўпайиши, мавжуд ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзини ўзгаришига кундалик эҳтиёжларини ошиб боришига олиб келади. Натижада, аҳолини ўсиши туфайли иқтисодий муаммолар, ички зиддиятлар ҳамда

ташқи табиий ва сиёсий жараёнлар ўз таъсирини ўтказиб, аҳоли сони билан боғлиқ ғояларни, сиёсий тортишувларни ва баҳсларни вужудга келишига олиб келади. Аҳоли сонининг ўсиши натижасида, ҳудудда жойлашиш, иш билан таъминлаш ва касбга муносабат масалалари мураккаблашиб, маълум маънода ички зиддиятларни пайдо бўлишига олиб келади. Ижтимоий-демографик ва урбанизацион жараёнларининг меҳнатга муносабат масаласи ҳамда аҳолининг касбий таълим йўналишида таркибий нуқтаи-назардан жойлашуви асосида меҳнатга яроқли аҳолини аниқлаш ва ишга жойлаштириш муҳим масала бўлиб ҳисоблансада, бунга эътибор берилмади. Ижтимоий-демографик ва урбанизацион жараёнлар аҳолини ўсиши билан боғлиқ меҳнат ресурсларини кўриб чиқишни, аҳолининг жинсий таркибини мунтазам кузатиб боришни ва тарихий таққослашни талаб этиб, илмий мушоҳадаларни ҳолисона баён этишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизни софлигини асраш - давр талаби" анжуманида сўзлаган нутқи. 2019 йил 15 июнь
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент, 1992 й. 6-бет (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. -Т.: 1992 Page 6)
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент, 1992 й. 7-бет (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. -Т.: 1992 Page 7)
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002, 3-жилд, 248-бет. (National Encyclopedia of Uzbekistan, 2002, Vol. 3, page 248.)
5. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила тарихий демографияси. Тошкент:1997, 27 бет. (Burieva MR Historical family demography in Uzbekistan. Tashkent: 1997, page 27.)
6. Материалии по районированию Средней Азии. Территория и населения Бухары и Хорезма. Кн. 1.-2.-Ташкент, 1926. Ч.1 Бухара хонства // МСТК, вып. V. СПб. Стр-10-11. (Articles by Region Rep. Territory and Heliopolis Bukhara and Khorezm. Th 1.-2.-Tashkent, 1926. Ch.1 Bukhara city // MSTK, vol. V. TSB. Pp. 10-11.)
7. Материалии по районированию Средней Азии. Территория и населения Бухары и Хорезма. Кн. 1.-2.-Ташкент, 1926. Ч.1 Бухара хонства // МСТК, вып. V. СПб. Стр-20-23. (Materials by Region of Asia. Territory and Heliopolis Bukhara and Khorezm. Th 1.-2.-Tashkent, 1926. Ch.1 Bukhara city // MSTK, vol. V. TSB. Pp. 20-23.)
8. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. Тошкент: Университет, 1997, 54-бет. Итоги Всесоюзной переписи населения 1970 года, VII том, М., Статистика, 1974, с. 226; Итоги Всесоюзной переписи населения 1989 года. Часть 1. (Ташкент: Госком по статистике. 1991, с. 4, 6, 8.) (Burieva MR Family demography in Uzbekistan. Tashkent: University Press, 1997, p. 54. Itogi Vesoyuznoy peeps Helsinki 1970 years, Volume VII, M., Statistics, 1974, p. 226; Itogi is the oldest son of 1989. Article 1. (Tashkent: State Statistical Committee, 1991, pp. 4, 6, 8)
9. Материалии по районированию Средней Азии. Территория и населения Бухары и Хорезма. Кн. 1.-2.-Ташкент, 1926. Ч.1 Бухара хонства // МСТК, вып. V. СПб. Стр-20-22. (Materials by Region of Asia. Territory and Heliopolis Bukhara and Khorezm. Th 1.-2.-Tashkent, 1926. Ch.1 Bukhara city // MSTK, vol. V. TSB. Pp. 20-22.)
10. Материалии по районированию Средней Азии. Территория и населения Бухары и Хорезма. Кн. 1.-2.-Ташкент, 1926. Ч.1 Бухара хонства // МСТК, вып. V. СПб. Стр-22-25 (Materials by District Reporter Srednews Asia. Territory and Heliopolis

Bukhara and Khorezm. Th 1.-2.-Tashkent, 1926. Ch.1 Bukhara city // MSTK, vol. V. TSB. Pp.22-25)

11. Материалии по районируваню Средней Азии. Территория и населения Бухары и Хорезма. Кн. 1.-2.-Ташкент, 1926. Ч.1 Бухара хонства // МСТК, вып. V. СПб. Стр-25-27. (Materials by Region Rep. Territory and Heliopolis Bukhara and Khorezm. Th 1.-2.-Tashkent, 1926. Ch.1 Bukhara city // MSTK, vol. V. TSB. Pp. 25-27.)

12. Веков А.Г. Семья глазами демография. -М: Знание, 1989. С-6. (Vekov AG The demographic of the semen. -M: Znanie, 1989. p.6)

13. Веков А.Г. Семья глазами демография. -М: Знание, 1989. с-13. (Vekov AG The demographic of the semen. M: Znanie, 1989.p.13)

14. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. -Тошкент: Университет: 1997, 63-бет. (Burieva MR Family demography in Uzbekistan. Tashkent: University: 1997, p. 63.)

15. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. -Тошкент: Университет: 1997, 74-бет. (Burieva MR Family demography in Uzbekistan. -Tashkent: University: 1997, page 74.)

16. Асфендиярова Г. О вреде раннего замужества - Медицинская мысль Узбекистана, (1927-1928 гг, с. 50). (Asfendiyarova and G. About the ranch - The medical example of Uzbekistan, (1927-1928, p. 50).)

17. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. -Тошкент: Университет, 1997, 76-бет. (Burieva MR Family demography in Uzbekistan. University of Tashkent; 1997, page 76.)

18. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. -Тошкент: Университет: 1997, 77-бет. (Burieva MR Family demography in Uzbekistan. -Tashkent: University: 1997.-P. 77.)

19. Народное хозяйство Узбекского ССР за 50 лет. -Тошкент: Узбекистан, 1974.-С. 27.(The cost of living in the Uzbek SSR for 50 years. -Tashkent: Uzbekistan, 1974. -P.27.)

20. Материалы по районируваню Средней Азии. Территория и населения Бухары и Хорезма. Кн. 1.-2.-Ташкент, 1926. Ч.1 Бухара хонства МСТК, вып. V. СПб. С-20.(Materials by District Rep. Sredny Asia. Territory and Heliopolis Bukhara and Khorezm. Th 1.-2.-Tashkent, 1926. Ch.1 Bukhara House STC, vol. V. TSB. Pp. 20)

21. Материалы по районируваню Средней Азии. Территория и населения Бухары и Хорезма. Кн. 1.-2.-Ташкент; 1926. Ч.1 Бухара хонства МСТК, вып. V, СПб. С-27.(Materials by Srednew Asia. Territory and Heliopolis Bukhara and Khorezm. Th 1.-2.-Tashkent; 1926. Ch.1 Bukhara House MSSC, vol. V, SPB. Page 27)

22. Салимов Х. Население Средней Азии. -Ташкент: Узбекистан, 1975. -С. 8 (Salimov H. AsiaUnited By: Asia. -Tashkent: Uzbekistan, 1975. -P.8)

23. Советкий Узбекистан за 40 лет, статистический сборник. -Ташкент: Узбекистан,1964.-С.12. (Soviet Uzbekistan for 40 years, static warehouse. -Tashkent: Uzbekistan, 1964. -P.12.)

24. Советкий Узбекистан за 40 лет, статистический сборник. -Ташкент: Узбекистан, 1964.-С.13. (Soviet Uzbekistan 40 years old, Statistical Store. -Tashkent: Uzbekistan, 1964. -P.13.)

25. Сурхондарё вилояти рақамларда.1991-2002 йиллар.Статистик тўплам.Термиз.2004.18-март.7-б. (Surkhondarya region in figures .1991-2002 years. Statistical stem. -Termez, 2004.18 march.7 p.)

26. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Из. Узбекистан. -Ташкент,

1974. -С.40. (Costume of Uzbek SSR for 50 years. FootprintUzbekistan. -Tashkent, 1974. -P. 40.)

27. Материалы по районированию Средней Азии. Территория и населения Бухары и Хорезма. Кн. 1.-2.-Ташкент,1926. Ч.1 Бухара ханства МСТК, вып. V,СПБ. -С. 36.(Articles by Region Reporter Sredny Asia. Territory and Heliopolis Bukhara and Khorezm. Th 1.-2.-Tashkent,1926. Ch.1 Bukhara House MSSC, vol. V, SPB. -P.36.)

28. Материалы по районированию Средней Азии. Территория и населения Бухары и Хорезма. Кн. 1.-2.-Ташкент,1926. Ч.1 Бухара хонства МСТК, вып. V,СПБ. - С.39.(Materials by Region of Sredniy Asia. Territory and Heliopolis Bukhara and Khorezm. Th 1.-2.-Tashkent, 1926. Ch.1 Bukhara House MSSC, vol. V, SPB. -P.39.)

29. Материалы по районированию Средней Азии. Территория и населения Бухары и Хорезма. Кн. 1.-2.-Ташкент, 1926. Ч.1 Бухара хонства МСТК, вып. V,СПБ. -С. 41.(Articles by District Reporter Srednei Asia. Territory and Heliopolis Bukhara and Khorezm. Th 1.-2.-Tashkent, 1926. Ch.1 Bukhara House MSSC, vol. V, SPB. -P.41.)


30. Материалы по районированию Средней Азии. Территория и населения Бухары и Хорезма. Кн. 1.-2.-Ташкент, 1926. Ч.1 Бухара хонства МСТК, вып. V,СПБ. -С. 43.(Articles by District Reporter Srednee Asia. Territory and Heliopolis Bukhara and Khorezm. Th 1.-2.-Tashkent, 1926. Ch.1 Bukhara House MSSC, vol. V, SPB. -P.43)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Холмўминов Хусан Эшмўминович,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси доценти

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ ХУДУДЛАРИДАГИ ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ (1946-1960 йиллар)

For citation: Husan E. Kholmuminov. Socio-economic and cultural life in the southern regions of Uzbekistan (1946-1960). 2019, vol. 24, issue 2, pp. 57-62

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24-08>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, пахтачилик саноатининг ривожланиши шароитидаги аҳоли демографик ҳолатларидаги муаммолар масалалари ўрганилди. Шунингдек, жанубий ҳудудларда саноат корхоналарининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолиятида кадрлар билан таъминланиш ҳолатида муаммолар масалалари илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: кўриқ ерлар, Жанубий Сурхон, Учқизил, Тўполанг сув омборлари, пахтачилик саноат комплекси, Қарши чўли, Сурхон-Шеробод чўли, демографик муаммолар, маҳаллий кадрлар, муаммолар.

Холмуминов Хусан Эшмуминович,
Термезский государственный университет
Доцент кафедры Всемирной истории

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И КУЛЬТУРНАЯ ЖИЗНЬ В ЮЖНЫХ РЕГИОНАХ УЗБЕКИСТАНА (1946-1960)

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуются проблемы демографического развития населения при освоении хлопковых полей в южных регионах Узбекистана. Также научно анализируются проблемы создания промышленных предприятий в южных регионах и кадрового обеспечения их деятельности.

Ключевые слова: освоение заповедников, Южный Сурхан, Учкизил, Туполангские водохранилища, хлопкопромышленный комплекс, Каршинская пустыня, Сурхан-Шерабадская пустыня, демографические проблемы, местные население.

Husan E. Kholmuminov,
Termez State University

Associate Professor of the Department of World History

SOCIO-ECONOMIC AND CULTURAL LIFE IN THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN (1946-1960)

ANNOTATION

This article explores the problems of the demographic development of the population in the development of cotton fields in the southern regions of Uzbekistan. It also scientifically analyzes the problems of creating industrial enterprises in the southern regions and staffing their activities.

Key words: development of reserves, South Surkhan, Uchkizil, Tupolang reservoirs, cotton industry complex, Karshi desert, Surkhan-Sherabad desert, demographic problems, local population.

Ўзбекистонда иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда мамлакат иқтисодийтини ривожлантириш борасида амалга оширилган тадбирлар асосан қўйидаги мақсадларга эришиш учун қаратилган эди: жумладан тез суръатлар билан ортиб бораётган меҳнат ресурсларидан кенгроқ фойдаланиш йўли билан республика қишлоқ хўжалигида хомашё ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек Ўзбекистонни совет ҳукумати пахтачилигининг асосий базаси сифатида ҳиссасини ошириш, ҳамда қишлоқ хўжалиги хизматларини республиканинг ўзида ривожлантириш, жумладан, минерал ўғитларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги (пахтачилик)га хизмат қиладиган машинасозлик саноатини ривожлантириш ва кенгайтиришдан иборат бўлган.

Шунингдек, 1950-60 йилларда асосий вазифалардан бири қишлоқ хўжалигини ҳамда саноатини қайта тиклаш ва уни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш ишлари бўлиб хисобланган. Бу йилларда аҳолини озиқ-овқат, ялпи саноат маҳсулотлари билан таъминлаш, бунинг учун ёқилғи, электр-энергия, малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларни халқ хўжалигидаги хизматини таъминлаш вазифаси турар эди [1, Б92-93]. Аммо, шунинг аҳолида таъкидлаш керакки, бу даврда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда мамлакатимиз аҳолисининг демографик ҳолатлари, миллий анъаналари ҳамда мавжуд муаммолар эътиборга олинмади. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир бўлган дастурлар марказдан ишлаб чиқилди. Республикада қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш Ўзбекистон иқтисоди истиқболининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди ва Ўзбекистон халқ хўжалиги "Пахта саноат комплекси" [2, Б.69] атрофида бирлашди.

Ўзбекистон саноатида етакчи ўринларда турган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам биз тадқиқ этаётган йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш борасида маълум ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қашқадарё

вилояти саноат соҳасини ривожлантириш ишлари 1950 йиллардан кейин сезиларли ривожланди. Дастлаб бир неча майда ҳунармандчилик корхоналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар ҳамда Шаҳрисабз пахта тозалаш корхонаси мавжуд бўлган бўлса-да, 1970 йиллардан бошлаб анча катта заҳирага эга бўлган нефть ва газ конлари фойдаланишга топширилиб, шу билан бир қаторда Қарши чўлида қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши тез суръатларда ўсди. 1986-90 йилларда табиий газ ва нефть қазиб чиқариш, газни қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати тез ривожланди. Шу давр ичида Муборак газни қайта ишлаш заводининг қуввати оширилди, Шўртангаз комплекси ишга туширилди. Китобда ипак йиғирув фабрикаси, Баҳористонда Қарши тикув фабрикасининг филиаллари фойдаланишга топширилди. Вилоятда 100 дан ортиқ йирик корхоналар мунтазам тарзда фаолият олиб борди. Ёқилғи саноати ишлаб чиқарилаётган барча ялпи маҳсулотнинг 40,9 фоизини, ишчи ва хизматчиларнинг 18,7 фоизини ва асосий ишлаб чиқариш жамғармаларининг 64,5 фоизини ташкил этган бўлса, 1970 йилда оғир саноатнинг улуши 31,7 фоизини, 1990 йилда бу кўрсаткич 52,3 фоизни ташкил этди[3, Б.54].

Аҳолининг ижтимоий таъминот масалаларини ижобий ҳал этиш мақсадида 1965 йилдан бошлаб, Бухоро-Қарши электр узаткичи, шунингдек "Қарши электр станция" лари қуриб битказилди[4,Б.17-18]. Гарчи бу рақамлар ҳозирги ўлчовга нисбатан олганда арзимас бўлиб кўринса-да, бироқ ушбу йилларда 62,8 квт.с. электр қуввати ишлаб чиқарилди, бу кўрсаткич ўз даврида катта ютуқ эди. 1970 йилга келиб, Қарши ва Сурхон воҳалари тўлиқ электрлаштирилди[5,Б.17-18]. 1970 йилларнинг бошларига келиб вилоят энергетикалари олдидаги энг муҳим муаммолар истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш, ўрнатилган электр станциялар қувватини ошириш, электр энергиясининг узатиш тармоқларининг мустақкамлигини ошириш соҳасида кенг кўламли ишлар олиб борилди.

Шунингдек, бу даврда Қашқадарё вилоятида ҳам ёқилғи саноатини ривожлантириш борасида ҳам маълум ўзгаришлар амалга оширилиб, 1965 йилда 164,2 млн. м.куб газ, 29 минг тонна нефть қазиб олинган бўлса, 1970 йили 3232 млн. м.куб. газ, 334 минг тонна нефть қазиб олинди[6, Б.14].

Ўзбекистон иқтисодиётида юқорида таъкидланганидек, Қашқадарё вилоятидаги саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа корхоналар муҳим ўрин тутган. Аммо ушбу корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи жамоа кучлари доимо ҳам маҳаллий миллат вакилларидан иборат бўлмаган. Чунки бу даврда саноат корхоналарида меҳнат қиладиган ишчилар асосан бошқа республикалардан шаҳарларга кўчириб келтирилган турли миллат вакиллари ташкил этар эди. Маҳаллий аҳолининг аксариат қисми эса асосан қишлоқ жойларда истиқомат қилиб, деҳқончилик ва чорвачилик ишлари билан банд бўлган.

Шунингдек, совет даврида маълумки, ишчи кучларини четдан жалб қилиш ишлари муттасил олиб борилган, оқибатда маҳаллий меҳнат ресурсларини иш жойлари билан таъминлаш тобора мураккаблашиб борган эди. Давлат ва бошқарув органлари, хўжалик ташкилотлари 60-йиллар охирида йирик корхоналар филиалларини, айрим цех ва бўлинмаларини аҳоли зич яшаётган, ортиқча иш кучига эга бўлган туманларда, катта қишлоқларда очишга ҳаракат қилган.

Сурхондарё вилоятида 1950 йиллардан қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳамда аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширила бошлади. Жумладан вилоятдаги Бешқўтон массивида, шунингдек Музработ, Истара чўллари ўзлаштириш борасида бир мунча ишлар амалга

оширилди. 1957 йили 165 минг кубометрли Учқизил сув омбори қуриб ишга туширилди. Шунингдек бу даврда Ўрта Осиёдаги йирик сув омборларидан бири 800 млн. кубометрли Жанубий Сурхон сув омбори ишга тушди. Сув омборидан Шеробод чўлларига қадар текислик ва қир-адирлар оралаб секундига 110 кубометр сув ўтказадиган 27 километрли магистрал канал ўтказилди[7, Б.461].

Бу даврда Сурхондарё вилоятида бир неча улкан сув омборларининг барпо этилиши натижасида ҳам аҳоли хўжалиklarини кўчириш ишлари жадал олиб борилди. Жумладан Жанубий Сурхон сув омборини барпо қилишда 8 та қишлоқ, яъни 680 хонадон Қумқўрғон туманидаги С. Бойматов жамоа хўжалигининг Ўғригузар массивига кўчирилди[8, Б.55]. Тўполанг сув омбори қурилишида эса 1 та қишлоқ аҳолиси кўчирилди. Чунки, Тўполанг сув омбори тоғ ёнбағрида (денгиз сатҳидан 880 метр баландликда) барпо қилинди. Деграз сув омборини қуришда 1 та Намуна Деграз қишлоғининг аҳолиси кўчирилди. Учқизил ва Оқтепа сув омборлари эса аҳоли манзилгоҳларидан ҳоли бўлган ерларда барпо қилинганлиги боис, аҳоли хўжалиklarини кўчириш ишлари олиб борилмаган[9, Б.56].

Барча амалга оширилган ишлар қаторида Шеробод чўлларида кўриқ ерларни ўзлаштирувчилар учун посёлкалар қуриш ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари олиб борилди. Бу борада 34,4 минг гектар ер ўзлаштирилиб, "Янгиобод", "Комсомолобод", "Советобод", "А.Набиев", "Ленин", "Охунбобоев" давлат хўжалиklари (совхозлар) ташкил этилди.

Советобод совхозига Термиз туман "Қизил юлдуз" колхозидан ҳамда Тожикистон Республикасининг "Колхозобод" туманидан 13 та оила хўжалиklари кўчириб келтирилди[10, Б.56].

Давлат хўжалик ишчилари учун 147 минг квадрат метр бўлган турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Сурхондарё вилоятининг 1958 йил 20 февралдаги "Кўчирилган хўжалиklarни уй-жой билан таъминлаш" тўғрисидаги 81- сонли қароридан келиб чиқиб, Ангор тумани халқ депутатлари Кенгашининг 1958 йил 8 мартдаги қарорига мувофиқ Ангор туманига 1957 йилда кўчиб келган шунингдек, 50 та хўжаликнинг 60 фоизи уй-жой билан таъминланди ҳамда уларга 300 сўмдан ссуда маблағи ажратилди[11, В3]. 1958 йил 25 июлда ана шу туманнинг "Қизил Юлдуз" жамоа хўжалигининг умумий йиғилиши қарори билан Бойсун туманининг Сайроб қишлоқ кенгашига қарашли "Ворошилов" номли жамоа хўжалигидан кўчирилган 28 хўжалик жамоа аъзоллигига қабул қилинди[12, Б.4]. Аммо таъкидлаш жоизки, бу ерларда яратилган шарт-шароитлар барча кўчирилган хўжалиklarнинг эҳтиёжини тўла қондириш имкониятини бермас эди.

Қашқадарё вилоятида 1976-1980 йилларда маҳаллий саноат тасарруфида жун кийимлар, пайпоқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва цехлар қурилди, мавжуд эски корхоналар қайта қурилиб, янги техника ва замонавий технологиялар билан жиҳозланди[13, Б.87]. Аммо қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, пахта тозалаш, консерва заводлари ва тикув фабрикаларида янги мосламалар ўрнатилиш борасидаги ишларда вилоятидаги айрим корхоналар мутасадди раҳбарларининг маъсулиятсизлиги оқибатида кўп ҳолатларда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати пасайишига олиб келинди. Бундай ҳолатларда оқибатида шаҳарлардаги корхоналар фаолиятининг бир маромда ўсишига салбий таъсир қилди. Малакали мутахассислар етишмовчилиги оқибатида саноат корхоналарига янги келтирилган тўқув дастгоҳларини турли баҳоналар билан ўрнатмаслик, зскича усулда ишлаш одат тусига кириб қолган эди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, совет ҳукуматининг бундай сиёсати давомида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, демографик ҳолатлари ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши "пахта" саноат комплексини кенг ривожлантирди. Республика халқ ҳўжалигининг кўпгина тармоқлари пахта ишлаб чиқариш ёки уни қайта ишлаш билан бевосита боғлиқ бўлди.

Мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида ушбу йилларда қўриқ ерларни ўзлаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда саноат корхоналарини барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари маълум даражада амалга оширилди. Аммо ташкил этилган саноат корхоналарида фаолият юритиш аксарият ҳолатларда бошқа миллат вакиллари ҳиссасига тўғри келар эди. Маҳаллий миллат вакиллари бундай ҳолатларда турли сабаб баҳоналар билан (тажрибасизлиги, уқувсизлиги) янги ташкил этилган корхоналарга ишга олинмас эди. Бошқача қилиб айтганимизда, ана шундай йўллар билан маҳаллий миллат кишиларидан малакали саноат ишчилари шакллантирилмади. Бундай ҳамкорлик оқибатида ва кўплаб кўчиб келувчилар сабабли бир томондан Ўзбекистонда миллий ишчи кадрлар тайёрланмаган бўлса, иккинчи томондан ушбу йилларда демографик жараёнларда ҳам муаммоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Холмуминов Х. Ўзбекистон жанубий ҳудудларида тарихий- демографик жараёнлар. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. -Б. 92-93 (Holmuminov H. Historical and demographic processes in the southern regions of Uzbekistan. - Tashkent: "Young Generation", 2011. -P.-92-93)
2. Джураев А. Восстановление и дальнейшее развитие хлопководства (1946-1953 гг). - Ташкент: Узбекистан, 1966.-С.69. (Juraev A. Restoration and further development of cotton growing (1946-1953). - T.: Uzbekistan, 1966;., P-69)
3. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1979 году. - Т.: Узбекистан, 1980. - С.54. (The national economy of the Uzbek SSR in 1979. - T.: Uzbekistan, 1980. -P.54.)
4. Тўхтаев А. Сурхондарё вилоятини электрлаштириш тарихидан (1946-1960 йиллар). М. Улуғбекнинг 600 йиллиги муносабати билан профессор-ўқитувчиларнинг биринчи илмий-назарий конференцияси. - Термиз, 1994 й. 17-18 бетлар. (Tukhtayev A. The electrification of Surkhondarya region (1946-1960 yy). M. The first scientific and theoretical conference of professors and teachers, devoted to the 600th anniversary of Ulugbek. - Termez, 1994. Pages 17-18.)
5. Тўхтаев А. Сурхондарё вилоятини электрлаштириш тарихидан (1946-1960 йиллар). М. Улуғбекнинг 600 йиллиги муносабати билан проф-ўқитувчиларнинг биринчи илмий-назарий конференцияси. - Термиз, 1994 й. 17-18 бетлар. (4. Tukhtayev A. The electrification of Surkhondarya region (1946-1960 yy). M. The first scientific and theoretical conference of professors and teachers, devoted to the 600th anniversary of Ulugbek. - Termez, 1994. Pages 17-18.)
6. Чориев А., Очилов М. Қашқадарё области. - Т.: Ўзбекистон, 1974.. 14-бет. (Choriev A., Ochilov M. Kashkadarya region. - T.: Uzbekistan, 1974 .-P.14)
7. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Очерклар. IX китоб. -Т.: Ўзбекистон, 1980. 461-бет. (History of collective and state farms in Uzbekistan. Essays. Book IX. -T.: Uzbekistan, 1980. -P.461)
8. Рўзиев А.Н., Мирзаев Ш.П., Бораталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва

агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. - Сурхондарё вилояти матбуот бошқармаси "Жайхун" нашриёти, 1997. 55-бет. (Ruziev AN, Mirzaev Sh.P., Borataliev U. Problems of development of Surkhandarya canal and mass agriculture. - Surkhandarya Region Press Release, "Jayhoon" Publishing House, 1997. p.55)

9. Рўзиев А.Н., Мирзаев Ш.П., Бораталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. - Сурхондарё вилояти матбуот бошқармаси "Жайхун" нашриёти, 1997. 56-бет (Ruziev AN, Mirzaev Sh.P., Borataliev U. Problems of development of Surkhandarya canal and mass agriculture. - Surkhandarya Region Press Release, "Jayhoon" Publishing House, 1997. p.56)

10. Рўзиев А.Н., Мирзаев Ш.П., Бораталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. - Сурхондарё вилояти матбуот бошқармаси "Жайхун" нашриёти, 1997. 56-бет (Ruziev AN, Mirzaev Sh.P., Borataliev U. Problems of development of Surkhandarya canal and mass agriculture. - Surkhandarya Region Press Release, "Jayhoon" Publishing House, 1997. p.56)

11. Сурхондарё вилояти ДА. 474- фонд, 1- рўйхат, 68- иш, 3-варақ. (Surkhandarya Province State Archives. Fund 474, list 1, 68, page 3)

12. Сурхондарё вилояти ДА. 474- фонд, 1- рўйхат, 68- иш, 4-варақ. (Surkhandarya Province State Archives. Fund 474, list 1, 68, page 4)


13. Сурхондарё вилояти ДА. 474- фонд, 1- рўйхат, 68- иш. 87-варақ. (Surkhandarya Province State Archives. Fund 474, list 1, 68, page 87)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Холмўминов Хусан Эшмуминович,
Термиз давлат университети Тарих факултети ўқитувчиси
тарих фанлари номзоди, доцент
Эшмўминов Озодбек Зиёдулла ўғли,
Термиз давлат университети тарих факультети

ЎЗБЕК УРУҒЛАРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ (қўнғирот уруғи мисолида)

For citation: Husan E. Kholmuminov, Ozodbek Z. Eshmuminov. A glance at the history of material culture of the uzbek people (for example, kongirat seeds). 2019, vol. 24, issue 2, pp. 63-68

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24-09>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XIX аср охири - XX асрнинг биринчи Ўзбекистоннинг жанубий воҳаларидаги истиқомат қилган ўзбек уруғлари моддий маданияти ҳамда уларнинг этник жойлашуви масалалари илмий таҳлил этилган. Шунингдек, ўзбек уруғларининг энг катта бош бўғинларидан бири ҳисобланган қўнғирот уруғлари ижтимоий тарихи хусусида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, жанубий воҳалардаги ҳалқ оғзаки ижоди дostonчилик мактаблари фаолияти тарихи хусусида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: этнография, Амударё, Термиз, Шеробод беклиги, қўнғиротлар, моддий маданият, дostonчилик, халқ оғзаки ижоди, Алпомиш, Гўрўғли, Шеробод, Шаҳрисабз дostonчилик мактаблари.

Холмуминов Хусан Эшмуминович,
Преподаватель исторического факультета
Термезского государственного университета,
кандидат исторических наук, доцент
Эшмуминов Озодбек Зиёдулла углы
Исторический факультет
Термезского государственного университета

ИСТОРИЯ МАТЕРИАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ УЗБЕКСКИХ ПЛЕМЁН (на примере родня кунгират)

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется материальная культура этнических узбеков, проживающих в южном оазисе Узбекистана в конце 19 - начале 20 веков, и их этническое положение. Он также предоставляет информацию о социальной истории семян кенгуру, который является одним из крупнейших родов узбеков. Он также предоставляет информацию об истории фольклорных школ в южном оазисе.

Ключевые слова: этнография, Амударья, Термез, Шерабадский вокзал, Звонки, Материальная культура, Поэзия, Фольклор, Альпомиш, Горгого, Шерабад, Шахрисабзские поэтические школы.

Husan E.Kholmuminov,

Lecturer in the Faculty of History,
Termez State University,
Candidate of Historical Sciences,
Associate Professor

Ozodbek Z.Eshmuminov,

The History faculty of Termez state university

HISTORY OF MATERIAL CULTURE OF UZBEK TRIBES (on the example of kungirat relatives)

ANNOTATION

Anatomy This article analyzes the material culture of ethnic Uzbeks living in the southern oasis of Uzbekistan in the late 19th and early 20th centuries and their ethnic location. It also provides information on the social history of the kangaroo seeds, which is one of the largest genera of Uzbeks. It also provides information on the history of folklore schools in southern oasis.

Key words: Ethnography, Amudarya, Termez, Sherabad Station, Calls, Material Culture, Poetry, Folklore, Alpomish, Gorgogo, Sherabad, Shakhrisabz poetry schools.

Маълумки, мамлакатимизнинг жануб гавҳари ҳисобланган Сурхон воҳаси ўзига хос "этнографик макон" ҳисобланиб, айнан бу ерда турли маданиятлар, ҳўжалик турмуш тарзи, хилма-хил этнослар ва этнографик гуруҳларга хос миллий анъаналарнинг уйғунлашуви, жараёнлар ўзига хос аҳамият касб этади. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан барча соҳаларда бўлгани сингари маънавий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгариш ва янгиланишлар юз бера бошлади. Айниқса муаззам тарихимиз янада чуқурроқ ўрганиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек "Маънавият-бизнинг энг таъсирчан ва қудратли қуролимизга айланди"[1, Б.54].

Айнан мазкур уйғунлик шаклланишида ўзбек халқи таркибидаги йирик этник компонентлардан бири қўнғиротларга хос хусусиятлар бирмунча устувор аҳамият касб этади. Хусусан, ўзбек халқига хос халқона соддалик, меҳмондўстлик, жасурлик, бағрикенглик, сўз ва иш бирлиги, феъл-атворида аниқлик ва лўндалик

каби хусусиятлар билан бирга жўшқин мусиқа ва рақсга бўлган қизиқиш минтақа қўнғиротларининг кундалик турмуш тарзи ҳамда маданиятида устунлик қилади. Қўнғирот элининг ўзига хос маданияти намунаси ҳисобланган бахшичилик санъати халқ оғзаки ижодининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб бугунги кунда дунё миқёсида катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ўзбек халқининг бундай ноёб санъат турини янада ривожлантириш борасида халқаро даражадаги бахшичилик фестивалларининг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Жумладан 2019 йил апрел ойида муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Термиз шаҳрида халқаро миқёсда ўтказилган "Халқаро бахшичилик фестивалининг тантанали очилиш маросимида сўзлаган маърузасида: "Бахши - шоирлар ўз халқининг бийрон тилидир. Улар юртимизда доимо "Бахшили эл - яхшили эл" деб улуғланган. Бугун биз Ёдгор бахши ва Тилла кампир, Шерна бахши ва Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош ва Пулкан шоир, Ислон шоир ва Абдулла шоир, Қодир бахши, Шоберди бахши каби достончиларнинг номларини эҳтиром билан тилга оламиз. Уларнинг ноёб қобилияти, юксак маҳорати туфайли Алпомиш бор салобати ва нафосати билан яшаб келмоқда" [2] дея таъкидлаган сўзлари Сурхон воҳасида азалдан истиқомад қилиб келаётган қўнғирот эли нақадар буюк маънавий меросга эга эканлигидан далолат беради.

Бахши ва достон сўзлари моҳиятан олиб қаралганда эгизак сўзлар, уларнинг бирдан иккинчисини ажратиб бўлмаганидек, ушбу сўзлар мазмунан ҳам бир-бирини тўлдириб туради. Бахши (bahsi, baqsi) сўзи луғатларда туркий сўз бўлиб, мураббий ва муаллим маъноларини англатади, умуман, тарбиячи, етакчи, йўлбошчи каби талқинлар ҳам унда мужассам. Достон атамаси кенг қамравлидир, муайян мазмунли тизимга эга назм ва насрдан ташкил топган катта ҳажмли асар, қаҳрамонлар силсиласи, воқеалар ҳалқаси узвийлиги ва ўзаро ҳамоҳанг боғланиши билан диққатлидир. Демак бахши ва достон ёки бахшичилик ва достончилик атамалари уйқаш маъноларни талқин этиб, эл ҳурматига сазовор бахши ҳамда эл қалбига етиб борган достон тарзида олқишлар оламида устувор мақом эгаллаган. Қолаверса, ноёб халқ оғзаки ижоди намуналарини ўзида мужассам қилиб келаётган маҳаллий достончилик мактаблари ва бахшичилик анъаналари "қўнғирот эли"да кенг тарқалган[3,Б.24]. Шу жиҳатдан олиб қарасак, қўнғирот уруғи тарихини ўрганиш ҳам бугунги кунда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Бу борда атоқли этнограф олим Б.Х, Кармишеванинг олиб борган тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади[4,Б.324]. Унинг тадқиқотлари асосида Жанубий Тожикистон ҳамда Ўзбекистон ҳудудларида истиқомад қилувчи аҳолининг этник таркиби ҳамда ўзига хос моддий маданияти масалалари илмий таҳлил этиб берилган.

Ўзбекистон жанубий ҳудудларида истиқомад қилувчи уруғлар моддий маданияти ва ижтимоий турмуш тарзини илмий таҳлил этиш мобайнида уларнинг ижтимоий турмуш тарзига доир кўплаб маълумотлар ўрганилган. Сурхон воҳасидаги достончилик мактаблари ҳақидаги дастлабки маълумотлар сайёҳ олим Е.Ф.Калнинг кундалик дафтарида қайд этилган. У 1890 йилда Термиз яқинидаги Солиҳобод қишлоғига келиб тўхтаганида айинли уруғидан бўлган Омонназар бахши унга уч соат тўхтовсиз дўмбира жўрлигида достон куйлаб берган. Е.Ф.Калнинг кундаликларини ўрганган фольклоршунос олим Х.Зарифовнинг таъкидлашича, Омонназар бахши куйлаган достон "Алпомиш" бўлганлигини келтириб ўтган[5,Б.110].

Ўзбек халқ оғзаки ижоди достончилик тарихини ўрганишга доир яна бир

экспедициянинг фаол тадқиқотчилардан бири ҳам Х.Зарифов эди. У 1929 йилда Жанубий Ўзбекистон воҳасида ўтказилган этнолингвистик экспедиция аъзолари билан биргаликда қашқадарёлик Хидир, Бойсари, Ражаб шоир ва унинг шогирди Абдулла шоир Нурали ўғли, бойсунлик Холёр Абдукарим ўғли каби халқ бахшиларини аниқлаб, уларнинг репертуарлари билан танишди ва айрим дostonларни ёзиб олди[6,Б.78]. Бундай экспедициялар бир неча бор ўтказилган. Шулардан яна бири 1945 - йилда Сурхондарёда фольклор - этнографик экспедициясидир. Фольклоршунос М.Афзалов "Ўзбек халқ шоирлари" мақоласида экспедиция ҳақида ахборот бериб, Шеробод дostonчилиқ мактаби, унинг устоз - шогирдлиқ анъаналари ҳақида қимматли маълумотларни фанга етказди.

XIX аср охири - XX асрнинг биринчи ярмида воҳа аҳолиси этник таркиби ранг-баранг бўлиб, аҳолининг асосий қисмини ўтроқ ўзбек ва тожиклар билан бирга қарлуқ, турк, барлос, қўнғирот, дўрмон, қатагон, юз, кенагас, каби этник гуруҳлар ташкил қилган[7,Б.22].

Қўнғиротлар тарихига эътибор қаратсак, улар йирик қадимий туркий уруғларидан бири ҳисобланади. XX аср бошида қўнғиротлар ўзбеклар таркибида 1346000 кишини ташкил қилиб, асосан, Жанубий Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари, Зарафшон водийсида, Мирзачўл,Хоразм ва қисман шимолий Афғонистонда яшаганлар[8,Б.656]. Шунингдек улар қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, бошқирд, нўғой ва қатор бошқа туркий халқлар таркибига ҳам кирганлар.

XIV-XV асрлар давомида қўнғиротларнинг айрим гуруҳлари Шеробод, Ҳисор водийларига, Хуросонга ва шимолий Афғонистонга кўчишган. Хоразм воҳаси худудига кўчиб ўтган қўнғиротлар кейинчалик Хоразмнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишган. XVIII асрнинг иккинчи ярми - XIX асрнинг бошларида Хива хонлигини ўзбек-қўнғиротлар сулоласи бошқаришган[9,Б.656].

Бухоро хонлигида яшаган қўнғиротларнинг шажараси ҳақидаги маълумотлар Б.Х.Кармишева асарида ҳам келтирилган. Асарда қўнғиротларнинг шажара жадвали берилган бўлиб, мазкур жадвалда бу қабиланing бешта катта уруғдан: вахтамғали, қўштамғали, қонжиғали, ойинли ва тортувлидан иборат эканлиги кўрсатилади. Қўнғиротларнинг орасида энг катта гуруҳ вахтамғали, у 18 та катта уруғга бўлиниб: очамайли, баймоқли, тароқли, чанчиқли, қозоёқли, чўмичли, қайчили, ишқили, қийғочли, жилонтамғали, болғаш, қорақўнғирот, бўғажили, ўювли, ҳандақли, ирғоқли, абокли, кесовли уруғлари келтириб ўтилган[10,Б.324].

Қўштамғали 16 катта уруғга: тулланғит, тиловмат, қорақасмоқ, кал, бармоқ, кўлоби, саврибузар, замбури, кўса, ўтроқли, кўчахўр, бандикучук, оқпичоқ, чол, мавлаш ва қорақалпоқларга бўлинади. Қорақасмоқлар беш уруғ: жобиқ, қорақасмоқ-холбег (асли халқбеги), галаботир, қинғир, бегмат, ханжар, гўжа уруғларидан: Сари (бароқ), қорақасмоқ-чинакараки, чоржетим, тошбош, бешқўрик уруғларидан: сариқ қорақасмоқ, кийикчи, нок, наямас, оққаллапўш уруғларидан ташкил топади.

Қонжиғали 14 та: улус, чўллик, қуюн, қорағурсоқ, молтака, қўлдовли, қорабура, дўска, тўпқора, кўртўғай, нўғой, жилкиллак, гала ва қора уруғларга бўлинади.

Ойинлилар 12 та:ойтамға, чурон, качай, бешбола, ҳожибачча, оқтона, тупор, кал, қовға, туркман, қорақлпоқ, қора уруғларига бўлинади[11,Б.244].

Толртувли бта уруққа бўлинган: тўғиз, мўнка, обоқли, майдатўба, ўр, чўпоқ[12,Б.31].

Қўнғиротларнинг XX асрнинг ўрталарига қадар жойлашган худудлари борасида тўхталсак вахтамғали кўпроқ Шеробод воҳаси, Сурхоннинг қуйи оқими, Амударё

водийси ва Термиз атрофида, Қоратоғдарё ҳавзасида Шерободдарёнинг ўрта оқими ҳамда Кўхитанг тизмасининг шарқий ён бағирларида бир қатор қишлоқларда Кўхитанг ҳатакилари уларни қир ўзбеклари ёки оддийгина қилиб қирлар деб [13,Б.160] аташган.

Қўштамғалилар Шерободдарёнинг ўрта оқими (Калламосор қишлоғи) Киркаш дарёси ҳавзаси ва Хомконда, Кичик ва катта Ўрадарё ҳавзаларида, шунингдек, Шеробод воҳаси Кўхитанг шимолий қисмидаги Шўроб, Чакчак довони яқинидаги Мавлиш ва ҳозирги Олтисой тумани ҳудудларида ўрнашганлар. Қоражигали уруғи Шеробод воҳасидан Жарқўрғонгача, шунингдек Сурхондарёдан то Боботоғ тизмасигача, Термиз атрофидан Деҳқонобод тумани ҳудудидаги (Қашқадарё воҳаси) бўлган ҳудудида тарқалишган. Ойинлилар кўпроқ Шеробод воҳасида, Кўхитангдарё ҳавзасининг ғарбий қисмида, Қашқадарё вилоятининг жануби-шарқида, Кўхитанг тизмасининг шарқий ёнбағирларида тарқалганлар. Тортувлилар асосан собиқ Бойсун беклиги, яъни ғарбда Шерободдарё (Дарбанд) дан шарқда Сурхондарё (Қумқўрғон)гача, шимолдаги Ҳалқаёр дарёси водийсидан то Шеробод беклигигача бўлган ҳудудда тарқалган.

Таъкидлаш жоизки, буларнинг барчаси қўнғиротлар ўзбек халқининг ажралмас қисми бўлиши билан бирга умумўзбек маданиятида ўзига хос ўрнига эгалигидан далолат беради.

Фойдаланган адабиёт ва манбалар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. - 54 б. (Mirziyoev Sh.M. Together we will build a free and prosperous democratic Uzbekistan. - Tashkent: Uzbekistan, 2016. - 54 p.)
2. Сурхон воҳасида бахшичилик фестивали. Сурхон тонгги 2019 йил 07. 04. №213. (Holiday festival in Surkhan oasis. Surkhon Morning 2019 07. 04. No.213)
3. Турсунов С.Н. Сурхон воҳаси моддий маданияти. Тошкент. Шарқ нашриёти, 2017 йил. 24-Б (Tursunov S.N. Material culture of Surkhan oasis. Tashkent. Oriental Publishing, 2017. -P.24)
4. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. - М.: Наука, 1976. - 324 с. (Karmysheva B.Kh. Essays on the ethnic history of the southern regions of Tajikistan and Uzbekistan. - М.: Nauka, 1976. - P.324)
5. Зарофов Х.Т. К изучения узбекского народного эпоса. //Вопросы изучения эпоса народов СССР - М. 1958. с - 110.(Zarofov Kh. T. To the study of the Uzbek folk epos. // Questions of studying the epic of the peoples of the CCC - М. 1958. p. - 110)
6. Зарифов Х.Т. Ўзбек фольклори. Педагогика институтлари учун хрестоматия. -Тошкент: Ўқитувчи, 1967. -Б.78 (Zarifov X. T. Uzbek folklore. Hrestomatics for Pedagogical Institutes. 1967.-P.78)
7. Қурбонов А. Шимолий Сурхон воҳаси аҳолиси моддий маданияти. -Т., 2014 йил.Б 22 (Kurbonov A. Material culture of the residents of the northern Surkhan oasis. -Т., 2014.P.22)
8. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10 том. - Т.: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2005. - 656 б. (The National Encyclopedia of Uzbekistan. 10 p.m. - Т.: State Scientific Publishing House of Uzbekistan, 2005. - 656 p.)
9. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10 том. - Тошкент: ЎзМЭ Давлат

илмий нашриёти, 2005. - 656 б (The National Encyclopedia of Uzbekistan. 10 p.m. - Tashkent: State Scientific Publishing House of Uzbekistan, 2005. - 656 p.)

10. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. - Москва: Наука, 1976. - 324 с. (Karmysheva B.Kh. Essays on the ethnic history of the southern regions of Tajikistan and Uzbekistan. - Moskva: Nauka, 1976 . -P.324)

11. Бўриев О, Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. - Самарқанд, 2008. - 244 б. (Buriev O, Usmanov M. Uzbeks: Ethnic history and ethno-cultural processes. - Samarkand, 2008. - 244 p)

12. Қурбонов А. Шимолий Сурхон воҳаси этнографияси (XIX аср охири - XX асрнинг биринчи ярми). -Тошкент: "Янги нашр",2014.б-31 (А.Kurbanov. Ethnography of the northern Surkhan oasis (late 19th - first half of 20th century). - Tashkent: New Edition, 2014. p-31)


13. Қурбонов. А. Шимолий Сурхон воҳаси этнографияси. -Тошкент: Янги нашр, 2014.-Б.160. (Kurbanov. A. Ethnography of the northern Surkhan oasis. -Tashkent: New Edition, 2014. -P.160)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Хўжаназаров Абсалом Зиядуллаевич,
Алламуратов Шухрат Ашурович,
Термиз давлат университети катта ўқитувчилари

ТИББИЁТГА НАЗАР: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

For citation: Absalom Z. Khuzhanazarov, Shukhrat A. Allamuratov. Look at medicine attention: problems and solutions. 2019, vol. 24, issue 2, pp. 69-75

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24-10>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизда тиббиёт тарихига оид тарихий маълумотлар ва илмий хулосалар баён этилган. Тиббиёт соҳасидаги мавжуд муаммоларнинг охиригача уч йил мобайнида амалга оширилган ислохотлар натижасида ўз ечимини топаётганлиги каби масалалар таҳлил этиб берилган.

Калит сўзлар: тиббиёт соҳаси, соғлиқни сақлаш тизими, камчилик ва муаммолар, фармон, қарор, концепция, халқаро амалиёт, туб ислохотлар, тизимни бошқариш.

Хужаназаров Абсалом Зиядуллаевич,
Алламуратов Шухрат Ашурович,
старший преподаватели
Термезского государственного университета

ВЗГЛЯД НА МЕДИЦИНУ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены исторические данные и научные выводы, касающиеся истории медицины в нашей стране. Анализ текущих проблем в области медицины в результате реформ, осуществленных за последние три года.

Ключевые слова: медицина, система здравоохранения, недостатки и проблемы, указ, решение, концепция, международная практика, радикальная реформа, системное управление.

Absalom Z. Khuzhanazarov,
Shukhrat A. Allamuratov,

Senior Lecturers Termez State University

LOOK AT MEDICINE ATTENTION: PROBLEMS AND SOLUTIONS

ANNOTATION

This article presents historical data and scientific conclusions regarding the history of medicine in our country. Analysis of current problems in the medical field as a result of the reforms implemented over the last three years.

Keywords: medicine, health care system, shortcomings and problems, decree, decision, concept, international practice, radical reform, system management.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йилда мамлакатимиз парламенти - Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида соғлиқни сақлаш тизимида, миллатимиз генофондини сақлаш мақсадида тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги айтиб ўтилди[1]. Давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, муаммоларини самарали ҳал этиш борасидаги ишларни изчил давом эттириш заруратида эътибор қаратилиб, бу бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини тубдан оширишга, соғлиқни сақлаш давлат тизимининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга, тиббиёт муассасаларининг ресурслар салоҳиятини яхшилашга қаратилган соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлашнинг миллий тизимини жадал ривожлантириш ишларини тизимли ва сифатли ташкил этиш учун умумий амалиёт врачларининг, патронаж тиббиёт ҳамшираларининг, қишлоқ врачлик пунктлари, шошилиш ва тез тиббий ёрдам хизмати, шу билан бирга, мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарур бўлган шароитда тиббиёт соҳасини бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш масалалари давлатнинг диққат марказида турибди. Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Ўтган даврда соғлиқни сақлаш тизимида эришилган ижобий натижалар билан бирга, ечимини кутаётган камчилик ва муаммолар мавжудлиги соҳа ривожига катта салбий таъсир кўрсатиб келмоқда эди. Хусусан: биринчидан, соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш ва режалаштириш бўйича концепция ҳамда стратегик мақсадларнинг мавжуд эмаслиги оқибатида ушбу соҳадаги ислоҳотлар тўлиқ бўлмаган шаклда амалга оширилмоқда, бу эса аҳолининг тиббий ёрдам сифатига доир истак ва талабларига жавоб берадими; иккинчидан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги сметали молиялаштириш тизими эскирган, замонавий халқаро амалиётга мос келмайдиган механизмларга асосланган бўлиб, молия ресурсларининг самарасиз ишлатилишига ва соҳанинг сурункали тарзда молиялаштирилмай қолишига олиб келмоқда; учинчидан, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, патронаж ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлиги фуқароларнинг

ихтисослашган тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилишининг кўпайишига сабаб бўлмоқда; тўртинчидан, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли даражалари ва босқичлари, шу жумладан, даволаш ва саломатликни тиклаш жараёнида узвийлик сушт ривожланган; бешинчидан, амалдаги кадрлар сиёсати тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча даражаларида, айниқса, бирламчи бўғинда мутахассислар билан таъминлашнинг, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими ташкилотчилари ва бошқарув ходимларини тайёрлашнинг истиқболларини прогнозлаштириш имконини бермаяпти; олтинчидан, тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан интеграцияси сустиги ихтисослаштирилган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги билан биргаликда замонавий тиббиёт ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этишга салбий таъсир кўрсатмоқда; еттинчидан, электрон соғлиқни сақлаш соҳасида ягона стандартлар мавжуд эмас, тиббий хизматнинг интеграциясини ва самарали бошқарилишини таъминлайдиган замонавий дастурий маҳсулотлар жорий этилмаган, мавжуд ахборот тизимлари ва технологиялари тарқоқ тусга эга ва тор йўналишларга мўлжалланган[2].

Дарҳақиқат, кейинги уч йил ичида мамлакатимизда жамиятимизнинг барча соҳалари каби соғлиқни сақлаш тизимида туб ислохотлар амалга оширилиб, соғлиқни сақлаш соҳасини ислох этиш бўйича 170 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу жараёнда халқимизга кўрсатилаётган тиббий-профилактика, патронаж ёрдами янада яхшилаш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам ҳамда ихтисослашган тиббий ёрдам сифатини ошириш, аҳолини арзони ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш, хусусий тиббиётни ривожлантириш борасида муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирлар тўғрисида"ги фармони мамлакатимиз тиббиёти тараққиётида янги даврни бошлаб берди, десак ҳеч ҳам муболаға бўлмайди. Фармон билан 2019 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чоратадбирлари дастури тасдиқланди.

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. Касалликларнинг ва кўпчилик ҳолларда бевақт ўлим ва ногиронликка олиб келадиган вазиятларнинг олдини олиш ва уларни даволаш натижаларини яхшилаш орқали кутилаётган умр кўриш даврини ошириш.

2. Тиббий ёрдамдан тенг фойдаланишни, аҳолини молиявий жиҳатдан ҳимоя қилишни ва ресурсларни адолатли тақсимлашни таъминлаш учун соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини ислох қилиш.

3. Концепция вазифаларини бажариш ва республика аҳолисига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун соғлиқни сақлашнинг бошқарув органлари салоҳиятини кучайтириш, уларнинг раҳбарлари роли ва жавобгарлигини ошириш[2].

Буларнинг барчаси бирламчи тиббий санитария ҳамда шошилишч ва тез ёрдам бўғинидан тортиб, юқори тузилмаларигача иш фаолиятини ташкил этишда асосий эътиборни инсон омилига йўналтириш, тиббий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини халқаро мезонлар даражасига етказиш борасида янги имкониятлар яратиш бермоқда.

Мазкур ислоҳотлар борасида Президентимиз Ш.Мирзиёев шундай таъкидлайди: "Мамлакатимизда туб янгиликларни аввало ижтимоий ҳаётимизнинг энг муҳим йўналишлари бўлмиш тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишдан бошлаганимиз бежиз эмас. Чунки тинчлик ва соғлиқ - бу ҳар бир инсон, бутун аҳолимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодирлигини ҳаммамиз яхши англаймиз"[3].

Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида мувофиқ аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди[2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий органларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, аҳолига сифатли ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлашда, шу жумладан, давлат томонидан кафолатланган ҳажмларда, Вазирликнинг органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг роли ва масъулиятини оширишга йўналтирилган фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; демографик ўзгаришлар ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш истиқболларини прогнозлаш, аҳолининг саломатлиги ва касалланиши ҳолатини комплекс таҳлил қилиш; жамоат соғлиғини сақлаш устуворлигини, касалликларни профилактика қилиш ва олдини олиш, патронаж хизмати ва фуқароларни уйма-уй юриб кўриб чиқиш, аҳолини соғлом турмуш тарзини кечиришга ундаш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, энг аввало, ўз соғлиғи ва атрофидагилар соғлиғини муҳофаза қилишга масъулият руҳида тарбиялашни таъминлаш; соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, ҳаёт сифати ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг соғлиғини сақлаш ва санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқиш; ҳам тиббий ёрдамни хизмат кўрсатилаётган аҳолига яқинлаштириш, ҳам ахборот технологияларини (телетиббиёт), медицина стандартларини, протоколлар ва тавсияларни кенг миқёсда жорий этиш ҳамда етакчи хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг тажрибасини минтақавий тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ходимларига бериш орқали аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитар, шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифати, оммабоплиги ва тезкорлигини ошириш; дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар муомаласини давлат томонидан тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга рухсат этилган асбоб-ускуналарни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш; ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахсларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини

такомиллаштириш, уларни даволашни, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактик тадбирларни кенгайтириш, даволанишнинг замонавий услубларини қамраб олиш ва қўллаш йўли билан тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш; тиббий таълим муассасалари, олий ўқув юртидан кейинги таълим ва соғлиқни сақлаш мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш устидан услубий раҳбарликни таъминлаш орқали тиббий кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш; маҳаллий тажрибани ва энг яхши жаҳон ютуқларини уйғунлаштириш асосида тиббиёт фанини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва прогнозлаштириш, илмий тиббий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, соғлиқни сақлаш амалиётига фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани жорий этиш; соғлиқни сақлаш тизимида ягона ташкилий-услубий раҳбарлик қилишни ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати назорат қилинишини таъминлайдиган, замонавий, халқаро амалиётда синалган соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш усулларини жорий қилиш режалаштирилди[4].

Чунончи, амалга оширилаётган ислохотлар самараси, бугунги кунда соҳани молиялаштириш ҳажми бир неча баробарга оширилди. Масалан, 2017 йилда соҳага 7,1 триллион сўм йўналтирилган бўлса, 2019 йилда соҳага 12,1 триллион сўм йўналтирилди. Шунингдек, дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт объектларини қурилиш-таъмирлаш ишларига ажратилаётган маблағлар миқдори 3 баробарга ортди. Кейинги йилларда мамлакатимизда профилактик тиббиётни ривожлантиришга эътибор тобора кучаймоқда. Айни пайтда халқимизга бу йўналишда 1793 та амбулатория-поликлиника муассасалари, жумладан, 817 та қишлоқ врачлик пунктлари, 798 та қишлоқ оилавий поликлиникалар, 178 та шаҳар оилавий поликлиникалар хизмат кўрсатаёпти[5, Б.168-172].

Тиббиётнинг бирламчи тизимини мақбуллаштириш ишлари натижасида 798 та қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил қилиниб, уларда аёллар маслаҳатхоналари, қизлар саломатлиги хоналари, тез ёрдам шохобчалари ва ижтимоий дорихоналар, энг муҳими, 5 та тор соҳа мутахассисларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Тиббий патронаж хизмати замон талабидан келиб чиқиб такомиллашмоқда[6, Б.176-180].

Бу ўринда яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада сўнгги уч йилда қўшимча аллергология, онкология, нефрология ва буйрак трансплантацияси, неврология ва инсульт, травматология ва ортопедия ҳамда нейрохирургия каби қатор йўналишларда тиббиёт марказлари фаолияти ташкил этилиши ҳисобига аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатаётган тиббиёт марказлар сони 16тага етди. Ҳудудларда 310 та ихтисослашган бўлимлар, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 14 та филиаллари ташкил қилинди[7, Б.232-242].

Албатта, сўнгги уч йилда 1300 дан ортиқ даволаш муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги ва биргина 2019 йилнинг ўзида соҳага 130 миллион доллар миқдорида инвестициялар жалб этилгани, тиббиёт масканлари 100 миллион доллар миқдоридаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани, халқимиз саломатлиги йўлида қилинган ишларнинг мезон ва миқёсини кўрсатиб турибди. Шунингдек, юртимизда кейинги йилларда хусусий тиббиёт ривожини учун кенг имкониятлар яратилди. Натижада бугунга келиб бу йўналишда фаолият юритаётган шифохоналар сони 5300 дан ошди.

Мамлакатимизда Россия, АҚШ, Германия, Хиндистон, Туркия каби қатор ҳорижий давлатларнинг 100 дан ортиқ замонавий клиникаларни ташкил этилди[8].

Соҳадаги улкан ислоҳотлар халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган ва бу ислоҳотлар келгусида ҳам изчил давом этади.

Хулоса қилиб айтганда, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришлар мамлакатимизда аҳоли саломатлиги ҳамда халқимиз генафондини яхшилаш, тиббий хизматлар сифатини оширишга қаратилган бўлиб, бу борадаги норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар эса мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг ўзида соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Айтиш керакки, бугунги кунда жамиятда янгидан-янги муносабатлар шаклланаётган экан, халқимиз саломатлиги ва тиббий хизматлар соҳаларидаги ривожланиш давр билан ҳамнафас бормоқда.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// "Халқ сўзи" газетаси, 2018 йил, 29 декабрь. № 271-272 (7229-7230). (Address by the President of the Republic of Uzbekistan Sh.Mirziyoev to the Oliy Majlis // "Khalq Suzi" newspaper, December 29, 2018 No. 271-272 (7229-7230).

2. "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2018 йил, 06/18/5590/2285-сон. (The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Complex Measures on Radical Improvement of the Health System of the Republic of Uzbekistan" // National Database of Legislation No. 06/18/5590/2285 dated 07.12.2018).

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига // "Халқ сўзи" газетаси, 10.11.2019 йил. №233-сон. (Mirziyoev Sh.M. To the employees of healthcare system of Uzbekistan // The newspaper "Halk Suzi", 10.11.2019. No.223.)

4. "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.12.2018 йил, 07/18/4055/2286-сон. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to organize the activities of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan" // National database of legislation, 07/18/4055 / 2286, 08.12.2018).

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма / нашр учун масъул ижодий гуруҳ: И.У.Мажидов, Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, Ш.И.Мустафоқулов - Т.: "Маънавият", 2019. Б.168-172. (The popular scientific guide on studying and propagation of the address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev to Oliy Majlis / Creative group responsible for the publication: Majidov I.U., Khodiev V.Yu., Bekmurodov A., Mustafokuqlov Sh.I.- Т.: " Manaviat", 2019. -P.168-172).

6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқотва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий услубий рисола. -Т.: "Маънавият", 2017. -Б.176-180.(Scientific-methodical brochure on the study of the State program on implementation of the Strategy of Action

on the five priority directions of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2020.-Т.: " Manaviat", 2017. -P.176-180).

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма / нашр учун масъул Р.С.Қосимов. - Т.: "Маънавият", 2018. Б.232-242. (The popular scientific guide on studying and propagation of the address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev to Oliy Majlis / responsible for the publication Kosimov R.S. -Т.: " Manaviat", 2018. -P.232-242).


8. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. № ПФ-5308. 22.01.2018. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.05.2018 йил, 06/18/5447/ 1269-сон. (On the State Program on Implementation of the Strategy of Action on the Five Priorities of Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 in the Year of Active Entrepreneurship, Innovative Ideas and Technology Support.Presidential Decree No. 5308. 22.01.2018. // National Database of Laws, 06.05 / 18/5447/1269, 25.05.2018).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Курбанова Манзила,
тарих фанлари номзоди, доцент
Шамсиева Зилола,
Бухоро давлат университети
Тарих ва маданий мерос факультети
Бухоро тарихи кафедраси

БУХОРО АМИРИ САРОЙИДАГИ АЁЛ СОЗАНДАЛАР САНЪАТИ

For citation: Manzila B. Kurbanova, Zilola Shamsieva. Art of women of musicians in the palace of the Bukhara emir. 2019, vol. 24, issue 2, pp. 76-88

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Бухоро амири саройидаги аёллар созандачилик санъати тарихи баъзи қирралари ёритилади. Хусусан, сарой машҳур созандалари фаолияти ва уларнинг "бел боғлаш" маросими таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: созанда, раққоса, доирадаст, чолғучи, хабаркаш, духтархон, "камарбандон" маросими, "Ўрдай хоссаги".

Курбанова Манзила,
кандидат исторических наук, доцент
Шамсиева Зилола,
Кафедра истории Бухары
Факультет истории и культурного наследия
Бухарского государственного университета

ИСКУССТВО ЖЕНЩИН-"СОЗАНДА" ВО ДВОРЦЕ БУХАРСКОГО ЭМИРА

АННОТАЦИЯ

В статье освещаются некоторые аспекты истории женщин-"созанда" в Бухарском Эмирате. В частности, в нем анализируются действия известных танцовщиц -

"созанда" дворца Бухарского эмирата и их церемония "камарбандон".

Ключевые слова: созанда, танцовщица, доирадаст, музыкант, женщины-"хабаркаш"и, духтархон, ритуал "камарбандон", "Урдаи хоссаги".

Manzila Kurbanova,
candidate of historical sciences,
associate professor
Zilola Shamsieva,
Bukhara State University Faculty
of History and Cultural Heritage
Department of History of Bukhara

ART OF WOMEN OF "SOZANDA" IN THE PALACE OF THE BUKHARA EMIR

ANNOTATION

The article highlights some aspects of the history of women-"sozanda" in the Bukhara Emirate. In particular, it analyzes the actions of the famous dancer - the "sozanda" of the palace of the Bukhara emirate and their ceremony "kamarbandon".

Key words: sozanda, dancers, doiradast, musician, women called "khabarkash", dukhtarkhon, ceremony of "kamarbandon", "Urdayi xossagi".

Ўзбек халқи миллий анъаналари, урф-одатлари, қадриятлари билан дунё ҳамжамиятида ўзига хос ўринга эга бўлиб, бугунги кунда ҳам жаҳон аҳли диққатини ўзига жалб қилмоқда. Бухоро воҳаси этнографиясининг ҳали-ҳануз тўлиқ, етарлича тадқиқ этилмаган соҳалари анчагина. Хусусан, турли базм ва маросимларда яққол кўзга ташланган "бухорча" рақс санъати ва унинг тарихий илдиэлари билан боғлиқ масалалар бугунги кунда ҳам тадқиқот талаб мавзулардан биридир.

Созандачилик санъати Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларида кенг тарқалиб, унинг маркази Бухоро ҳисобланган. Ушбу мақолада Бухоро созандачилигидаги аёл санъаткорлар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр юритилади.

Қадим Бухоро шаҳри маданий ҳаётининг ажралмас бўлаги-музиқа ва рақс санъати барча асрларда қизиқарли бўлган, деб ёзади санъатшунос олим Н.Нуржонов [1, С.103]. Бухорода "созанда" деганда ҳам кўшиқчи, ҳам раққосанинг санъати тушуниланган.

Тадқиқотчилар томонидан "созанда" сўзи мазмуни турлича талқин этилади. Маълумотларга қараганда, "созанда" атамаси форсча бўлиб, кўшиқчи деган маънони англатади. Ушбу санъат тури Шарқ, Ўрта Шарқ ва Кавказортида кенг тарқалган, Марказий Осиёда эса асосан, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида равнақ топган. Созандалар гуруҳи таркибига нафақат раққосалар, балки доирачилар (доирадаст), ногорачилар (нағорадастлар), дастнавозларнинг бутун бир гуруҳи ҳам кирган. Созандалар 4-5 кишидан иборат дасталарга бирлашганлар: 2 таси кўшиқчи-раққоса (бири труппа бошқарувчиси, бири кенжа шогирд), 2 таси доирадаст (бири ногорадаст), қолгани дастнавозлардан иборат бўлган [2, Б.220-227].

Бундан ташқари "созанда" сўзи "чолғучи" луғавий маъносида ҳам қўлланилади.

Бироқ биз қўллаётган "созанда" истилоҳи Бухорода ва унга яқин ҳудудларда қадим замонлардан ҳозиргача тўй маросимларида, асосан, аёллар базмларида қўшиқ, яллалар куйлаб, рақслар ижро этиб, томошабинларни ўз санъаткорона маҳорати билан хушнуд этувчи аёл санъаткор ёхуд санъаткорлар гуруҳи маъносида қўлланиб келинган [3, Б.7].

Бухорода хон саройида ва халқ орасида хизмат қиладиган махсус созандалар фаолият юритишган. Аввало, шуни айтиш керакки, Бухоро шаҳрида яшаган кекса онахонлар билан олиб борилган суҳбатлар жараёнида "Ўрдайи хоссаги" дастаси фаолияти 1880-1944-йилларда яшаган сўнгги манғит ҳукмдори Саййид Олимхон ҳукмронлиги даврида (1910-1920) эмас, балки унинг отаси Амир Абдулаҳадхоннинг ҳукмронлиги давридаёқ (1885-1910) шаклланиши аниқланган [4].

Бухоро Аркида амирнинг онаси Эшон ойим бошчилигида сарой аҳлига хос созандалар дастаси фаолият кўрсатиб келган. Бу созандалар учун Аркида махсус бир неча ҳужралар ажратилиб, улар кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаб турилган. Созандаларнинг ёш болаларига қаровчи энагалар тайинланган ва уларга хизмат ҳақи ҳам тўланган. Бухороликлар созандаларнинг машаққатли меҳнатини қадрлаб, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаб туришган. Айрим хонадонлар ҳаттоки созандалар оиласини оталиққа олиб, уларга нисбатан ғамхўрлик кўрсатишган.

Махсус "хабаркаш" аёллар шаҳар кезиб, моҳир созандалар ҳақида маълумотлар йиғишган ва Эшон ойимга бу ҳақида етказиб туришган. Демак, "Ўрдайи хоссаги" созандалар дастасига энг кўзга кўринган раққоса-ю ашулачилар жалб қилинган ва улар фақатгина сарой аҳли учун маданий хизмат кўрсатишган.

Қўшиқ айтиш ва рақс тушиш иқтидорига эга ёш қизлар машҳур созандаларга шогирд тушганлар ва улар "духтархон" деб аталганлар. Устоз шогирдига алоҳида дарс машғулотли олиб бормаган, фақатгина шогирдини ўзи билан бирга давраларда олиб юрган. Шогирд етарли даражада илм ўрганиб, тажриба ҳосил қилганидан сўнг "камарбандон" маросими ўтказилган. Бу маросимда шогирд қиз мустақил равишда бир ўзи давраларни олиб бориши учун устози "камари устози" деб аталган белбоғни шогирдининг белига боғлаган, бундан ташқари, унга совға тариқасида "қайроқ" ва "занг" бериб, оқ йўл тилаган. Шундан сўнг ёш истеъдод соҳибаси мустақил равишда труппа ташкил қилиш имкониятига эга бўлган [5, Б.220-227].

Камарбандон маросими шогирднинг ота-онаси, ака-укаси томонидан унинг хонадонига таклиф этилган меҳмонлар гувоҳлигида ўтказилган. Бадавлат хонадонларда эгалланган ҳунар ҳақида қўй сўйишган, оддий хонадонлар эса етти кишига мўлжаллаб ис-"бўғирсоқ", ҳолвайтар, оши софи пишириб, меҳмонларни сийлашган.

Бухоро амирлиги саройида хизмат қилган иқтидорли созанда-аёлларнинг кўпчилиги яҳудий миллатига мансуб бўлган. Созанда-раққосалар ҳақидаги дастлабки маълумотлар XIX асрнинг иккинчи ярмига тегишли бўлиб, анъанага кўра аёл-созандалар турли тўй ва бошқа маросимларда фақатгина аёллар орасида ўз санъатларини намойиш этишган. Шу сабабли, уларнинг санъатларини ўрганиш эркак этнограф олимлар учун мушкул бўлган. 1950-йилларнинг ўрталарида бухоролик созанда-аёллар санъати ҳақида биринчи маълумотлар пайдо бўлди [6, Б.37]. Ушбу маълумотларга кўра, созанда-аёллар Карманада 1880-йилларда пайдо бўла бошлаган. Булар орасида бизгача номи етиб келган созандалар-Шишахон (Булор Казакова) ва Малкойи Ошма эди. Бундан ташқари бу даврда

Ёқут Ораз ва Шоиста сингари созандалар ҳам машхур бўлган. Улар 1890-йилларда амир саройига таклиф этилган. Булор созанда ниҳоятда гўзаллиги туфайли "Шишахон" эпитетини олган [7, Б.4]. XX асрнинг бошларида эса ўзининг иқтидори билан Товой Каркиги ва унинг қизи Михаилли Каркиги каби созандалар элга машхур бўлдилар.

Товойи Каркиги 1857 йил Каркида туғилиб, вояга етган. Амир Олимхоннинг онаси- Эшон ойим (ёки Пошшобиби)нинг қўлида хизмат қилиб, созанда санъатининг дарғалари даражасига етади. Унинг шогирдлари Михаилли Каркиги, Булори Ошма, Кундалхон (Адино) эдилар. У ўз даврида Бухорода рус тилида сўзлаша оладиган ягона аёл бўлгани учун "Товойи урус" номи билан танилган. Товойи Каркиги 1959 йил Исроилда 102 ёшида вафот этди (эвараси- Муҳаббат Шамаева) [8, Б.220-227].

Товойи Каркигининг қизи Михаилли Каркиги 1888 йил Каркида дунёга келади ва ўсиб улғаяди. Онасининг шогирди Михаиллининг раққосалик овози Бухорогача етгач, Каркидан Бухорога кўчиб ўтишга мажбур бўлади. У 20 фарзанднинг онаси бўлиб, 1941-йилда "Икки атиргул" номидаги тожик балети тарихида "Зангбози" ва "Қайроқбози" рақсларига асос солган. У амир Олимхоннинг базмларида кўпинча ҳарир ипак матолардан тикилган либослар кийганлиги туфайли "Ҳалирхон" номи билан машхур бўлган [9, Б.220-227].

Халирхон (Михаили Каркиги) санъати, ижодий фаолияти ҳақидаги айрим маълумотлар Бухоро амири саройида Ойхон-малика номи билан шуҳрат қозонган Ўзбекистон ССР халқ артисти, болаларга ўзининг хуш овози билан радио орқали эртақлар айтиб бериб хотираларда мангу муҳрланган санъат вакиласи Марям Ёқубованинг хотираларида учратиш мумкин. Ўзбекистон халқ артисти Марям Ёқубова 1909-йилда Бухорода туғилган. У ёшлигида холаси Халирхон Каркигий билан бирга амир Олимхон саройида амирнинг онаси Эшон ойим базмида иштирок этиб, ажойиб рақслари билан саройдаги аёллар диққатини ўзига жалб қилади. Эшон ойим уни саройда олиб қолади ва Марям 1929-йилгача шу ерда яшайди. Бухоронинг сўнгги амири Олимхоннинг ҳукмронлиги тугагандан сўнг ёш Марям (асли исми Ойхон) болалар уйида тарбия топади. Кейинчалик ёрқин истеъдод соҳиби Ҳамза номидаги театр қошидаги ишчи сайёр театрида, қатор йиллар давомида Свердлов номидаги мусиқа театрида, Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма ва комедия театрида ишлаб ёрқин, унутилмас ролларни ижро этган [10, Б.93-94].

Ўз эсдаликларида Марям Ёқубова таниқли созанда Халирхон ҳақидаги таассуротларини қуйидагича ёзиб қолдирган: "Бир пайт биз Бухорога-онамнинг қариндошлари, Каркиги тахаллуси билан танилган Бухоро Аркининг машхур созанда (қўшиқчи ва раққоса) си Халирхонни кига бордик. Ўша дамларда у тетик, гўзал, хипчабел аёл эди, балки шунинг учун уни Халирхон деб аташган?. Бу аёлнинг хонадониди биз қийинчилик туфайли ҳеч истеъмол қилмаган ҳолва, парварда каби ширинликларни татиб кўрдик (бу ширинликларни у тўйлардан келтирар эди). Аммо тез орада менинг синглим ва Халирхоннинг ўғли чечаккаса лига чалинди. Унинг ўғли вафот этади, синглим эса тирик қолади. Бир куни қизил бахмал билан ўралган фойтунда бир аёл келиб Халирхонни мандан сўради. Халирхон шоша-пиша уйга кириб тез кийина бошлади. Ундан мени ҳам олиб боришини сўрадим. Бироқ, ойим ҳам, Халирхон ҳам бунга рози бўлишмади. Чунки ойим Халирхоннинг амир саройи-Ўрдага бораётганини, сарой яхши-ёмон кўргуликлар макони эканлиғни билар эдилар. Бироқ уларни мени ҳам Ўрдага олиб кетишга

кўндирдим. Йўл-йўлакай Халирхон менга бораётган манзилимизда жуда нозик одамлар борлигини, уларнинг олдида ортиқча сўзламаслигимни таъкидларди. Ниҳоятда, мен учун томошалар бошланди. Халирхон Эшон ойим қабулига келгач, унга яқинлашиб уч марта таъзим бажо келтирди ва тиз чўкиб, унинг этагини ўпди. Сўнг у мени ҳам шундай қилишга чорлади. Амир ва оила аъзоларига атаб махсус дуойи фотихага қўл кўтарилди. Доиралар чалина бошлади. Халирхон кўшиқ куйлашда давом этарди. Пошшобиби рухсатисиз куйлаш ва рақсдан тўхташи мумкин эмас эди. Ора-орада Халирхонга хизматкор-аёл пиёлада томоғи қуриб қолмаслиги учун сув келтириб ичирарди. Бошқа бир аёл эса кўз тегмаслиги учун исириқ тутатарди. Меҳмонлар эса созанданинг санъатидан баҳраманд бўлиб, унинг пешанасига тилла тангаларни оғизлари сўлагига хўллаб ёпиштирар эдилар. Менга гўёки рақс тугамайдигандек эди. Ниҳоятда, Эшон ойим Халирхонни тўхтатиб, бу қиз ҳам рақсга туша оладими, деб сўради. У эса "йўқ" жавобини берди, аммо мен Халирхоннинг сўзини рад этиб, ростини айтдим: "Ҳа, биламан". Бошқа хонага ўтгач холам мени койий бошлади, аммо мен ўша лаҳзада нимага у асабийлашаётганини тушунмас эдим. Менга Эшон ойим янги либослар келтиришни буюрди. Халирхон ва Тилло созандалар четда туришар эдилар. Менинг рақсимдан баҳраманд бўлган Эшон ойим мени ҳам саройда олиб қолди. Мен унинг оёқ-қўлларини уқаловчи хизматкорига айландим. Аммо қилган хатойимни кейинчалик тушуниб етдим. Мен яқинларимдан узоқлашган эдим. Холам Халирхон келганида ҳам мени унга кўрсатишмас эди. Мазкур базмлардан бири мен учун унутилмасвоқеа бўлиб қолди. Халирхон фарзанд кутар эди. Бироқ, уни базмга таклиф қилишганда рад жавобини бера олмайди. Базмга келиб рақс тушаётганида Эшон ойим ухлаб қолди ва уни уйғотишга ҳеч кимнинг ҳадди сифмайди, Халирхоннинг эса рақсни тўхтатишга ҳадди йўқ эди. Оғир оёқлигидан ранги оқариб, ҳолсизланиб қолди. Кўз ўнгимда у йиқилиб кетаётган эди. Охир-оқибат бир аёл секингина Эшон ойимни уйғотиб, рақсни тўхтатиш зарурлигини айтади. Халирхон эса остона ҳатлашга улгурмай, шу лаҳзанинг ўзида фарзанди дунё юзини кўради, аммо чақалоқ нобуд бўлган эди" [11, С.12-18].

Жалол Иқромийнинг "Бухоронинг ўн икки дарвозаси" романида Бухоро Арки-Ўрдасида хизмат қилган созандалар ҳақида куйидаги фикрлар келтирилган: "Ичкари ҳовлида турли табақалардан анча аёл тўпланишганди, бир неча созандалар соз чалиб ашула айтишаётганди. Катта уйда Тилло созанда рақсидан кейин, каркилик созанда кўшиқ айтиб, санъатини намойиш қилди [12, Б.109-110]. Худди шу каркилик созанда Халирхоннинг онаси Михаили Каркиги эди.

Бундан ташқари, инқилобдан кейинги даврда, 1920-йилларда яна бир гуруҳ машҳур аёл-созандаларнинг номи манбаларда эслатилади. Улар орасида Губур (Хевси Аронова), Ношпоттихон (Хевси Бақойева), Маҳтобхон (Фрехо Бақойева), Червонхон (Адино Беньямина), Барнойи Каркиги, Бирләнхон (Мирям Карайева), Миндалхон (Мазол Юхананова), Соняхон (Хусни Давидова)ларнинг номи алоҳида эътиборга моликдир [13, Б.220-227]. Бундан ташқари, XX асрнинг дастлабки чорагида Ёдгор созанда, Латофатхон, Поччо (Подшоҳ), Мулложойи (Муллоча), Набот кабилар номлари қайд этилади.

Бухоро созандачилик санъатининг тарихини масалаларини тарихий-этнографик нуқтаи-назардан тадқиқ этиш жараёнида нафақат маҳаллий халқ, балки бой-бадавлат хонадон, хусусан амир хонадони аъзоларининг кундалик турмуши, маросим ва урф-одатларининг ўзига хослик жиҳатлари ўрганилади. Ўз навбатида мазкур санъат тарихидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш эса тарихимизнинг

номаълум саҳифаларини ёритишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Нурджанов Низом. Театральная и музыкальная жизнь столицы государства саманидов (XIX-XX вв.). - Душанбе, Матбуот. 2001. - С. 103 (Nurjanov Nizom. Theatrical and musical life of the capital of the state of Samanids (XIX-XX centuries). - Dushanbe, Matbuot. 2001. - P. 103)
2. Тахалов С. Древнее искусство в наши дни - женский музыкальный фольклор "Созанда" // История бухарских евреев. Новый и новейший период (1865-2000) . - Нью-Йорк, 2005. т. 2. - Б. 220-227 (Takhalov S. Ancient art in our days, female musical folklore "Sozanda" // History of Bukhara Jews. New and new period (1865-2000). - New York, 2005. t. 2. - B. 220-227)
3. Ҳамроев Т., Фармонова М., Узоқов А. Бухоро санъати дурдоналари. - Тошкент, 2011. - Б. 7 (Khamroev T., Farmonova M., Uzakov A. Masterpieces of Bukhara art. - Tashkent, 2011. - B. 7)
4. Курбонова М. Б. "Ўрдайи хоссаги" - сарой раққосалари фаолиятидан (тарихий-этнографик таҳлил). Вухоро davlat universiteti ilmiy axboroti. 2013/3(51) (Kurbanova M. B. "O'rdayi xossagi" - from the activities of palace dancers (historical and ethnographic analysis). Scientific information of Bukhara State University. 2013/3 (51))
5. Тахалов С. Древнее искусство в наши дни - женский музыкальный фольклор "Созанда" // История бухарских евреев. Новый и новейший период (1865-2000) . - Нью-Йорк, 2005. т. 2. - Б. 220-227 (Takhalov S. Ancient art in our days, female musical folklore "Sozanda" // History of Bukhara Jews. New and new period (1865-2000). - New York, 2005. t. 2. - B. 220-227)
6. Ашрафи М., Кон Ю. Народное музыкальное творчество // Музыкальная культура Советского Узбекистана. - Ташкент: ГИХЛ, 1955. - Б. 37 (Ashrafi M., Kon Yu. Folk musical creativity // Musical culture of Soviet Uzbekistan. - Tashkent: GINL, 1955. - P. 37)
7. Особый жанр искусства - Созанда (A special genre of art - Sozanda) // Лехаим (Weekly Newspaper of Bukharian Jews around the World). 27.11-03.12, 2015. Kislev 15-21 5776. - Б. 4
8. Тахалов С. Древнее искусство в наши дни - женский музыкальный фольклор "Созанда" // История бухарских евреев. Новый и новейший период (1865-2000) . - Нью-Йорк, 2005. т. 2. - Б. 220-227 (Takhalov S. Ancient art in our days, female musical folklore "Sozanda" // History of Bukhara Jews. New and new period (1865-2000). - New York, 2005. t. 2. - B. 220-227)
9. Тахалов С. Древнее искусство в наши дни - женский музыкальный фольклор "Созанда" // История бухарских евреев. Новый и новейший период (1865-2000) . - Нью-Йорк, 2005. т. 2. - Б. 220-227 (Takhalov S. Ancient art in our days, female musical folklore "Sozanda" // History of Bukhara Jews. New and new period (1865-2000). - New York, 2005. t. 2. - B. 220-227)
10. Абдуллаева З., Қосимова Н., Атоева М. Бухоро аёллари. Бухоро нашриёти, 1997. - Б. 93-94 (Abdullaeva Z., Kasymova N., Atoeva M. Women of Bukhara. Bukhara Publishing House, 1997. - P. 93-94)
11. Якубова М. Как я стала актрисой. [Послесл. Л. А. Авдеевой]. - Ташкент, 1984. - С. 12-18 (Yakubova M. How I became an actress. [Afterword L. A. Avdeeva]. - Tashkent, 1984. - P. 12-18)


12. Икромий Ж. Бухоронинг ўн икки дарвозаси. -Тошкент,1971. -Б.109-110(Ikrami J. The twelve gates of Bukhara. - Tashkent, 1971. -В.109-110)
13. Тахалов С. Древнее искусство в наши дни-женский музыкальнқй фольклор "Созанда" // История бухарских евреев. Новый и новейший период(1865-2000) . -Нью-Йорк, 2005. т.2. -Б.220-227 (Takhalov S. Ancient art in our days, female musical folklore "Sozanda" // History of Bukhara Jews. New and new period (1865-2000). -New York, 2005. t.2. -P.220-227)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Курбонов Абдусамад Мелигалиевич,
Термиз давлат университети
Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик кафедраси

БРОНЗА ДАВРИ ИБОДАТХОНАЛАРИДА УЧРАЙДИГАН АЛТАРЛАР

For citation: Abdusamad M.Kurbonov. Altars in temples of bronze age. 2019, vol. 24, issue 2, pp. _____

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24-12>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўрта Осиёнинг бронза даврига оид илк ибодатхоналаридаги диний маросимлар ўтказилиш жойи бўлмиш алтарлар тўғрисида сўз бориб, бунда қадимги давлатлар саналмиш Марғиёна ва Бақтрия ҳамда, Қадимги Шарқ ҳудудидаги давлатларда мавжуд бўлган ибодатхоналар алтарларининг тузилиши илмий жиҳатдан ёритилган.

Шунингдек, ушбу мақоладада номи келтирилган ҳудудларда В.М.Массон, И.С.Масимов, А.Асқаров, В.И.Сарианиди, Т.Шириновларнинг тадқиқотлари натижасида очилган ва ўрганилган Олтинтепа, Дашли, Саразм, Тўғолоқ - 21, Гонур ва Жарқўтон ибодатхоналарининг оташгоҳлари ва уларнинг ўхшашликларига ҳам тўхталиб ўтилган.

Бундан ташқари диний характерга эга бўлган марказларнинг қурилишига оид фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: Ибодатхона, алтар, дин, Олтинтепа, Дашли, Тўғолоқ - 21, Гонур, Жарқўтон, муқаддас деворлари, ёдгорлик, муқаддас, саждагоҳ, Саразм, Айнатепа, Геоксюр, тўрт унсур, Кўзали, Мўлали, Қўш оловхонали ўчоқ.

Курбанов Абдусамад Мелигалиевич,
Термезский государственный университет
Кафедра истории Узбекистана и источниковедения

АЛТАРЫ В ХРАМАХ БРОНЗОВОГО ВЕКА

АННОТАЦИЯ

Он научно освещает алтарь, место религиозных церемоний в ранних храмах бронзового века в Центральной Азии и структуру алтарей храмов в древних странах, которые Маргиана и Бактрия, а также в странах Древнего Востока в Эта статья.

Кроме того, упоминаются алтари храмов Алтинтепа, Дашли, Саразм, Тоголок-21, Гонур и Джаркутан и их сходства, которые были открыты и исследованы в областях, упомянутых в этой статье В.М. Массоном, И.С. Масимовым, А.А. Аскарлов, В.И. Сарияниди, Т. Ширинов.

Помимо этого, описаны некоторые мнения, которые относятся к строительству религиозных центров.

Ключевые слова: Храмы, алтарь, религия, Алтиндепе, Дашли, Саразм, Тоголок-21, Гонур-Депе, Джаркутан, стены обороны, памятник, сакрамент, храм поклонения, Айнатепа, Гиоксур, четыре стихии, Кузали, Мулали, двойная печь с огнем.

Abdusamad M.Kurbonov,

Termiz state university

Department of History of Uzbekistan and source studies

ALTARS IN TEMPLES OF BRONZE AGE**ANNOTATION**

It is scientifically illuminated about the Altar, the place of religious ceremonies in the early temples of Bronze Age in Central Asia, and structure of altars of the temples in ancient countries which Margiana and Bactria as well as that in the countries of the Ancient East in this article.

On top of that, It is mentioned about The altars of Altintepa, Dashli, Sarazm, Togolok - 21, Gonur and Djarkutan temples and their similarities which were opened and explored in the areas mentioned in this article by VM Masson, IS Masimov, A.A. Askarov, V.I Sarianidi, T. Shirinov.

Apart from this, It is described some opinions which belongs to the construction of religious centers.

Key words: temples, altar, religion, Altindepe, Dashli, Sarazm, Togolok-21, Gonur Depe, Djarkutan, walls of defense, monument, sacramental, temple of worship, Aynatepe, Gioksur, four elements, Kuzali, Mulali, double oven with a fire.

Археологлар томонидан Сополли маданиятининг ёдгорликларидан олиб борилган Ақзиш ишлари натижасида ҳаммаси бўлиб 12 та алтар ва битта икки камерали оловга топиниш ўчоғи топилган. Улардан 8 таси Жарқўтон ёдгорлигини ибодатхонасидан топилган бўлса, улардан тўртаси ва икки камерали ўчоқ эса "арк" қисмида топилган. Алтарлар тузилишига кўра икки типга ажратилади:

А) доира шаклдаги алтарлар;

Б) квадрат шаклдаги алтарлар.

Доира алтарларнинг ўлчамлари қуйидагича: диаметри 0,90-1,6 м, деворларини қалинлиги 15-22см, баландлиги 8-10см ташкил қилади. Улар асосан махсус лойдан қурилган, деворлари юпқа силлиқ қилиб сувалган. Ички қисми олов таъсирида кучсиз куйган, қора-қурум излари деярли сезилмайди. Уларни кўпчилиги тўғридан-

тўғри хона полига, айримлари эса пол устидаги суфасимон қурилма устига қурилган. Уларнинг тулами деярли бир аланга, яъни майда қўмир аралаш тоза кулдан иборат бўлиб, уни устида юпқа тоза юмшоқ тупроқ ётқизилган.

Доира шаклдаги алтарлар илк маротаба Ўрта Осиё ҳудудида энеолит ва бронза даврларидан бошлаб кенг масштабда тарқалиши кузатилади. Бу типдаги Алтарлар Саразм ёдгорлигини III қурилиш даврига оид қатламда[5], Калибанган[2] ва Қурааракс маданиятини ёдгорлигида ҳам учраши кузатилади[11]. Жанубий Туркманистон ҳудудидаги энеолит даврига оид қуйидаги ёдгорликларда: Айнатепа[17], Чангтепа[15], Геоксюр 1[16], Суза илк комплексида[1] ва Шарқий Анатолийнинг милоддан аввалги III минг йилликларга оид ёдгорликларда учраши кузатилади[11]. Бундан ташқари Саразм ёдгорлигини энеолит даврига оид қатламида[3] ва сўнгги бронза даврига оид илк Тулхар қабристониди ҳам доира алтарлардан андоза қилиб қурилган алтарлар ўрганилган[6].

Иккинчи типдаги алтарлар Жарқўтонда атиги иккита топилган ва биринчи типдаги алтарларга ўхшаб кенг ҳудуд бўйлаб тарқалмаган.

Биринчи алтарни ўлчамлари 90x90 см, ён деворини қалинлиги 18 см, баландлиги эса 11 см. Алтар ибодатхонани ғарбдаги хўжалик қисмида энг катта хоналардан бирида жойлашган. Унинг девори бошқа алтарларга нисбатан озроқ куйган лекин ичидаги қатламлар бошқа алтарларникига ўхшаш.

Иккинчи алтарнинг фақатгина ён деворларини қолдиқлари топилган бўлиб, уни ўлчамларини тиклашни иложи бўлмади.

Квадрат шаклдаги алтарлар Саразм ёдгорлигини бронза даврига оид қатламида[4], Олтинтепа ёдгорлигида[9] ва илк Тулхар қабристонинг қабрларини бирида учраши кузатилади[7].

Оловга сиғиниш ўчоғи ҳисобланаётган квадрат шаклдаги алтарлар Дашли-3 ни айлана ибодатхонасини ховлисидан топилган [12]. Ушбу алтарни тўрт томонида ҳам ён деворларини давом этиш ва уларни баландлиги 10-11 см дан ошмаганлигини эътиборга оладиган бўлсак, улар оловга сиғиниш, яъни муқаддас ўчоқ ҳисобланиши мумкин. Бу типдаги алтарнинг ибодатхонадаги катта платформа устида қурилиши унинг ибодатхонанинг бош оловига сиғиниш алтари бўлиши мумкинлигини кўрсатади[19]. Яна бир квадрат шаклдаги алтар 12-хонадаги металл устахонасининг қарама-қарши томонида жойлашган. Т.Ш.Шириновни фикрига кўра бу алтар эркак кишининг металл устахонасидаги хона алтари бўлиши мумкин[18].

А.М. Мандельштам томонидан Жанубий Тожикистон ҳудудидаги бронза даврига оид илк Тулхар қабристониди аёл қабридан доира ва эркак киши қабридан эса туртбурчак шаклдаги алтарлар учраши айтиб ўтилган[7]. Юқорида номлари тилга олинган икки типдаги алтарлардан ташқари қўш оловхонали ўчоқ ҳам учраши аниқланди. Ушбу қўш оловхонали ўчоқ Жарқўтон босқичига оид бўлиб, унинг оловхоналари тўғритуртбурчак шаклда, улардан бирини ўлчами 83x24, иккинчи эса 86x33 см ни ташкил қилади. Ўчоқнинг деворлари хом ғиштдан терилган бўлиб, қалинлиги 14x16, баландлиги эса 20-22 см.дан иборат. Ўчоқ икки оловхонали бўлиб, уларни ғиштдан терилган девор ажратиб туради. Унинг олов камераси сомон аралаш лой билан жуда юпқа ва силлиқ қилиб бир маротаба сувалган. Ушбу типдаги оловга сиғиниш ўчоғи Сополли маданияти ёдгорлигида биринчи марта кузатилмоқда. Қўш оловхонали ўчоқлар энеолит даврига оид Геоксюр воҳасининг Ялонғочтепа ва Олтинтепа ёдгорликларида ҳам учраши аниқланган[14]. Мурғоб воҳасининг Келлели VI манзилгоҳида ҳам қўш оловхонали ўчоқ учрайди

ва уни И.С. Масимов милоддан аввалги II минг йилликни бошларига тегишли эканлигини аниқлаган[8]. Қадимги Бақтриянинг бронза даврига оид Дашли-3 ибодатхонасида девор олди тўғритўртбурчак икки камерали ва ҳаттоки уч камерали ўчоқлар учрайди[13].

В.И. Сариянидини ҳам Ялонғочтепадаги икки камерали ўчоқни муқаддас оловга сиғиниш ўчоғи бўлганлигини таъкидлайди[15].

Тадқиқотларга таянган ҳолда Жарқўтон "арк"ининг Жанубий қисмидаги уйнинг саккизинчи хонасидан топилган девор олди икки камерали ўчоқни оловга сиғинишга хизмат қилган деган фикр ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки, ушбу ўчоқда кучли олов ёнмаганлиги, ён деворларини унча баланд бўлмаганлиги ҳамда бир даврда бир хонага иккита хона иситиш ўчоғини зарур эмаслиги буни исботлайди. Нега, оловга сиғиниш алтарлари айнан доира ва квадрат шаклда бўлган, деган совол туғилади. Доира кўпгина тадқиқотчилар томонидан куёш рамзи деб қабул қилинган [20]. Тўртбурчак эса дунёнинг тўрт унсури билдирган. "Олов - сув - ер - ҳаво" шунинг билан мустаҳкам тизим, бутунликка эришилиб, коинотнинг асосий чизгиларининг бирлаштирган[10]. Шунинг учун ҳам ушбу типдаги алтарлар муқаддас ҳисобланган.

Юқоридаги маълумотлар, алтарларни ва икки камерали ўчоқларни жойлашишига қараганда Сополли маданиятининг илк босқичида оилавий оловга сиғиниш ва Жарқўтон босқичида эса марказлашган ибодатхонада жамоа бўлиб оловга сиғиниш амалга оширилганлиги, шу билан бирга ҳар бир патриархал оилада ҳам ўзларининг махсус оилавий оловга сиғиниш алтарлари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Сополли маданиятининг сўнгги босқичлари Кўзали ва Мўлали босқичларида эса Жарқўтон аҳолиси марказлашган ибодатхоналарда жамоавий тарзда оловга сиғинишганликлари кўриниб турибди.

Алтарлар ва икки камерали ўчоқларнинг шакли ва жойлашишига қараганда Сополли маданиятининг илк босқичида оилавий оловга сиғиниш ва Жарқўтон босқичида эса марказлашган ибодатхонада жамоа бўлиб оловга сиғиниш амалга оширилганлиги, шу билан бирга ҳар бир патриархал оилада ҳам ўзларининг махсус оилавий оловга сиғиниш алтарлари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Сополли маданиятининг сўнгги босқичлари Кўзали ва Мўлали босқичларида эса Жарқўтон аҳолиси марказлашган ибодатхоналарда жамоавий тарзда оловга сиғинганлиги Жарқўтон олов ибодатхонаси мисолида кўринади.

Жарқўтон ёдгорлигида олиб борилган қазилма ишлари натижасида аркнинг кўп хонали уйни хоналаридан иккита алтар ва қўш ўчоқ очилди. Уйнинг деворлари очилмасдан туриб, бу ерда алтарлар очилди. Демак, алтарлар юқори қатлам қурилиш даврига оид ёки у баландга кўтариб қурилган. Лекин, аркда топилган алтарлар остида тоза тупроқдан қурилган суфа қурилганлиги аниқланди. Бизнинг фикримизча, бронза даври аҳолиси оловга топилганлиги боис оловни муқаддас билиб, улар алтарларни 50-60 см баландликдаги суфа устига қурганликлари кўриниб турибди. Алтар доира шаклдаги қурилма бўлиб, уларнинг девори сомонли лойдан хом гишт лойини эслатувчи массадан иборат. Алтарлар девори лойга сомон аралаштириб пишиқ қилиб қурилган. Алтарларни поли суфани полидан 3 см кўтарилиб сомонли лой билан сувалган.

Биринчи алтар. Алтар 4- хонани жанубий томонида жойлашган бўлиб, у доира шаклда унинг диаметри 1,10 см ташкил қилади

Унинг деворини қалинлиги 15см, сақланиш баландлиги эса 8-10см. Алтарни ички қисми асосан кул қатламдан иборат бўлиб, уни деворларида қизариб

куйганлик белгилари кузатилмайди. Лекин, алтарни ўрта қисмида бир оз куйган ҳолат аниқланди. Бу ҳолат юқори даражада олов ёнмаганлигидан гувоҳлик беради.

Иккинчи алтар. Ушбу алтар 5 - хонанинг жанубий томонида жойлашган бўлиб, унинг диаметри 1м, деворини қалинлиги 10 см, сақланиш баландлиги эса 5-8 см. Ушбу алтар ҳам юқоридаги алтар сингари кўтарилган супа устига қурилган.

Алтарни девори яхши ишлов берилган сомон аралаш лойдан қурилган. Алтарни тулами куйидагича: аввал полдан иборат бўлиб, у 3 см қалинлик қизариб куйган. Пол устида 7 см қалинликда кул қатлампидан иборат бўлиб, уни ранги ҳар-хил. Алтарни ўртасида дағал оқ рангли, уни атрофида эса кул ранги кулни ташкил қилади. Алтар деворини атрофида ва кул қатламини устида эса юмшоқ тупроқ қатлампидан иборат. Мазкур қатламни қалинлиги 2-6 см. Ушбу алтар маданий қатлами устида жойлашганлигини эътиборга олинадиган бўлса, у Сополли маданиятининг Мўлали босқичига оидлиги кўриниб турибди. Негаки, унинг остидаги маданий қатлам орасида Сополли маданиятининг Жарқўтон ва Кўзали даврларига оид сополлар мажмуаси учрайди.

Кўш оловхонали ўчоқ. Кўп хонали уйнинг 8- хонасини шимолий деворига тақаб қурилган бўлиб, уни умумий кўриниши квадрат шаклида, яъни ўлчами 1,02x1 метрни ташкил қилади. Ўчоқни оловхоналари тўғритўртбурчак шаклда, улардан бири 83x24 см, иккинчиси эса 86x33 см дан иборат. Ўчоқни деворлари хом гиштдан терилган бўлиб, унинг қалинлиги 14 x16 см, баландлиги 20-22 см. Ўчоқни олов камерасини хом гишт термаси иккига ажратиб туради. Унинг оловхоналари сомон аралаш лой билан жуда юпқа қилиб бир маротаба сувалган. Ўчоқ деворлари олов таъсирида ўта қизариб куймаган. Негаки, оловхоналарни ўртасига олов қўйилган бўлиб, ўчоқ оловхоналарини ўртасида кучсиз куйганлик белгилари кузатилади.

Ўчоқ оловхоналарини тулами бир хил, яъни аввал пол ва уни устида юмшоқ тупроқ қатлампидан иборат.

Бундан кўриниб турибдики, у олов билан боғлиқ маъросим билан бўлган. Чунки, ўчоқнинг оловхоналари оловга сиғиниш маросими тугагандан сўнг доимо тозалаб турилган. Ўчоқнинг ғарбий оловхонасининг поли остида уч дона тош, шарқий оловхонасининг полига эса фақатгина майда тошчалар ётқизилган. Ушбу тошчалар устидан сомонли лой билан текис қилиб сувалган. Ўчоқда кучли олов ёнмаганлиги ва деворларни ўта қизариб куймаганлигини ушбу ўчоқдан оловга топинишда фойдаланилганлигидан далолат беради.

Ўчоқнинг ғарб томонига Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичига оид хумча ўрнатилган. Кўш оловхонали ўчоқ уй қурилиши билан бирга қурилганлиги, ҳамда Жарқўтон босқичига оид хумчанинг мавжудлиги ўчоқнинг Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичига оидлигини тасдиқлайди.

1994-2003 йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида оловга топинишга мўлжалланган қурилмаларга доир қимматли материаллар тўпланди. Тўпланган ушбу материаллар Сополли маданияти аҳолиси фақатгина доира ва квадрат шаклдаги алтарларда оловга сиғиниб қолмасдан балким, улар икки камерали ўчоқларда ҳам фойдаланганлиги кўриниб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Mесquenet A. R. De Fouille de suse, 1933-1939. MMA en Iran. Paris, 1943, t. XXV. -P. 107-108.

2. Bongard-Levin G.M. Ancient Indian civilization, philosophy, science, religion. - M., 1980. -P.16.
3. Isakov A. Sarazm - a new early farming -P.152-167.
4. Isakov A. Sarazm - a new early farming monument to Central Asia // SA, No. 6, 1986. -P.152-167
5. Isakov A. Sarazm - a new early farming monument to Central Asia // SA, 1986, No.1. -P.152-167.
6. Khlopin I.N. Model of the round altar from Yalangach-depe // KSIA, vol. 98. -M., 1964. -P.87-89.
7. Mandelstam A.M. Monuments of the Bronze Age in southern Tajikistan // MIA, No. 145. -M., 1968. -P.8-60, 125-129
8. Mandelstam A.M. Monuments of the Bronze Age in southern Tajikistan // MIA, No. 1, 1968. -P.8-46.
9. Masimov I.S. New studies of monuments of the Bronze Age on Murghab // Ancient civilizations of the East (Materials of the II Soviet-American symposium). - Tashkent, 1986. -P.117
10. Masson V.M. Altyn-depe // Transactions of the Utake, vol. XVIII. L., 1981. -P.64.
11. Munchaev R.M. Caucasus at the dawn of the Bronze Age. M., 1975, p. 156
12. Munchaev R.M. Caucasus at the dawn of the Bronze Age. -M.,1975. -P.156-157
13. Myths of the peoples of the world. In two volumes, t. 1. -M., 1980. -P.630
14. Sarianidi V.I. Monuments of the Late Eneolithic of southeastern Turkmenistan // Archeology of the USSR. AIS. B. 3-8. Part 4. -M., 1965. -P.12-13, fig. 7: 9.
15. Sarianidi V.I. Monuments of the Late Eneolithic of southeastern Turkmenistan // Archeology of the USSR. AIS. B 3-8. Part 4. -M., 1965. -P.87-89; Religious buildings of settlements of Anau culture // SA, No. 1, 1962. -P.44-45
16. Sarianidi V.I. Religious buildings of settlements of the Anau culture // CA, No. 1, 1962. -P.24; Masson V.M. Altyn-depe // Transactions of the Utake, vol. XVIII, L., 1981. -P.42.
17. Sarianidi V.I. The ancient farmers of Afghanistan. -M., 1977. -P.34-39.
18. Sarianidi V.I. The study of monuments of the Bronze and Early Iron Age in Northern Afghanistan // KSIA, vol. 132.M., 1972, p. 17; The ancient farmers of Afghanistan. -M., 1977. -P.34-36
19. Shirinov T.Sh. Altars of fire ... -P.76.
20. Shirinov T.Sh. Altars of fire ... -P.74; Sarianidi V.I. The ancient farmers of Afghanistan. -M.,1977. -P.39; Khlopin I.A. A model of a round barber from Yalangach-depe // KSIA, no. 98. -M.,1964. -P.47-51.
21. Shirinov T.Sh. Altars of fire from the temple of Dzharkutan - a monument of the era of developed bronze of the south of Uzbekistan // IMKU, vol. 23. -Tashkent, 1990. -P.76.



Tadqiqot UZ

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№24 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темуր пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000